- creating conditions for meeting the needs of the population in healthy nutrition by encouraging domestic production of food products, especially products rich in essential micronutrients, creation of food products, based on local raw materials, forming an environment, stimulating introduction of healthy nutrition principles among the population;
- conducting fundamental researches in the field of healthy nutrition and dietology, aimed at studying the diet among different population groups and the causes of common diseases related to nutrition.

Improving the structure and ration of nutrition, along with other factors, it had a positive impact on health of population. Over the past 10 years, the proportion of children with reduced body weight decreased by more than twice (from 4% to 1.8%), 2.5 times decreased incidence of anemia women. The life expectancy of the population of Uzbekistan increased by 6.5 years (from 67 to 73.5 years), and the average life expectancy for women - up to 75.8 years.

At the same time, positive economic changes and rapid urbanization with its attendant changes in lifestyle have led to an increase in diseases related to poor diet, which observed in all industrialized countries. World Health Organization separated these illnesses in a separate group of non-communicable diseases. Increased non-communicable diseases, along with poor diet, is associated with physical inactivity, tobacco use and harmful use of alcohol.

The survey in 2014 showed that 67.2% of adult population of Uzbekistan consumes vegetables and fruits less than recommended WHO norms, 37% - food with salt surplus, 16.4% - have low physical activity. In the result, 20.2% of adult population has excessive weight and 33.9% - increased arterial pressure.


INNOVATSIYALARNING SHAKLLANISHI VA AHAMIYATI

Azamatova G.I.
QarMII

Innovatsiya, innovatsion faoliyat hamda innovatsion strategiya kabi tushunchalarni tez-tez eshitayapmiz. Hozirda ularning ma'nosi deyarli barchamizga yod bo'lib ketgan. Lekin innovatsiya qilish va undan kerakli maqsadlar uchun foydalanish biz tasavvur qilgandan ham ko'ra ko'proq foydalidir. Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Parlamentga murojaatnomada "Innovatsiya - kelajak" deb ta'kidlaganlari bejiz emas. Prezident Shavkat Mirziyoyevning yangilik yaratishga, innovatsiyani qo'llab-quvvatlashga qaratilgan bu fikrlari qonunchilikda ham aks etmoqda. "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi qonun loyihasi ishlab chiqilgani buning amaliy ifodasidir. Shundan kelib chiqib "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi qonun loyihasida innovatsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish prinsiplari va qo'llab-quvvatlash shakllari o'rin oldi. Unda innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, innovatsiyalarni amalda joriy etishga doir qonun-qoidalar nazarda tutildi. Ushbu qonuning qabul qilinishi innovatsion faoliyat yuritish uchun huquqiy maydon yaratadi. Innovatsion faoliyat natijasida yaratilgan ishlanmalarning hayotga tezroq tadbiiq etilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi PF-5264-sonli Farmoniga muvofiq Innovatsion rivojlanish va novatorlik g'oyalarini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etilgan. Mana shuning o'zi ham Ozbekistonda innovatsion texnologiyalarga bo'lgan e'tibor qay darajada ekanligini namoyon etadi.

Innovatsiya so'zining ma'nosi ingliz tilidagi "innovation" so'zidan olingan bo'lib, yangilik va yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi. Bu yangilik zamirida yangi tartibni, yangi odatni, yangi uslubni, kashfiyotni tushunish lozim. Yangilikni bozorga kiritish jarayonini tijoratlashish jarayoni deb atash lozim. Yangilikning paydo bo'lishi va uni hayotga tatbiq etilishi oraliq'idagi vaqt innovatsion loyihasi deb ataladi. Kunlik amaliyotda, odatda, yangiliklar, yangilik kiritish, innovatsiya tushunchalarini o'xshatish ko'p uchraydi, qachonki har qanday kashfiyotlar, yangi voqealar, xizmatlar va metodlar xillari tarqalishiga qabul qilinsa (tijoratlashish) o'shanda xalq ommasi tomonidan tan olinadi.

Bizga ma'lumki, mahsulot sifatini yoki xizmat sifatini o'zgartirish resurslar sarflanishini (energiya, vaqt, moliya va boshqalar) talab qiladi. Yangilikni kiritish jarayoniga o'tkazish jarayoni ham har xil resurslarni talab qiladi, ulardan muhimi investitsiya va vaqt hisoblanadi. Iqtisodiy munosabatlar tizimiga o'xshash bozor sharoitlarida tovarning xaridi va sotuvi ramkasida shakllanadigan talab, taklif va narxlarda, asosiy innovatsion faoliyat komponenti sifatida yangilik, innovatsiya- yangilik kiritish namoyon bo'ladi. Yangiliklar intellektual bozorni, investitsiyalar kapital bozorni, yangilik kiritish esa bozordagi sof raqobatni shakllantiradi. Yangiliklarni tuzilishi, yaratilishi va tarqalishi jarayoni innovatsiyaning hayotiy sikli deyiladi.



1-ilova: yangilikning rivojlanish bosqichlari

Innovatsiya - ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va texnologik ishlarning natijasida jamiyat ehtiyojlari va yoki boshqa ijobiy ta'sir uchun yaratilgan yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot

(tovar, ish, xizmat va boshqalar), ishlab chiqarish jarayoni, yangi marketing usuli, yangi ish o'rinlari yoki tashqi aloqalar hisoblanadi. Innovatsion faoliyat – yakunlangan ilmiy tadqiqot va loyihalar natijalari yoki boshqa ilmiy-texnik yutuqlarni (fan-texnika yutuqlarini) yangi yoki takomillashtirilgan mahsulotga, bozorda sotiladigan, amaliy faoliyatda foydalaniladigan yangi yoki takomillashtirilgan texnologik jarayonga, shuningdek, shu bilan bog'liq qo'shimcha ilmiy tadqiqot va loyihalarga joriy qilishga yo'naltirilgan jarayondir. Innovatsion faoliyat subyektlari ham mavjud bo'lib, ular quyidagilar:

-Innovatsion faoliyat bilan shug'ullanadigan yuridik va jismoniy shaxslar;

-Innovatsiyalarni amalga oshiruvchi turli mulkchilik shaklidagi innovatsion korxonalar;

-Innovatsion faoliyat jarayonida amalga oshirilayotgan intellektual mulk egalari, korxonalar, loyihalari, qurilmalar, sanoat namunalari, texnologik jarayonlar, “nou-xau” va ixtiro mualliflari, dizaynerlar;

-Innovatsiyalarni amalga oshirishga capital kirituvchi investorlar, banklar, fondlar, korporatsiyalar, lizing firmalari;

-Innovatsion jarayonga xizmat ko'rsatayotgan va uning infratuzilmasini ta'minlaydigan vositachilar, konsulting va injiniring firmalar, texnologik inkubatorlar, texnoparklar va boshqalar.

Innovatsiya statikada ham, dinamikada ham ko'rib chiqilishi mumkin. Agar statikada yangilik kiritish bu- yangiliklarni tijoratlashtirishning yakuniy natijasi bo'lsa, dinamikada yangiliklarni yaratish, o'zlashtirish va tarqatish murakkab jarayon hisoblanadi. Innovatsion jarayon yangi g'oya paydo bo'lganidan to bozorda sotiladigan mahsulot yoki xizmatni ishlab chiqarish amalga oshirilgunga qadar bo'lgan bosqichlar murakkab zanjirini ifodalaydi. Umumiy jihatdan innovatsion jarayon bu – voqea-hodisalarning ketma-ketlikdagi zanjiri bo'lib, uning davomida yangilik oddiy bir g'oyadan muayyan mahsulot, texnologiya yoki xizmatgacha “pishib yetadi” va xo'jalik amaliyotida tarqaladi. Bu jarayonni quyidagi sxema ko'rinishida aks ettirish mumkin:

FT → AT → I → L → Q → O' → SI → M → S

bu yerda

FT-fundamental tadqiqotlar

AT- amaliy tadqiqotlar

I-ishlanmalar

L-loyihalash

Q-qurilish

O'-o'zlashtirish

SI-sanoat ishlab chiqarishi

M-marketing

S-sotish

Innovatsion jarayonning mohiyati shundaki, u innovatsiyalar tashabbusi bilan chiqish, yangi mahsulot va operatsiyalar ishlab chiqish, ularni bozorda sotish va diffuziyalash bo'yicha maqsadli yo'naltirilgan harakatlar zanjirini ifodalaydi.


Iqtisodiyotni liberallashtirish jarayonida uning muvaffaqiyati va sharoitini yaxshilashning eng muhim shartlaridan biri innovatsion tadbirkorlik va tadbirkorlik faoliyati usuli bo'lib qoldi. Muhtaram birinchi Prezidentimiz Islom Karimov “... Biz ta'lim tizimida o'quvchilarning nafaqat keng bilim va professional ko'nikmalarni egallashi, ayni paytda chet mamlakatlardagi tengdoshlari bilan faol muloqot qilish, bugungi dunyoda ro'y berayotgan barcha voqea-hodisalar, yangilik va o'zgarishlardan atroflicha xabardor bo'lish, jahondagi ulkan intellektual boylikni egallashning eng muhim sharti hisoblangan xorijiy tillarni ham chuqur o'rganishlari uchun kata ahamiyat bermoqdamiz”¹ deb aytib o'tganlar. Innovatsion tadbirkorlik – bir paytning o'zida ham iqtisodiy

¹ Karimov I.A. – “Yuksak bilimli va intellectual rivojlangan avlodni tarbiyalash-mamlakatni barqaror taraqqiy ettirish va modernizatsiya qilishning eng muhim sharti” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqi.

holat, ham jarayondir. Iqtisodiy holat sifatida tadbirkorlik iste'molchilarga ma'lum tavsiflarni (ish xizmat), zarur natijani olish bo'yicha ishlab chiqarish va sotish, ishlab chiqarish munosabatlarining shakli sifatida namoyon bo'ladi. Tadbirkorlik jarayon sifatida harakatlarning – tadbirkorlik g'oyasini izlash (tug'ilishi)dan boshlab, tashkilotning iste'molchilar uchun zarur mahsulot ishlab chiqarishga imkon beradigan aniq loyihasiga aylanishiga qadar murakkab zanjirni o'zida aks ettiradi. Ushbu jarayon foydaning ma'lum hajmini qo'lga kiritish bilan nihoyalanadi. Shunga ko'ra, tadbirkorlik jarayon sifatida to'rt asosiy bosqichni o'z ichiga oladi:

- yangi g'oyalar izlash va ularni baholash;
- batafsil biznes reja tuzish;
- zarur resurslar izlash;
- yaratilgan korxonani boshqarish;

Innovatsion tadbirkorlik tadbirkorlikning alohida turi hisoblanadi. Darhaqiqat, biznes-rejani ishlab chiqish bilan birga g'oyalar tanlanadi va baholanadi, shu vaqtning o'zida yaratilayotgan innovatsion tashkilot davlat ro'yhatidan o'tkazilishi va patent olish uchun talabnoma berilishi mumkin. Innovatsion tadbirkorlik uchun yangi g'oyalarni izlash va yaratilayotgan intellektual mahsulotni himoya qilish kabi boshqichlar aynan muhim ahamiyat kasb etadi:



Yuqoridagilarning barchasi innovatsion tadbirkorlikni boshlash va amalga oshirish bosqichlari sanaladi, ular g'oyaning paydo bo'lishidan to foyda olishgacha hammasini qamrab oladi. Albatta, tadbirkorlikka qo'l urish uchun g'oyani o'zi kifoya qilmaydi, balki biznesni yo'lga qo'ymoqchi bo'lgan insondan tavakkalchilik, jur'atlilik va mas'uliyatni bo'yniga olish talab etiladi. Shu bilan bir qatorda, har qanday tadbirkor kirishimli, muomalali, o'z haq-huquqini yaxshi bilgan bo'lishi lozim.

Iqtisodiyot biznes va tadbirkorlikdan tashkil topgan. Har qanday kichik biznesni iqtisodiyotdan ajratib bo'lmaydi. Iqtisodiyot biznessiz yashay olmaydi, ammo biznes ham o'zini o'zi ta'minlashi va jamiyat hamda odamlarning talablarini bajarish uchun harakat qilishi kerak. Har bir biznes sanoatlashgan, innovatsion va resursga ega bo'lishi talab etiladi. Biznesni tashkil qilish-bu asosan har xil xo'jalik maqeyiga ega bo'lgan korxonalar darajasida amalga oshirilib, u o'z ichiga kichik shaxsiy korxonalardan tortib yirik aksionerlik kompaniyalarigacha bo'lgan bo'g'inlarni qamrab oladi. Biznes-bu keng ma'noda qonun doirasida har qanday pul topishga qaratilgan faoliyatlar yig'indisidir. Tadbirkorlik esa faqat ishlab chiqarish, yaratuvchilik va xizmat ko'rsatish faoliyatlarini o'z ichiga oladi. Biznes tadbirkorlik va tijorat ishlari bilan shug'ullanish, pul topish maqsadida biror ish bilan band bo'lish demakdir. Biznes iqtisodiy faoliyat sifatida ancha keng tushuncha hisoblanadi. Biznes-bu rejalashtirish va ta'minoti ham o'z ichiga olgan ishlab chiqarish va uni tashkil qilishni, reklama va baho siyosatini o'z ichiga olgan marketing faoliyatini, korxonalarni boshqarish va moliyaviy ta'minlashning barchasini anglatadi.

Biznesni tashkil qilish muammosi nafaqat uning alohida tomonlarini ishlab chiqish balki mahsulot, ishlab chiqarish, marketing, menejment, mulkka egalik qilish, moliyalashtirishni kabi qirralarini bir-biriga bog'lashni taqazo qiladi. Shu o'rinda biznes va tadbirkorlik o'rtasida kata farq bor bo'lib, bu tafovut innovatsiyaga bog'liqdir. Chunki tadbirkorlikda nafaqat foyda olish, balki yangi g'oyalar yaratish va ularni ishlab chiqarishga tadbir etish orqali jamiyat hayotini yuksaltirishni maqsad qiladi. Shuning uchun tadbirkorlar innovatorlardir. Vaholanki, biznesda barcha diqqat-e'tibor qonun doirasidan chiqmagan holda faqat foyda olishga qaratiladi. Tadbirkorlik moliyaviy foyda keltiradi va iqtisodiyotni saqlab qoladi, bu esa tadbirkorlikda innovatsiyaning ahamiyatini yanada oshiradi. Tadbirkorlikda innovatsiyaning ahamiyati qandaydir mahsulot ishlab chiqarishning yangi va boshqacha yo'lini yoki yechimini topish orqali ko'rsatiladi. Misol uchun xizmat ko'rsatish sohasida mijozlarning o'zgarib borayotgan ehtiyojlarini qondirish uchun yangi bir xizmat turi bilan sohani kengaytirishadi. Yoki ishlab chiqaruvchilar xomashyo va ishlabchiqarishdagi qo'shimcha mahsulotdan boshqa bir mahsulot yaratishadi. Tadbirkorlikda innovatsiyaning muhimligining yana bir jihati bu- biznesni kengaytirishdir. Tadbirkorlik va biznes ehtiyoj bilan boshlanadi, ya'ni ular kishilardagi ne'matlarga bo'lgan zaruratni ko'rishadi va yechim topishadi. Ular yashashni yaxshilash uchun innovatsiya qilish imkoniyatini qo'lga kiritadilar. Va bu yechimlar yordamida uni yana ham yaxshiroq, osonroq va foydaliroq qilishadi. Tadbirkorlar hozirgi talab va moyillik bilan bir qatorda o'zlari ham foyda olishalari kerak. Ishlab chiqaruvchilar esa sifatni yo'qotmasdan ko'proq ishlab chiqarish ustida doimiy ishlab kelmoqdalar.

Kompaniyalar va tadbirkorlar innovatsiyaga tashkilotning bir qismi sifatida qarashadi. Innovatsiya kompaniyaning muvaffaqiyatini ta'minlaydi. Tadbirkor innovator sifatida ehtiyojni qondiradigan faqat bitta yechimni ko'rmaydi, balki g'oyalar o'ylab topadi va ko'p sonli yechimlar kashf qilmaguncha to'xtamaydi. Kompaniyalar ko'pincha o'z xodimlarining g'oyalari bilan innovatsiya sifatida tanishishadi va ular seminar-treninglar orqali xodimlarini boshqalar uchun foydali va o'z navbatida kompaniyaga moliyaviy foyda olib keladigan nimadir yaratishga ruhlantirishadi. Biznesda innovatsiyaning qadrini oshiradigan yana bir omil bu-raqobatdir. Sababi har qanday tadbirkorni raqibinikidan yaxshiroq, sifatliroq nimadir yaratishga undaydi. Innovatsiyaning zarurligi kichik biznesda yaqqol ko'rinadi. Chunki kichik biznes subyektlariga keladigan foyda bevosita jamiyat taraqqiyoti yo'lida sarf qilinadi.

Hozirgi kunda ta'lim tizimida innovatsion texnologiyalarni qo'llashga bo'lgan qiziqish va e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Bunday bo'lishining sabablaridan biri shu vaqtgacha ta'lim maqsadlari o'quvchi-talabalarning faqat tayyor bilimlarni o'zlashtirib olishlariga qaratilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni ijodiy faollikka, egallashi lozim bo'lgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlari, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatishi bilan bog'liqdir. Ilm orqali bilim olish tamoyiliga amal qilinadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, innovatsiyalar va innovatsion texnologiyalar barcha sohalarda zarur va ular kelajakga qarab rivojlanishda muhim dastak bo'lib xizmat qiladi. Bu yo'nalishga yanada ko'p yoshlarni jalb etish lozim, chunki ular soni, imkoniyatlari va salohiyati bunga yo'l ochib beradi. Innovatsion kashfiyotlar faqat bir soha bilan chegaralanib qolmay, balki hamma yo'nalishlarga ta'sir ko'rsatadi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi PF-5264-sonli farmoni

3. Shodmonov Sh.Sh., G'ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. Toshkent-Yangi avlod nashriyoti-2005 yil

ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ФОРМ ПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯМИ С ЦЕЛЬЮ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТЬЮ

Азимова Х.М.

Ташкентский химико-технологический институт

На современном этапе развития Узбекской экономики для многих компаний становится актуальным вопрос повышения эффективности своей организационной структуры, расширения сферы деятельности, выхода на новые рынки. Современная инновационная экономика невозможна без внедрения в производство наукоемких, информационных технологий, создания новых видов сырья, повышения уровня общеобразовательной и профессиональной подготовки трудовых ресурсов. С одной стороны, требованием времени становится оперативная активность, связанная с рынком (маркетинговая политика, стратегия и т.д.), и с финансовой самостоятельностью, с другой – требуется единый центр общего руководства. В условиях рыночной экономики невозможно какое-либо административное влияние на межфирменные связи, следовательно, предприятия могут быть связаны только отношениями собственности. Одним из шагов структурной перестройки компаний, на наш взгляд, может стать образование кластеров. На основании понимания инновационного текстильного кластера выделены три основных направления его развития. Обоснована необходимость одновременного развития традиционного и инновационного текстиля на основе приоритета последнего. Сделан вывод о том, что формирование инновационного текстильного кластера в текстильной отрасли позволит поднять развитие текстильной и швейной промышленности на уровень современных мировых требований. Это будет способствовать расширению ассортимента и повышению качества выпускаемой текстильной и швейной продукции, снижению затрат на ее изготовление. В результате этих кардинальных изменений в нашей стране будут созданы условия для ее ускоренного социально-экономического развития. Одним из основных направлений осуществления этих изменений может стать внедрение кластерной организации труда и создание кластерной экономики. В частности, создание инновационного текстильного кластера. Идея создания кластерной организации труда появилась в первой трети XIX века, когда начинают появляться первые исследования в области взаимосвязи и развития различных отраслей производства. В основе этих исследований находится положение французского экономиста и предпринимателя Ж. Б. Сэя. По его мнению, в промышленности, где каждый заинтересован в благополучии всех, процветание одной отрасли промышленности всегда благоприятствует процветанию всех прочих [1]. Особую актуальность внедрение кластерной организации труда начинает приобретать в настоящее время в связи с углублением отраслевой специализации производства и относительным обособлением экономических районов. В связи с этим, в экономической литературе появилось большое количество определений кластера, в основе которых лежит понимание совокупности предприятий, объединенных по разным критериям. Наибольшее распространение получили следующие определения. Кластер, или промышленная группа, - это группа географически соседствующих, взаимосвязанных компаний и связанных с ними организаций, действующих в определенной сфере и характеризующихся общностью деятельности и взаимодополняющих друг друга [2]. Кластер – локализованная составная часть отрасли, ограниченная территорией [3]. Кластеры, как форму организации производства, по-видимому, следует рассматривать именно в том смысле, что эта форма экономической деятельности повышает уровень стабильности как отдельных групп предприятий и отраслей, «сплотившихся» вокруг головной фирмы, так и национальной экономики, особенно если речь идет о малых и средних государствах [4]. По нашему мнению, приведенные выше определения кластера имеют общий характер и не учитывают его инновационный характер, специфику построения в отдельно взятых видах деятельности и регионах нашей страны, а также не отражают условия современной экономики. В связи с этим

попытаемся дать определение инновационного текстильного кластера. Инновационный текстильный кластер представляет собой расположенную в границах региона (области, совокупности областей) совокупность текстильных предприятий по изготовлению, переработке, реализации и утилизации отходов этих видов деятельности, а также предприятий производственной, финансовой и социальной инфраструктуры, обеспечивающих их функционирование. Системным свойством инновационного текстильного кластера, объединяющим всю совокупность указанных видов деятельности в единое целое, является основной вид используемого сырья, так как он определяет единство используемой техники, технологии и трудовых навыков, а также направления их будущего развития. Отличительной особенностью инновационного текстильного кластера является то, что он представляет собой целостное единство инновационных свойств: • применение новых технологий и оборудования для производства традиционной текстильной продукции; • разработка и внедрение новой техники и технологических процессов для производства инновационной текстильной продукции; • подготовка рабочей силы нового качества и формирование творческого, инициативного отношения к труду; • создание новой системы переработки и реализации текстильной продукции. Таким образом, инновационный текстильный кластер – это целостное единство текстильных и обслуживающих их предприятий, находящихся в пределах региона и использующих инновационную технику, технологию и труд. В экономической литературе сложилось понимание того, что любой кластер должен состоять из шести основных составляющих: • географическая концентрация или функциональная взаимосвязанность участников; • специализация фирм – субъектов кластера; • множество участвующих экономических агентов; • конкуренция и кооперация; • социальная взаимообусловленность; • инновационная деятельность предприятий [5-8]. Специализация фирм – субъектов инновационного текстильного кластера определяется выпуском различных видов тканей: хлопчатобумажных тканей, от легких тканей (марля, ситец, фланель, бязь) до тяжелых тканей (саржа, диагональ, двунитка); льняных тканей (брзент, бортовка, постельный и костюмный лен, жаккардовые ткани); синтетических и искусственных тканей. Таким образом, формирование инновационного текстильного кластера с центром в нашей стране позволит поднять развитие текстильной и швейной промышленности на уровень современных мировых требований. При создании инновационных кластеров в текстильной промышленности Узбекистана :

- достигается экономия на торговых и закупочных операциях – т.е. имеется возможность получить скидки за счет оптовых закупок, экономия на маркетинговых и прочих услугах;

- слияние сборочных предприятий с производителями комплектующих и запасных частей дает возможность образования законченных технологических цепочек от добычи сырья до выпуска конечной продукции с высокой степенью переработки и доведения ее до потребителя;

- возможность диверсификации производства в целях снижения рисков: первоначально компания может прямо или косвенно дотировать фирму, выходящую на новый для этой компании рынок, а предприятия, входящие в кластер, могут служить клиентами производителя нового товара или услуги;

- более гибкое реагирование на колебания конъюнктуры;

- возможности варьировать финансовыми и инвестиционными ресурсами.

Узбекистан является одной из ведущих стран мира по производству и экспорту хлопкового волокна, которое остается фундаментом современной текстильной индустрии. Имея мощную сырьевую базу, текстильная промышленность, занимает всего около 40% в общем объеме промышленного производства республики.

Такой низкий удельный вес текстильной промышленности в ВВП обусловлен низким удельным весом в структуре отрасли продукции высокой степени готовности, дающей высокую добавленную стоимость. На швейную, трикотажную и чулочно-носочную

промышленность приходится менее четверти объемов, производимых в отрасли. Основной же удельный вес приходится на производство хлопкового волокна (на хлопкоочистку), которое на 60% экспортируется без дополнительной переработки как хлопковое сырье. Экспорт готовой текстильной продукции вместо хлопкового волокна позволил бы увеличить экспортную выручку не менее чем в 2 раза, а экспорт готовых трикотажных и швейных изделий от 4 до 20 раз. Учитывая, что $\frac{3}{4}$ всего хлопкового волокна экспортируется без глубокой переработки, экспорт текстильной продукции значительно снизит зависимость торгового баланса и макроэкономической ситуации в стране от нестабильной конъюнктуры мирового рынка. Кроме того, существенно повысится эффективность экспортных сделок, т.к. доля транспортных издержек в стоимости экспорта готовой текстильной продукции значительно ниже, чем доля транспортных издержек в стоимости экспорта хлопкового волокна. Более глубокая переработка хлопка-сырца внутри страны способна создать добавленную стоимость превышающую стоимость исходного сырья не менее чем 4 раза, что связано в немалой степени с затратами труда и следовательно позволяет существенно увеличить занятость населения.

В Узбекистане в качестве эксперимента внедряют новую систему заказа хлопка-сырца напрямую у фермерских хозяйств и других сельскохозяйственных производителей отечественными предприятиями текстильной промышленности. До сегодняшнего дня отечественные текстильные предприятия были вынуждены приобретать хлопок-волокно у монопольного поставщика – ХК «Узпахтасаноатэкспорт» – по экспортным ценам. Данный порядок снижал рентабельность производства и конкурентоспособность текстильной продукции.

В соответствии с экспериментом предприятия текстильной промышленности будут осуществлять финансирование основных затрат фермерских хозяйств по выращиванию хлопка-сырца. Для этого компании должны будут выплатить аванс в размере не менее 60% от стоимости заключаемого договора. При этом поставленный предприятиям хлопок-сырец будет использоваться исключительно в целях дальнейшей глубокой переработки и производства готовой конкурентоспособной продукции. Соответствующий указ подписал президент страны. Документом также утверждена дорожная карта по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности в Узбекистане, которая содержит более 20 мероприятий по совершенствованию системы управления и подготовки кадров, модернизации производства, технологического процесса и развитию инфраструктуры текстильной промышленности, активизации внешнеэкономической деятельности, внедрению международных стандартов в текстильную промышленность. Кроме того, в указе президент поддержал предложение предприятий текстильной промышленности, собрания акционеров АО «Узбекенгилсаноат» и ряда ведомств о создании Ассоциации «Узтекстильпром». При этом ликвидируется АО «Узбекенгилсаноат», совмещавшее в себе государственные регулятивные и хозяйственные функции. На Ассоциацию «Узтекстильпром» возложен широкий круг задач по обеспечению устойчивого развития текстильной отрасли республики, говорится в комментарии к документу. Принятие такого решения обусловлено тем, что система управления отраслью не отвечает современным тенденциям развития текстильной промышленности, не способна оказывать поддержку производителям. Например, в состав АО «Узбекенгилсаноат» входят 436 предприятий, что составляет лишь 6% от их общего числа. Деятельность данного общества в основном сводится к сбору статистики, проведению различных совещаний, организации выставок.

Как показывает опыт зарубежных стран, одной из эффективных форм развития текстильной промышленности является создание кластеров. Данная модель подразумевает организацию единого производственного цикла, который включает выращивание хлопка-сырца, первичную обработку, дальнейшую переработку на хлопкоочистительных предприятиях и выпуск конечной текстильной продукции с высокой добавленной стоимостью. Исходя из этого, специальной Рабочей комиссии поручено разработать проект

Концепции развития на среднесрочную перспективу хлопково-текстильных кластеров с учетом результатов организации подобных кластеров в Бухарской и Навоийской областях. Наряду с этим указом предусматриваются меры по поддержке предприятий текстильной промышленности, включая предоставление льгот по уплате таможенных платежей. Следует отметить, выходу отечественных производителей текстильной продукции на внешние рынки и наращиванию экспортного потенциала препятствуют низкая эффективность лабораторий по испытаниям продукции, отсутствие у большинства из них международной аккредитации. Для решения данной проблемы предусматривается разработка комплекса мер по совершенствованию системы стандартизации и сертификации в области текстильной промышленности, в том числе внедрению международных стандартов.

Литература

1. Сэй Ж. Трактат политической экономии. М.: Изд. Солдатенкова К. Т., 1896. С.45-46.
2. Портер М. Э. Конкуренция. Пер. с англ. М.: Издательский дом Вильямс, 2003. 207 с..
3. Воронов А. Кластеры – новая форма самоорганизации промышленности в условиях конкуренции // Маркетинг.2002. №5. С.37-43.
4. Бабаев Б. Д. , Боровкова Н. В., Казаков М. Г., Медведева М. В., Новиков А. И. Кластерный подход и региональные точки экономического роста: теоретико-методологические аспекты. Под общ. ред. Б. Д. Бабаева. Иваново: Иван. гос. ун-т, 2009. 312 с.
5. Марков Л. С. Экономические кластеры: понятия и характерные черты // Актуальные проблемы социально-экономического развития: взгляд молодых ученых: Сб. науч. тр. Под ред. В. Е. Селивестрова, В. М. Марковой, Е. С. Гвоздевой. Новосибирск: ИЭОПП СО РАН. 2005. Разд. 1. С.119.
6. Захватов А. Легкая промышленность Ивановской области восстановилась после кризиса [Электронный ресурс]. – Режим доступа: www.zarplata.ru/a-id-33329.html
7. Охотникова В. Владимир Соков: Давно пора усвоить, что инновации и инвестиции – основа развития экономики // Мануфактура. 2008. №3. С.3.
8. Тарасова А. Нелегкая промышленность «русского Манчестера» // Деловой. 2008. №6. С.39.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Алиева Ж.А. Арабжонов Р.О.
Тошкент кимё- технология институти

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳозирги босқичида у ёки бу давлатнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида авваламбор, саноатда самарали инновацион сиёсатига ҳар томонлама боғлиқдир. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) инновацион технологиялар, маҳсулотлар ва курилмаларнинг улуши 60% ни ташкил этади.

Жаҳондаги кучли рақобат муҳитида инновацион фаолият интенсивлиги ҳолати иқтисодий ривожланиш даражасида таъсир кўрсатади. Рақобат муҳитида инновацион фаолият учун қулай шарт-шароит яратган мамлакат ёки ҳудуд иқтисодий ўсишга эришади.

Ўзбекистон шароитида иқтисодиётда инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса натижада инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг миллий тизимини шакллантиришга асос бўлади (1).

Ҳозирги кунда фақатгина давлат узоқ ва қисқа муддатли дастурлар орқали, уларни зарурий инвестиция ҳажми билан таъминлаб Ўзбекистоннинг мавжуд илмий -техник салоҳиятига эришилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг илмий ва инновацион сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардир: мамлакат иқтисодиёти ривожига фан ва техника улушини ошириш; моддий ишлаб-чиқариш соҳасини прогрессив ривожланишини таъминлаш; жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш; мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш; экологик муҳитни яхшилаш; мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Ўз навбатида инновацион фаолиятни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш инструментлари тизимини шакллантириш зарурий ҳуқуқий-меъёрий базани ҳамда инновацияни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи инфратузилмани шакллантириш орқали амалга оширилади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг турли жиҳатларига тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий база яхлит характерга эга эмас ва такомиллаштиришни талаб этади. Шу билан биргаликда унинг тузилишини яқунланган деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у доимо жорий босқич вазибаларига мослашиб боради.

Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий мақсади - бу уни ривожлантириш учун, айниқса, инновацион сиёсатда максимал ижтимоий-иқтисодий самара берадиган фаолият йўналишларида қулай шароит яратишдир.

Давлатнинг тартибга солиш тизимида асосий ўринни бюджет маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳалар ва ИТТКИни молиялаштириш эгаллайди(2).

Давлат субсидияларни давлат ва нодавлат секторига инновацион мақсадлар ёки кўп мақсадли характерга эга бўлган инвестициянинг инновацион ташкил этувчисини таъминлаш учун тақдим этиши мумкин. Давлатнинг асосий йўналишлари инновацион фаолиятни ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлашда, илмий ходимлар ва инноваторлар ҳуқуқларини химоя қилишда, инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизминини яратишда намоён бўлади.

Ўзбекистон илмий-тадқиқот ташкилотларида фаолият юритувчи илмий ходимлар ва тадқиқотчилар таҳлилига қара, мутахассис-тадқиқотчилар улуши 2016 йил мобайнида 67 % оралигида бўлган бўлса, шу жумладан, аёллар улуши 34 % атрофида бўлган, бу кўрсаткич 2015 йилларга нисбатан 1% камайган. Илмий даражага эга бўлган мутахассис-тадқиқотчилар улуши ҳам 2014 йилга нисбатан 2% га ортган. 2016 йилда илмий даражага эга бўлган мутахассис- тадқиқотчиларнинг 9 % фан докторлари улушига тенг бўлса, фан номзодлари жами ходимларнинг 24% тенг бўлган. Бу ўз навбатида инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир қилади, шунинг учун илмий даражага эга

бўлган мутахассис-тадқиқотчилар улушини ошириш ва бунинг асосида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишга эришиш лозим бўлади.

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёти самарадорлиги асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг илмий-техник салоҳияти ташкил этади. Иқтисодиётнинг янги ҳолатга ўтиши иқтисодий ўсишнинг зарурий омили ҳисобланган илм талаб килувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва инновацион фаолият моҳиятини оширишга олиб келди.

Инновацион фаолият билан шугулланувчи кичик корхоналар учун ажратилган маблағлар таҳлилига кўра 2017 йилда Давлат бюджетидан ажратилган жами сумманинг фақат 18 % кичик корхоналар улушига тўғри келди. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инновацион фаолият билан шугулланувчи кичик бизнес субъектлари учун макбул шароит яратиш мамлакатимизнинг иқтисодий-инновацион ривожланишига асос бўлади.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сузи, 2010 йил, 10 январь.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли "Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Алиева Ж.А., Артикова Р.Н.
Тошкент кимё-технология институти

Бугунги кунда жаҳон цивилизациясида давлатлар ўртасидаги турли тафовутларни, жумладан, иқтисодий ривожланиш, илмий-техникавий тараққиёт ва бошқа йўналишларда кескин тус олаётганлигини кўриш мумкин. Мазкур тафовутларнинг ўтган бир неча ўн йиллик ичида айриқ давлатлар ўртасида қисқариши, айримларида янада ортиши юз берганлигини кузатиш мумкин. Тезкор ривожланиш ва янгиланиш ҳукм сураётган ҳозирги даврда мамлакатни жаҳон ривожланиш даражасидан ортда қолишдан ҳимояланиш, ўз иқтисодиётини юксалтириш, глобал ижтимоий-сиёсий, экологик-иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг тобора чуқурлашиб кетишининг олидини олиш ва уларни ҳал этишнинг самарали ечимларини излаб топиш, энг оптимал вариантларини ишлаб чиқишга қаратилган яқин ва узоқ келажак учун стратегияларни танлаш ҳамда уларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилишига эришиш, бунда барчасига осон, тез ва юқори самарадорликда эришиш калитини топиш ҳар бир давлат, айниқса, ривожланган давлатлар ортидан етиб олиш учун фаол интилаётган давлатлар олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар дунё давлатлари амалиётида иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишлари ва механизмларидан фойдаланиб келинганлигини кўришимиз мумкин. Улар ичида жаҳон амалиётида юқори самарали ва истиқболли деб қаралган тажрибалар бошқа давлатлар учун муҳим қўлланма ва андозага айланмоқда. Мазкур қўлланмалар таркибида 74 энг муҳими ва мамлакатни ўз тараққиёти билан жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш имконини берувчи омил бу инновациялар ҳисобланади.

Инновациялар илмий-технологик ўзгаришлар глобаллашуви шароитида амал қилиш майдонига кўра инсон фаолиятининг барча соҳалари ва жамиятнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олган ҳолда турли мамлакатлар ва цивилизациялар ўртасидаги кескин фарқларни бартараф этишда унинг ютуқларидан кенг фойдаланиш ва ҳар бир мамлакатнинг инновацион тараққиёти орқали жаҳон цивилизацияси ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўз ҳиссаси ва таъсирига эга бўлиш имконини беради.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, юқори қудратларга эгалигини кўрсатиб ва барча давлатларни тобора ўзига ром этиб бораётган инновацияларни амалга оширишда ташкил этилувчи инновация фаолияти умумий тарзда қуйидаги объектларда намоён бўлади:

- ихтиролар, ноу-хау, илмий-техник ишланмалар асосида янги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг тажриба-саноат намуналарини яратиш, саноат синовларидан ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш;

- мавжуд технологияларнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган, тижорат нуқтаи назаридан самарали бўлган, маҳаллий хом ашё асосида янги илмий ҳажмдор маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш;

- инсон, ҳайвон, ўсимликлар касалликларини даволашнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, янги турдаги дори-дармонларни, уларнинг субстансияларини ва тиббий техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни ўзлаштириш;

- тупроқ унумдорлигини ошириш, кишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилиги соҳасида ва ҳимоя препаратларини ишлаб чиқаришда самарали технологияларини жорий 75 етиш;

- саноат чиқиндиларини ҳамда иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш технологияларини ўзлаштириш;

- янги ахборот технологияларини, дастурий воситаларни яратиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва экологик хавфсизлик билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий-ташқилий, иқтисодий ва бошқарув масалаларини ҳал қилиш;
- илм-фаннинг замонавий натижаларини ёритувчи оригинал монографиялар, дарсликлар, ўқув кўлланимлари ва илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва ўқув жараёнига жорий этиш;
- инновация фаолиятини кенгайтиришга, интеллектуал фаолият объектларини амалиётда қўллашга йўналтирилган халқаро семинарлар, конференциялар, кўргазмаларни ташкил этиш.

Юқорида келтирилган инновация объектлари устида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар жамият эҳтиёжларини қондириш, унинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, сиёсий-ҳуқуқий, экологик хавфсизлигини ошириш ҳамда уларга доир муаммоларни ҳал этиш мақсадлари учун хизмат қилиши лозимдир.

Шу муносабат билан бугунги кундаги ва истиқболга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, дунёнинг барча давлатларида куйидаги устувор йўналишларда инновация фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ҳамда ўз келажагини яратиш имкониятини кўрмоқда:

1. Фанлараро фундаментал тадқиқотлар ва прогнозлар.
2. Биотехнология ва биомедицина (агробиотехнология; геобиотехнология; экобиотехнология).
3. Энг янги инфорацион технология ва тизимлар (нано-биооптоэлектроника; фотоника; оптоинформатика; дастурлаштириш; миллий 76 информация тизимини моделлаштириш).
4. Энергия тежовчи технологиялар ва нотрадицион энергия ресурслари (янги энергия тежовчи технологиялар; янги авлодлар энергия тизими; экоэнергомониторинг тизими).
5. Буткул янги материаллар (янги авлодлар композицияси; керамика; катализаторлар; юқори қаттиқликдаги материаллар).
6. Янги авлод машина ва технологиялари тизими (КАЛСтехнологиялар – янги авлодлар ишлаб чиқариш технологиялари орасида яқин ўн йилликларда марказий аҳамият касб этувчи технология, инновацион маҳсулотнинг ҳаётийлик циклининг барча босқичлари оралиғида электрон кузатувни ва уларнинг аниқ бозорлардаги рақобат тебранишларига тез мослашувини таъминловчи технология; роботли техника комплекслари; лазерла;, плазмали технологиялар).
7. Авиакосмик технологиялар, транспорт ва алоқа воситаларининг янги авлодлари (космик навигация тизимлари; транспортларнинг янги авлодлари; алоқаларнинг янги авлодлари).
8. Мудофа-техника тизимлари ва янги авлодларининг хавфсизлик воситалари (янги авлодларнинг қуролланиши; терроризмга қарши белгиланган икки марта ортиқ технология воситалари).

Юқорида келтирилган устувор ва истиқболли йўналишлар инновация фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш, инновацион фаолликни таъминлаш, ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб қувватлашга янгича ёндашиш заруриятини ва талабини келтириб чиқаради ва уни амалга ошириш иқтисодиётнинг технологик талаби, мавжуд илмий техникавий захиралар, ресурслар ва салоҳиятлар ҳамда улардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги уйғунлигида таъминланишини талаб этади.

Адабиётлар

1. Инновационный тип развития экономики: Учебник. /Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. – М.: РАГС, 2008.
2. Ермасов Н.Б., Ермасов С.Б. Инновационный менеджмент: Учебник. – М.: Высшее образование, 2007.
3. Румянцева А.А. Менеджмент инновации. Как научную разработку довести до инновации: Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2007.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ.

**Алиева Ж. А., Абдуллаев О.
Тошкент кимё-технология институти**

Эркин рақобат асосида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тўхтовсиз ортиб бормоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни яратиш, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини асоси ҳисобланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Республикада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ЯИМда ушбу соҳанинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини ҳал қилишга асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг келгуси ривожини муносиб таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қамраб олганлиги билан бир қаторда биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тизимли, танқидий ва комплекс ёндашув зарур эканлигини кўрсатиб берди. Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишида келтирилган ҳар бир вазифанинг бажарилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Жумладан, “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи устувор йўналишида мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қуйидагилар устувор вазифа деб белгиланган:

– миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

– фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжалиklarини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

– хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш. Республикада ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар 2016 йил давомида 31 766 та янги кичик тадбиркорлик субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этиш имконини берди. Натижада 2017 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 218 170 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 066 тага кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлиги натижасида 2016 йил январь-декабрь ойларининг дастлабки яқунлари бўйича уларнинг улуши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида 56,9 фоизни (2015 йилнинг январь-декабрь ойларида 56,5 фоиз), саноатда - 45,0 фоизни (40,6 фоиз), хизматлар соҳасида - 60,5 фоизни (57,8 фоиз), экспортда - 28,5 фоизни (27,0 фоиз) ва бандликда - 78,1 фоизни (77,9 фоиз) ташкил этди.

2016 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан иқтисодиётга 19 963,2 млрд.сўмлик инвестициялар киритилди. Бу республика бўйича жами киритилган инвестициялар ҳажмининг 40,3 фоизини ташкил этади. Шунингдек, улар томонидан 20 677,7 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилиш ишлари ҳажмининг 70,7 фоизи) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,6 фоизга ўсди. Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган директив ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпайишига, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 15,9 трлн. сўмдан ошишига имкон берди. Республикамиз ва унинг минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

– тадбиркорларга берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олиш;

– тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат ички кредит линиялари, балки ташқи кредит линияларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

– инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– жойларнинг табиий хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб жойларда тадбиркорлик шакллари ривожлантириш;

– қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантириш;

– тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредит олишни кафолат фондлари орқали кафолатлашни жорий қилиш;

– тижорат банкларининг бизнесни модернизациялаш учун ажратаётган кредит ставкаларини янада камайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топишидан нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки унинг ҳар бир фуқароси манфаатдор экан, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгроқ ривожланишига сабабчи бўлади.

КОРҲОНАЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Алиева Ж.А., Шунқорова Н.Ф.
Тошкент кимё технология институти

Халқаро статистика амалиётига мувофиқ янги технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни экспериментал текшириш ИТТКИнинг таркибига киради. Аммо технологик тайёрлаш таркибига ресурсларнинг турларига эҳтиёжни меъёрлаштириш бўйича ташкилий иш, ишлаб чиқариш ва меҳнат, капитал қурилишни ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш (инновацион фаолият) ҳам киради, ИТТКИга нисбатан 3-10 марта кўпроқ харажатларни талаб этади.

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи меҳнат ашёларини кўпроқ механик ишлаб чиқишдан материя ҳаракатланишининг турли-туман мураккаб шакллари, айниқса жисмоний, кимёвий, биологик жараёнлардан мажмуавий фойдаланишга ўтиш билан боғлиқ технологик инқилоб ёрдамида таърифланади.

Технология нафақат операцияларни бажариш тартиби, балки меҳнат ашёларини танлаш, уларга таъсир кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ускуналар, асбоблар, қуроллар, назорат воситалари билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг шахсий ва буюмли элементларини вақтда ва масофада бириктириш, меҳнатнинг мазмуни, асосий ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ҳам белгиланади.

Шунинг учун тубдан янги технологияларни ўзлаштириш бир вақтда янги воситалар ва меҳнат ашёларидан самарали фойдаланиш шарт-шароитидир. Нима учун?

Биринчидан, гап операцияларнинг борган сари кўпроқ майдаланиши ва демак, уларнинг хамиша бир хиллиги, ёқимсизлиги кўпайиши йўналиши бўйича ривожланиши мумкин бўлган дискретли (узук-узук) кўп операцияли жараёндан кам операцияли ишлаб чиқариш жараёнига ўтиш ҳақида кетмоқда.

Иккинчидан, меҳнат ашёларини механик ишлаб чиқиш узлуксиз жараёнлар: тебранишли ишлов бериш, кукунли мерталлургия, аниқ пластик деформациялаш, эритилувчи моделлар, марказдан узоклашиш, босим остида, штамповка бўйича аниқ қуролга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда.

Учинчидан, ярим тайёр маҳсулотларни тўлиқ қайта ишлашга эга ёпиқ технологиялар (чиқиндисиз технология)га ёндашув бошланмоқда.

Тўртинчидан, технологияда борган сари кўпроқ экстремал шароитлар: ўта паст ва ўта юқори ҳарорат ва босим, чуқур вакуум, беихтиёр портлатиш усуллари, ядроли нурлантириш ва бошқалардан фойдаланилмоқда.

Бешинчидан, янги технология, одатда, электр энергиясидан нафақат ҳаракатга келтирувчи куч сифатида, балки меҳнат ашёларини бевосита ишлаб чиқариш – электр кимёвий, электр физик (лазерли, электр учкунли, электр импульсли, электр алоқали), юқори частотали тоқлар билан ишлаб чиқишда фойдаланиш билан боғлиқ.

Юқори қувватли энергиянинг электрон тармоғидан материалларни иссиқликка чидамлилигини ошириш, эритувчиларсиз бўйлаб, бир зумда полемерлаш, оқар сувларни дезинфекциялаш учун фойдаланилади. Лазер технологиясидан пайвандлаш, кесиш, иссиқлик билан ишлов бериш, деталларни мустаҳкамлаш, тешиқларни ямаш, алоқасиз назоратда фойдаланилади.

Олтинчидан, энг янги технология учун кўчма механик агрегатлар ва унификацияланган аппаратларга эга турли-туман машиналардан, электр қувватидан материалларни ишлаб чиқаришда универсал воситачи сифатида фойдаланишга ўтиш билан боғлиқ катта универсаллик хосдир.

Еттинчидан, янги технологиялар кўпинча соҳаларо характерга эга. Масалан, металлургия ва машинасозлик пластик деформациялаш, шестерналлар, ўқлар, валлар, роликлар, пармалар ва бошқа метизлар прокатини қаттиқ штамповкаладан фойдаланилади.

Фан-техника инқилоби даврининг энг оммавий саноат технологияси пленарлидир. Унинг ёрдамида мантикий ва эслаб қолувчи қурилмалар учун интеграл схемалар таркибидаги оптик, магнитли, акустик, қттиқ моддали кўп сонли транзисторлар ҳамда турли физик сигналлар учун датчиклар (ўлчагичлар) ишлаб чиқарилади. Физика-кимё жараёнлари (фотография, пленкаларни олиш ва ҳоказо) механик ишлаб чиқаришларнинг ўрнини босади. Бу бир текисликда минглаб ва ўн минглаб ўхшаш асбобларни шакллантириш, ЭҲМдан фойдаланишни лой ихалаштириш ва кейин микропроцессорлар ва бошқа энг мураккаб тузилишга эга буюмларни яратиш имконини беради.

Юқори фан-техника салоҳиятига эга саноат корхоналарида фундаментал илмий кашфиётларга асосланувчи ва солиштирма харажатлар, ресурсларнинг кескин пасайиш и, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатидан тубдан оширувчи, ишлаб чиқаришни мажмуавий автоматлашиши, экологик тозаликни таъминловчи 200га яқин кам операцияли асосий технология мавжуд.

Якка машиналар ўз ўрнини умумий ишлаб чиқариш даврини бажарувчи технологик мажмуаларга бўшатиб бермоқда. Янги технология ускуна ва маҳсулотга нисбатан узоқ муддат илғор бўлиб қолади, секинроқ эскиради. Шунинг учун унга инвестициялар тезроқ ўзини-ўзи оқлайди. Технологияларнинг таснифи 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Технологиялар таснифи

№	Тасниф белгилари	Технология турлари
1.	Қўлланиш соҳаси	Фан ва таълим, информатика, саноат, хизматлар соҳаси, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо
2.	Янгилик даражаси	Кашфиётлар асосида дунёда бекиёс; ноу-хау асосида ташкилот учун бекиёс
3.	Ривожланиш даражаси	Тараққий этган, ривожланаётган, қотиб қолган эскирган
4.	Технологияни қўллаш соҳаси	Бошқарувчи (асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи) ишлаб чиқариш
5.	Белгиланиши	Яратувчи, бузувчи, икки хилдаги белгиланишда
6.	Ресурсларга муносабати	Илмталаб, сармояталаб, энергияталаб, энергия тежовчи, чиқиндисиз, нон операциялилар
7.	Автоматлиштирилганлик даражаси	Қўлли, механизациялаштирилган, автоматлаштирилган, автомат, одамсиз
8.	рақобатбардошлиги	Аниқ мамлакатларда рақобатбардош ва рақобатбардош эмас

Адабиётлар

1. Румянцева А.А. Менеджмент инновации. Как научную разработку довести до инновации: Учебное пособие. – Санкт-Петербург, 2007

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ХАВФЛАР АСОСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА СИФАТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Алимбаев С., Оймиров С.
Тошкент кимё-технология институти

Хавф тез-тез ҳодиса ва оқибатлар имконияти салоҳияти ёки уларнинг комбинациясига натижасига ҳавола қилинган тавсифларда бўлади.

Жараён имкониятлари оддий сабаблар билан асосланган тўлиқ ўзгариш (жараённинг ёйилиши) билан, яъни барча нотасодиқий сабаблар йўқотилганидан кейинги минимал ўзгариш билан аниқланади. Жараён имкониятлари статистик бошқарилиш ҳолатидаги жараённи ўзининг кўрсаткичларини ифодалайди. Жараён аввал шу ҳолатга келтириб олинади кейин эса уни имкониятлари аниқланади. Шундай қилиб жараён имкониятларини аниқлаш \bar{X} ва R карталар бўйича бошқариш масалалари ҳал бўлганидан кейин, яъни муҳим хатолар аниқланиб, таҳлил қилиниб тўғрилаш амалга оширилиб, унинг бошқа қайтариллиши олди олинганидан кейин бошланади. Амалдаги назорат карталри жараён статистик бошқарилиш ҳолатини сақлаётганлигини қайд этиши керак, бунда бу ҳолат камида 25та гуруҳча учун чекланиши керак. Кейин жараён чиқишидаги маълумотлар техник талаблар билан солиштирилади ва бу талаблар бажарилаётганлигига ишонч ҳосил қилинади.

Умумий ҳолда жараён имкониятлари индекси PCI (C_p) билан аниқланади:

$$PCI = \frac{\text{жоизлик}}{\text{жараён ўзгариш кенглиги}} = \frac{UTL - LTL}{6\hat{\sigma}},$$

бу ерда UTL –назорат қилинаётган параметрларнинг энг юқорги чегаравий қиймати;


LTL – назорат қилинаётган параметрларнинг энг пастки чегаравий қиймати;

$\hat{\sigma}$ – гуруҳча ичидаги ўртача ўзгарувчанлик билан баҳоланади ва $\frac{\bar{S}}{c_4}$ каби ёки $\frac{\bar{R}}{d_2}$

каби ифодаланади.

Агар PCI 1 дан кичик бўлса жараён имкониятларини қўллаб бўлмайди, агар PCI 1 га тенг бўлса жараён талаб этилаётган имкониятларнинг сўнги қийматида сўнги қийматида бўлади. Амалиётда $PCI = 1,33$ қиймат минимал рухсат этилган қиймат сифатида олинади, чунки танланмада қандайдир вариация мавжуд ва ҳамма вақт статистик бошқарилиш ҳолатида бўладиган жараён мавжуд эмас.

Шуни қайд этиш керакки, PCI жараён ўзгариш кенглиги ва жоизлик орасидаги муносабатнигина ўлчайди, жараённинг жойлашиши ва марказлаштирилишини ҳисобга олмайди. PCI ни юқори қийматларида ҳам бир қисм қийматларини ўрнатилган чегаралардан чиқиш ҳолати бўлиши мумкин. Шунинг учун жараён ўртачаси ва яқин чегаравий рухсат этилган қиймат орасидаги масофани баҳоланиши ҳам муҳим ҳисобланади. Бу масалани янада муҳокама қилиниши ушбу стандарт рамкасидадан чиқади.



Расм. Жараённи такомиллаштириш стратегияси

Бажариладиган ишлар учун раҳбарий ҳужжат сифатида расмда схематик тасвирланган процедурадан фойдаланиш мумкин.

Ушбу схемада кўриниб турибдики ушбу жараённи такомиллаштиришнинг энг самарали оптимал алгоритими ишлаб чиқилган бўлиб бунда Хавфларни камайтиришнинг афзалликлари ва харажатлар ўртасидаги мувозанатга еришишга қаратилган муроасага еришиш, шунингдек қандай ҳаракатлар (жумладан, ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан қочиш) бўйича қарор қабул қилиш хавф-хатарни бошқариш имкониятини беради

Адабиётлар

1. ISO 31000:2009 Риск Менеджмент - Принципы и руководства.
2. Рыхтикова Н А. Анализ и управление рисками организации / - М. :Форум, 2009. - 240 С.

КОРХОНА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИДА ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

**Ахунджанов К., Исмоилов Б., Оймиров С.
Тошкент кимё-технология институти**

Корхоналар хавфларни бошқариш тизимининг ҳар доим, ваколатли самарали ва мақсадга мувофиқ эмас, ва бу масала бўйича ески қарашлар асосида хавф муаммоларини ҳар ёндашувлар - узоқ вақт давомида бор ташкилотга хатарларни бошқариш соҳасида ҳеч қандай илмий асоси, ахборот базаси, илмий-тадқиқот ва тажриба бўлди. .

Корхонада хатарларни бошқариш жараёни, аввало, танқидий ва мутлақо хавфларнинг асосий шаклларига қарши ҳимоя чораларига асосланган.

Хатарларни камайтиришнинг афзалликлари ва харажатлар ўртасидаги мувозанатга еришишга қаратилган мурсога еришиш, шунингдек қандай ҳаракатлар (жумладан, ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан қочиш) бўйича қарор қабул қилиш хавф-хатарни бошқариш деб аталади.

Ташкилотнинг СМТда хавфларни бошқариш жараёнлари технологиясини жорий қилиш ушбу хавфларни аниқлаш, идентификациялаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уни ҳимоя қилиш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган.

Технологияни умумий схемаси. Ташкилотнинг СМТ фаолияти қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ташкилотнинг СМТ таркибидаги хавфларни бошқариш жараёнининг дастлабки босқичи унинг структураси, хусусияти ва хатарлари ҳақида зарур маълумотларни олишни мақсад қилган таҳлилдир. Хатарларни таҳлил қилиш иккита ўзаро бир-бирини тўлдирувчи турларга бўлинади:

сифатли (хавф омиллари ва хавфли вазиятларга олиб келадиган ҳолатлар);

микдорий (индивидуал хавфларнинг ўлчами ва умуман лойиҳа хавфи) ҳисоблаб чиқилган.

2. Ҳар бир хавф тури бир неча анъанавий йўллари, уни камайтириш имконини беради, кейин келажакда мумкин бўлган зарарни камайтириш учун уларнинг енг яхши танлаш учун хавф самарадорлиги тўғрисидаги нисбий таъсир баҳолаш муаммоси бор.

3. Қарор қабул қилиш қадами - талаб қилинадиган бошқарув ва меҳнат ресурслари идентификация қилинган тақдирда ташкилотнинг СМТдаги барча комплексларни бошқариш учун умумий стратегияни шакллантириш қобилиятини назарда тутати.

4. Хавфнинг бевосита таъсир қилиш босқичи (масалан, хавфни пасайтириш, хавфни сақлаб қолиш, хавфни узатиш ва ҳ.к.).

5. Танланган стратегияни амалга ошириш натижаларини мониторинг қилиш ва тартибга солиш босқичлари (менежерлардан келиб тушадиган янги маълумотлар асосида амалга оширилади).

Ушбу ечим ҳар қандай бошқарувнинг марказий боғланишидир. Ташкилотнинг СМТдаги хавфларни бошқариш бўйича қарорларнинг таснифи бизни муайян хусусиятларини ажратиб кўрсатишга, қарорларни қабул қилишда хатарларни камайтириш имкониятини таъминлашга имкон беради.

СМТ ташкилотида хатарларни бошқариш жараёнида ўз ечимини топиш мумкин:

хавф хатарларни бошқариш мақсадлари танлаш -целеполагания. Бу енг кам тадқиқот ва расмийлаштирилиши мумкин бўлган ечимлардир. Мақсадларни синтез қилишнинг расмий усуллари ишлаб чиқилмаган;

Хатарларни бошқариш усуллари (огоҳлантириш, камайтириш, суғурта қилиш, абсорбе қилиш) ёки воситаларни (конструктив, технологик, молиявий ва ҳоказо) хавфларни бошқариш. Ушбу қарорлар расмийлаштиришга, хусусан функционал-мантиқий усуллардан фойдаланишга имкон беради;

Хатарларни камайтириш босқичлари мумкин:

1) ишни режалаштириш ёки намуналарни ишлаб чиқиш - кўшимча элементлар ва чоралар киритиш йўли билан;

2) Қарор қабул қилиш - Мисол учун, мезонлар, ҳал самарадорлигини баҳолаш учун тегишли мезондан фойдаланиб "ёмон кутиш" ёки хавф индекси чеклаш жавоб бермайди муқобил билан (ҳажми чекланган остида мезонларини "Энг яхши кутиб" хавф остида бўлса, кўриб чиқилмайди);

бир хил муносабат самарадорлигини бўлади кўрилаётган чора-тадбирлар йўналишларидан ҳар бири ичида ўз таъминлаш қиймати (номақбул зарар еҳтимолини камайтириш). Ушбу чора-тадбирлар харажатлари билан боғлиқ ва тизимлар мураккаблиги ортиши билан ортади, уларни талаб, шунинг учун баъзи ҳолатларда, қиймати олдини олиш ёки хавфини камайтириш ва иложи зиённи ундириш учун емас пул сарфлаш учун ҳам тегишли бўлиши мумкин етилади. иккинчи ҳолда, суғурта механизми.

қарорлар фавқулодда вазиятларда, жумладан, объектни назорат ва манипуляция қилиш тез етарли қилди ва амалга бўлган бундай тизими - ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва хавф асосланган ечимлар амалга ошириш реал вақтда фаолият яққаланиб тизимлари вақтинчалик чекловлар аҳамияти берилган даражасига кўра бошқариш, инқироз қарорлар қабул қилиш. Бу реал вақт қилишдан танлаш мумкин "инқироз йечимлари." вақт, қабул қилинган қарор деб аталади инқироз қарор Йөнетилен ёки бекор давлатлар ҳудудида назорат объект ўтиш учун мос келади.

Адабиётлар

1. Quality management methods. Risk management methodology of standardization/P.S. Serenkov, -M.: SIC INFRA-M; New. knowledge, 2014.

2. Quality management: a training manual/A. Elohov-M.: SIC INFRA-M, 2015.

SUT VA SUT MAHSULOTLARINI HAVFSIZLIGI.

Alimbaev .S.A Ubaydullaev.O.Q
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Sut va sut maxsulotlari inson salomatligi uchun zarur bo'lgan noyob ozuqaviy modda –oqsilga bo'lgan talabini qondirishda, istemol qilinayotgan oziq –ovqat maxsulotlari tarkibini yaxshilashda muhim ahamiyatga ega bo'lgan oziq-ovqat maxsulotlaridan biri xisoblanadi. Dietologlar va pediatriklar fikriga qaraganda sut maxsulotlari bolalarning aqliy va jismoniy rivojlanib borishi uchun nihoyatda katta ahamiyatga ega. Ovqatga ishlatiladigan sutning 95 protsentiga yaqinini sigir suti tashkil etadi. Sutning foydaliligi uning tarkibida biologik aktiv moddalarning eng foydali nisbatda borligi bilan belgilanadi. Biroq sutning tarkibi o'zgarib turadi. Bu mol sog'ligining ahvoliga, zoti va individual xususiyatlari, yoshi, asrash,ovqatlanish ratsiyuoni va tashqi muhit sharoitlari, sog'ish usullariga bog'liq. Sut tarkibiga kiruvchi asosiy moddalar va ularning o'rtacha miqdori quyidagicha: umumiy oqsil 3-3,3%; asosiy oqsil (kazein) 2-2,8%; zardob oqsillari miqdori 0,4-0,5%; nooqsil azotli moddalar 0,17-0,38%; laktoza 4,4-5,0%; sutdagi barcha quruq moddalar miqdori 11,5-13%; moyliligi 3-6% bo'lishi mumkin.

Sutni qayta ishlash korxonalarida asosiy maxsulotlarining turiga ko'ra shartli ravishda quyidagilarga bo'linadi: sutni konservalab, quritib va ivitib tayyorlanadigan maxsulotlar ishlab chiqaruvchi korxonalar; bolalar oziq-ovqat maxsulotlari ishlab chiqaruvchi korxonalar; sariyog' va sariyog' ishlab chiqarish korxonalar; morojniy ishlab chiqarish korxonalarini tashkil qiladi.

Korxonaning turidan qat'iy nazar sutli sistemalar qabul qilinishidan oldin, laboratoriyada mazasi, rangi, hidi, kislotaliligi, yog' va oqsil moddasi kabi asosiy ko'rsatkichlari hamda bakterialar bilan ifloslanganlik darajasi aniqlanishi lozim. Bunda sutning moyliligi 3,2% dan kam bo'lmasligi va kislotaliligi 20⁰T (Termer) dan yuqori bo'lmasligi shart. Ana shu ko'rsatkichlar asosida xulosa qilinib, agar belgilangan GOST talabiga to'g'ri kelmasa, sut egasiga qaytarilishi. Laboratoriya xodimlari korxonadagi barcha sexlarning ishini va oxirgi maxsulot sifatini nazorat qilib turishlari. Ayniqsa uskuna va sut uzatish quvurlarining yuvilishi tozaligi qattiq nazorat qilinishi shart. Laboratoriyaning maxsus bo'limida sut kislotasini bakteriyalarini qo'shish yo'li bilan ishlab chiqariladigan maxsulotlar uchun sof kulturalar tanlab olinib, tomizg'ilar tayyorlanadi. SHuning uchun sutni qayta ishlash korxonalarida ishida ishlab chiqarish laboratoriyasi muhim rol o'ynaydi. Laboratoriyalar albatda akkreditatsiyadan o'tgan bo'lishlari shart. Korxonalarda sut va sut maxsulotlarini qadoqlashda maxsulotning yaroqlilik mudati juda mayda harflar bilan yozilib uni o'zgartirishga oson qilib emas balki uni kotta xarflar bilan yozilishi va bu yaroqlilik mudati qadoq muqovasi yuzasini to'rtadan bir qismini egallashi, istemolchini ko'ziga tashlanib turishi lozim. Sababi hozirgi kunda kuzatuvlar natijasida shuni aytishimiz mumkinki juda ko'p istemolchilar olayotgan maxsulotining tarkibini o'qib chiqmasdan uning yaroqlilik mudati bilan tanishib chiqmasdan maxsulotlarni harid qilayotgan istemolchilar 65-70 foizni tashkil qilmoqdalar va buning natijasida juda ko'p ko'ngilsiz vaziyatlar yuzaga kelmoqda. Yuqorida keltirib o'tilgan takliflarni amalda joriy qilinadigan bo'lsa bunday ko'ngilsizliklarning oldi olingan va istemolchilarning xuquqlari ham ximoyalangan bo'lar edi.

INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Bababekova D.Sh. Hamidov M.E.
Toshkent moliya instituti

Innovatsion iqtisodiyot sharoitida mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy hayotining rivojini ta'minlashning ustuvor yo'nalishlaridan biri – bu innovatsion faoliyatni taraqqiy ettirishdir. Jahon tajribasidan ham shuni ko'rish mumkinki, innovatsion faoliyatni har tomonlama qo'llab-quvvatlash mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojini ta'minlashning asosiy mezon bo'lib xizmat qiladi.

O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan islohotlar mamlakatimizda innovatsion faoliyatni har tomonlama rivojlanib, taraqqiy topishi uchun zamin yaratmoqda.

O'zbekistonda innovatsiya va innovatsion faoliyatni rivojlantirishga qaratilgan islohotlarning biri sifatida - O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida” gi PF-5264-son farmoni imzolandi va Innovatsion rivojlanish vazirligi tashkil etildi.

Prezident farmonida zamonaviy sharoitlarda jahon fani va innovatsiya faoliyatining yutuqlaridan keng foydalanish jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarini izchil va barqaror rivojlantirishning, mamlakatning munosib kelajagini barpo etishning muhim omili bo'lib borayotganligi qayd etilgan.

O'zbekiston Respublikasida 2018-yilning “Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili” deb e'lon qilinishi faol tadbirkorlikni tashkil etish, tadbirkorlikda innovatsion faoliyatni rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash uchun muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomada innovatsiya hamda innovatsion rivojlanish haqida: “Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yo'liga o'tmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi”², deya ta'kidlagan edilar.

Innovatsiya faoliyatining bugungi kunda hayotimizning mazmuniga aylanib borayotganligi va o'z kelajagimizni qurishda maqsadlarimizni amalga oshirish jarayoniga tobora chuqur kirib borayotganligi, shu bilan bir qatorda yangi-yangi imkoniyatlarni taqdim etayotganligi mazkur atamaning mazmunini o'rganishga bo'lgan qiziqish hamda intilishlarni tobora kuchaytirib bormoqda.

Rus olimlaridan Glushenko V.V. va Glushenko I.I. tomonidan berilgan ta'rifga ko'ra: “innovatsiya faoliyati – ishlab chiqariluvchi mahsulot nomenklaturasini kengaytirish, yangilash va sifatini oshirish uchun ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar natijalaridan foydalanish, ularning kelgusi joriy etilishi bilan bog'liq texnologiyalarni takomillashtirish va ichki hamda tashqi bozorlarda samarali amalga oshirilishiga yo'naltirilgan faoliyat”ni anglatadi³.

O'zbekistonlik olimlardan Egamberdiyev E. va Xo'jaqulov X. tomonidan berilgan ta'rifga ko'ra “Innovatsiya faoliyati – texnika va texnologiya yangiliklarini joriy etish bilan bog'liq faoliyat”⁴dir deya ta'rif berilgan.

Innovatsion faoliyatda ko'zlangan natijalarga erishishda zamonaviy marketing texnologiyalarini qo'llash yaxshi samara beradi. Chunki bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobat kurashida g'olib bo'lish bevosita marketingga bog'liq bo'lib qolmoqda.

Marketing innovatsion faoliyatni boshqarishning muhim asosidir, zero undan ko'zlangan maqsad iste'molchilar ehtiyojini aniqlash va ushbu ehtiyojlarni qondirish maqsadida korxonalar resurslarini samarali etishdan iborat.

² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – T.: “O'zbekiston” NMIU, 2018. B.20.

³ Глущенко В.В., Глущенко И.И. Исследование систем управления: социологические, экономические прогнозные, плановые, экспериментальные исследования. 2-е изд. – М.: ООО НПЦ «Крылья», 2004. С.34.

⁴ Egamberdiyev E., Xo'jaqulov X. Kichik biznes va tadbirkorlik. T.: TMI, 2003.B.23.

Innovatsion marketing innovatsiyalar bozori konyunkturasini o'rganish, innovatsion loyihani biznes-loyihalashtirish, uni amalga oshirishdan tortib innovatsiyalarni bozorga harakatlantirish, innovatsiyalar diffuziyasi va daromad olishgacha bo'lgan butun innovatsion siklning tizimli integratsiyasini ifodalab beradi.

Innovatsion marketing innovatsiya faoliyati bilan shug'ullanuvchi korxonaga iste'molchi ehtiyojlarini yaxshiroq qondirish, zamonaviy biznesda ustuvorlikni "funktional" mahsulotlardan "innovatsion" mahsulotlarga o'tkazish hisobiga bozorni egallab olish imkoniyatini beradi:

- funksional mahsulotlar eng muhim, zaruriy ehtiyojlarni qondirishga xizmat qiladi va aksariyat hollarda xarid joyiga qarab o'tirmasdan xarid qilinadi;
- innovatsion mahsulotlar esa, aksincha, texnika va modaning so'nggi so'zini ifodalaydi, ularga talabni oldindan aytish qiyin, ularning hayotiylik davri esa ancha qisqaroq bo'ladi.

Zamonaviy marketing faqatgina bozor tahlili va tashqi omillar bilan chegaralanib qolmasdan, balki doimiy imkoniyatlarni shakllantirishga ham o'z hissasini qo'shadi.

Ishlab chiqarish korxonalari faoliyatiga innovatsion marketing texnologiyalari joriy etilmagan bo'lsa, ushbu korxonalarining innovatsion faoliyati samarasiz yakunlanishi ma'lum. Shu bois, innovatsion faoliyat bilan shug'ullanuvchi korxonalarda innovatsion marketingni tashkil etish va undan foydalanish maqsadga muvofiq. Chunki, innovatsion marketing texnologiyalari o'z vaqtida samarali joriy etilishi yangi tovarni ishlab chiqish bilan bog'liq risklarni pasaytiradi, potensial talabni baholash, bozorning maqsadli segmentini aniqlash imkonini beradi.

Innovatsion marketing texnologiyasining xususiyatlari mavjud mahsulotlar bilan emas, balki uning ishlab chiqarilayotgan konsepsiyasi bilan belgilanadi. Raqobatbardosh tovarlar ishlab chiqarishda, ushbu tovarlarning bozordagi holatini aniqlashda ularning ishlab chiqarilishi, dizayni, servis xizmati, korxonaning va mahsulotning imidji, tovar o'rovi va ushbu omillarning nisbatini hisobga olish talab etiladi.

Yuqorida keltirilganlardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, korxonada faoliyatida innovatsiyalarni joriy etish, innovatsion faoliyatini rag'batlantirib borish, innovatsion marketingni yo'lga qo'yish natijasida ishlab chiqarish hajmining o'sib borishi, korxonada mahsulotlariga bo'lgan ichki va tashqi talabning ortishi hamda korxonaning iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashga yordam berishi mumkin.

ИННОВАЦИОННАЯ ТЕХНИКА И МОДЕРНИЗАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВА - БЛАГОПОЛУЧИЕ И ПРИБЫЛИ ОТРАСЛИ ХЛЕБОПРОДУКТОВ.

**Балтабаев У. Н., Миралимова А., Каримов Н.
Ташкентский химико-технологический институт**

Одним из основных направлений инновационной модернизации мукомольной промышленности является создание производства, где наиболее полно достигалось бы разделение на анатомические части зерновки.[1]

Модернизация и реконструкция мукомольных предприятий – это также наиболее эффективный способ улучшения качества выпускаемой продукции, увеличения выхода муки высоких сортов, улучшения ассортимента продукции и в результате внедрения прогрессивной технологии и новой техники. Практическое решение задачи разработки более совершенных производств определяется состоянием модернизирования. [2,3]

В связи с этим в республике активно ведутся работы по модернизации заводов и внедрение новых сортов в мукомольную, крупяную комбикормовую промышленность вызывает их всестороннего изучения. Решения о модернизации и строительстве предприятий принимают, исходя из схем развития и размещения соответствующих отраслей промышленности, схем развития и размещения производительных сил по экономическим районам, союзным республикам. Проектные организации обеспечивают высокий технический уровень, используя новейшие достижения науки и техники и высокую экономическую эффективность модернизируемых или проектируемых предприятий, зданий и сооружений.[3]

При инновационной модернизации мукомольных заводов руководствуются:

- техническими направлениями данной отрасли промышленности, исходя из ближайшей перспективы развития науки и техники;

- даются рекомендации по использованию результатов законченных научных исследований;

утвержденными типовыми проектами новых технологических процессах предприятий на длительную перспективу, проектами машин и оборудования будущего.

В две стадии проектируют и модернизируют предприятия, если предусматривают новую технологию, новое технологическое оборудование и отличное от типовых проектов размещение оборудования по этажам.

Делая общие выводы по инновационной модернизации мукомольных заводов можно руководствоваться техническими направлениями данной отрасли промышленности, исходя из ближайшей перспективы развития науки и техники;

утверждаются типовыми проектами новых технологических процессах предприятий на длительную перспективу, проектами машин и оборудования будущего даются рекомендации по использованию результатов законченных научных исследований.

Литература

1. Данилин А.С., Братухин А.М. Совершенствование технологических процессов на мукомольных заводах. –М.: Колос, 1986.

2. Кулак В.Г., Максимчук Б.М. Технология производства муки. – Москва: ВО Агропромиздат, 1991.- 215 с.

3. Бутковский В.А., Мельников Е.М. Технология мукомольного, крупяного, комбикормового производства. – Москва, ВО Агропромиздат, 1989.- 389 с.

ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ – ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Бердиқулова М.Р., Уктамов Н.Ш.
Тошкент кимё-технология институти**

Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инновацион жараёнларни самарали бошқариш инновацион фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Шу боис, саноат корхоналаридаги мавжуд моддий-техник базани янгилаш, ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарда инновацион муҳитни яратиш, инновацион ишлаб чиқаришни рағбатлантириш инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг асосий вазифаларидан биридир.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, рақобатчиликка асосланган бизнес муҳитини янада ривожлантиришда давлат томонидан инновацион сиёсатни олиб бориш муҳим устувор йўналишлардан ҳисобланади. Чунки давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилган хўжалик субъектларида инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Сўнгги пайтларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар, мутахассислар ҳамда олимларнинг илмий тадқиқотларида “инновация”, “инноватика”, “инновацион фаолият”, “инновацион муҳит”, “инновацион жараёнлар”, “инновацион салоҳият”, “миллий инновация тизими”, “инновацион маҳсулот”, “инновацион ишлаб чиқариш”, “инновацион ҳудуд” каби атамаларга кўпроқ урғу берилди бошланди.

“Инновацион жараёнлар” ибораси илмий тадқиқотларимизда ўрганиш объектидан бири бўлганлиги боис мақолада мазкур иборага алоҳида тўхталиб ўтамиз. Инновацион жараёнларни бошқаришга оид илмий адабиётларда “инновацион жараён” атамасига – ғояларни аниқ бир маҳсулот кўринишига келишини белгилловчи, янги техника ва технологиялар ҳамда хизматлардан фойдаланишни оммалаштирадиган, илмий билимларни инновацияга айланишини таъминлайдиган жараён деб таъриф берилган [1].

Демак, инновацион жараёнларнинг бошқариш стратегиясини умумий тарзда мамлакатнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва юқори технологик ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган мақсадларга эришишнинг бошқарув режаси, деб айтишимиз мумкин. Хусусан, инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида аниқ стратегияни танлаш – инновацион ривожланишнинг мумкин бўлган турли йўллари ва усуллари ичидан энг мақбулини танлаб олишдир. Шу билан бирга стратегияни танлаш ўз навбатида, инновацион фаолиятни жадаллаштириш, саноат корхоналарини рақобатга бардошлилик ҳаракатларини ягона тизимга келтиришдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги 10 йил ичида ривожланган мамлакатларда илмий ҳажмдор юқори технологияларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда ушбу маҳсулотлар экспорти микроэлектрон, оптик тола, радиоэлектрон, лазер, ядро ва компьютер технологиялари каби соҳаларда сезиларли ўсишга эришилмоқда

жадвал

Илмий ҳажмдор юқори технологиялари ривожланган мамлакатлар

№	Технологик соҳаларнинг номланиши	Юқори даражада Ривожланган мамлакат
1	Янги материаллар технологияси	АҚШ, Россия
2	Микроэлектрон технологиялари	Япония, Хитой
3	Оптик тола ва электрон технологиялар	АҚШ, Хитой

4	Лазер технологиялари	АҚШ, Россия
5	Радиоэлектрон технологиялари	АҚШ, Япония
6	Компьютер технологиялари	АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Хитой
7	Ахборот ва коммуникация технологиялари	АҚШ, Япония, Хитой
8	Ядро технологиялари	АҚШ, Россия
9	Саноат ускуна ва воситалари ишлаб чиқариш технологияси	Германия, Хитой
10	Двигатель қурилмаларини ишлаб чиқиш технологияси	АҚШ, Германия
11	Энергетика ва энергияни сақлаш технологиялари	АҚШ
12	Биотехнология	Япония, Исроил
13	Нанотехнология	АҚШ, Россия
14	Фармацевтика	АҚШ, Ҳиндистон, Россия

Жадвал маълумотларидан кўринадики, илмий ҳажмдор юқори технология соҳалари ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ катта салоҳиятга эга. Чунки ҳисоб-китобларга кўра, АҚШ йилига 390 млрд. АҚШ доллари атрофида инновация ва инсон капитали учун давлат ҳисобидан молиявий маблағ ажратади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича XXI асрнинг бошларига келиб инсон капиталига инвестиция киритиш ресурсларни жойлаштиришнинг энг самарали усулига айланиб бормоқда. Дунё таърибаси шуни кўрсатадики, мамлакатнинг илғор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ривожланган миллий инновацион тизимнинг мавжудлиги орқали таъминланмоқда. Демак, миллий инновацион тизим барча элементларининг шаклланиши ва самарали ўзаро таъсири давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши зарур.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда, фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

- ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва таълим соҳасига инновацияларни қўллаш жараёнини жадал суръатлар билан ривожлантириш;

- хорижий давлатлардан янги технологиялар, ахборот ва коммуникация қурилмалари, ишлаб чиқариш воситалари ва замонавий бошқарув услубларини олиб кирилишига кенг имкониятлар бериш;

- халқаро стандартларга жавоб берадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ёш малакали мутахассисларни қисқа муддатга ривожланган хорижий мамлакатларга малака оширишга боришини таъминлаш;

- миллий инновация тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги дастурларни амалга оширишда давлат томонидан қўмақ беришнинг иқтисодий, молиявий, ташкилий, бошқарув ва ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Адабиётлар

1. Жариков В.В. и др. Управление инновационными процессами. – Тамбов: Изд-во ТамГТУ., 2009. –180 с.

2. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / Под ред. А.А. Дынкина / ИМЭМО РАН. – М, 2007.

3. Орешенков А. Эффективность производства инновационной продукции // Наука и инновации. №10(80). 2009, С.64-68.

КОРХОНАЛАРДА ЯНГИЛИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ЯРАТИШНИ БОШҚАРИШ

Бердикулова М.Р., Юлдашев Ф.Х.
Тошкент кимё-технология институти

Ишлаб чиқаришдаги технологик қарорлар, техника ва тайёр маҳсулотлар моделларининг доиравий айланиши ва алмашуви инновацион жараённинг асосий мазмуни ҳисобланади. Ишлаб чиқариш тизимларининг яшаш даври ишлаб чиқиш босқичидан бошланади. Бу ерда илмий тадқиқотлар, тажрибавий намуналарни тузиш ва яратиш, синовларни ўтказиш амалга оширилади.

Маҳсулот мураккаблашгани ва модернизациялангани сари бу босқич боргани сари каттароқ аҳамият касб этади. Биринчи босқич серияли ишлаб чиқаришга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан якунланади

Кейинги босқич ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва технологияларни танлашни ўз ичига олади. Янги материаллар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш усулини танлашга ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий тайёргарлигини ташкил қилиш тизими ва зарур технологик ускуналарнинг таркиби катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг ягона тизими (ИЧТТЯТ)га мувофиқ маҳсулотларни оммавий ва серияли ишлаб чиқаришга технологик тайёрлаш технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳозларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг тажрибавий намунасини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш, умуман ишлаб чиқариш тизимини ташкил қилиш ва вужудга келтиришни ўз ичига олади.

Технологик жараённи ишлаб чиқишда таъсир кўрсатиш усуллари операция турлари ва уларнинг изчиллиги, маҳсулотла, оралиқ турлари, деталлар ёки қисмларни олишусуллари белгиланади. Ниҳоят, жараённинг асосий, ёрдамчи ва якуний босқичлари бирлаштирилади. Технологик ускуна унинг техник таърифлари (қуввати, ишончлилиги, унумдорлиги) ёши, эскириш даражаси, таъмирланишнинг технологик таърифлари бўйича танлаб олинади.

Технологик жараённинг сифати унинг янгилик яратиш қобилиятида амалга оширилади. У техник-технологик таърифлар ҳамда иқтисодий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳоланади. Таҳлилнинг кенг қўлланиладиган техник-иқтисодий ва вазифавий-қийматий моделлари жараёнларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш ва ишлаб чиқариш тизимларини мувофиқ фаолият юритиш алгоритмининг топиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам табиий, ҳам қийматий акс эттиришда баҳоланади. Бунда барча ишлаб чиқариш харажатлари, янги маҳсулот бирлигига сотиш нархи ва сотишдан кўзда тутилган тушумни кўрсатиш муҳимдир. Шунинг ҳисобга олиш керакки, инновацион лойиҳаларнинг кўплиги учун бошланғич даврда қувватларни юклаш 20% ва ҳатто камроқ бўлиши мумкин.


Ишлаб чиқариш босқичида янги маҳсулотни ўзлаштириш, тажрибавий партияни ишлаб чиқариш ва янги маҳсулотни серияли, сўнгра оммавий ишлаб чиқаришга ўтиш бўйича ишлар мажмуаси амалга оширилади. Ишга туширилаётган қувватлар эҳтиёжни белгилаш кетма-кет босқич ва ҳар бир кетма-кетлик учун янги маҳсулотни таклиф этилаётган ишлаб чиқарилиши ёки савдолар ҳажмининг оралиқ миқдорларига мувофиқ алоҳида амалга ошириш керак. Ҳар бир босқич учун материал ва ишчи кучига аниқ эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда ускуналардан фойдаланишнинг энг янги варианты (параллел, изчил, аралаш ёки хавфсиз-айланма)га афзаллик бериш керак.

Ресурсларга эҳтиёж ва харажатлар ҳар бир босқич учун ҳисоблаб чиқилиши ва молиявий ресурслар ва савдолар ҳажми билан аниқ тузатишлар киритилиши мумкин. Йўқотишлар, брак, тўхтаб қолишларни кўзда тутиш керак. Қувватларнинг турлича юкланишида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларидаги харажатлар харажатларни тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларидаги мутаносиб тақсимланиши асосида ҳисоблаб чиқилади.

Шундай қилиб, техник-технологик янгиликнинг усули ва варианты танлаш унинг аниқ вазияти, янгилик киритишнинг характери, корхонанинг соҳаси, ресурслари ва илмий-техник салоҳиятига мос келишига боғлиқ.

Технологик тизимларни мувофиқлаштириш учун инновациялар турини алмаштиришга режали ўтиш бўйича тадбирлар тизимини қўллаш зарур. Масалан, ишлаб чиқаришнинг бир туридан бошқасига ўтишнинг бир неча вариантлари мавжуд. Одатда бошқасига ўтишнинг изчил, параллел, аралаш усуллари ажратилади.

Самарали изчил – параллел (аралаш) усул бир қатор афзалликларга эга. Аммо уларни амалга ошириш учун ўтувчи ёки гибридли деб аталувчи моделларни яратиш зарур. Янги маҳсулотларга изчил – параллел ўтиш текис, ишлаб чиқаришни тўхтатмай, маҳсулотларни гибридли гибридли моделларни қўллаш йўли билан аста-секин янгилашда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацияларни татбиқ этишнинг бундай усули Зил, BMW, FordВаз ва бошқа автомобил гигантларида кенгроқ тарқалган. “Ишлаб чиқариш ҳажми - вақт” боғлиқликлар графиклари кўринишидаги янги маҳсулотларга ўтишнинг асосий усуллари 1-расмда кўрсатилган.



расм. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтишнинг асосий усуллари

Илмий-техник янгиликни муваффақиятли амалга ошириш ва уни инновацион товарга айлантириш учун технологик қарорлар ва талаб қилинаётган ускуналарни ишлаб чиқариш жараёнларининг кейинчалик бошқаришга эга танловини таҳлил қилиш зарур.

Бошқарувнинг асосида нафақат вақтнинг ушбу пайтида, балки истикболда ҳам энг яхши бўлган технологик ечимларни танлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тадбирларнинг мақсадга қаратилган тизими ётади.

Янгилик киритиш лойиҳасини амалга ошириш учун технологик ечимни танлаш муқобиллик асосида амалга оширилади. Танлаш мезонлари ғоятда турли-туман, аммо молиявий мақсадга мувофиқлик ва технологик амалга оширилиши ҳал этувчи ҳисобланади. Буни одатда қабул қилинаётган лойиҳанинг рентабеллиги, унинг технология, ускуналар, асбоблар, жиҳозлар, ижрочиларнинг сифати ва сони жиҳатидан амалга ошириш мумкинлиги тушунилади.

Умуман технологик ечимни танлашга 50 дан ортиқ, шу жумладан молиявий, иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий, экологик, бозор ва бошқа мезонлар таъсир кўрсатади.

Корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш учун техник-технологик ечимларни таҳлил қилишдан ташқари атроф-муҳитга экологик таъсир кўрсатиш ҳамда технологияларга эришиш манбаларига эътибор қаратиш зарур, кейингилар модернизациялаш, технологияга тўлиқ ҳуқуқни қўлга киритиш ёки технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига биргаликда эгалик қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Адабиётлар

1. . Инновационный тип развития экономики: Учебник. /Под общей редакцией А.Н. Фоломьева. – М.: РАГС, 2008.
2. Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. /Под редакцией Б.З. Мильнера. – М.: Инфра-М., 2010.

INNOVATSION MARKETING – KORXONA RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING TAYANCHI

Bozorov S.E., Otaboev R.O.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Bugungi kunda iqtisodiy taraqqiyot va innovatsion texnologiyaning yuqori sur'atda o'zgarishi, mahsulotlarning hayotiylik davrining tezlashishi korxonalar raqobatbardoshligini innovatsiyalardan foydalanmay turib oshirishning imkoni mavjud emasligini isbotlamoqda. Bu esa nafaqat ma'lum bir tizimga, balki jamiyatning barcha sohalarining rivojiga o'zining aks ta'sirini ko'rsatadi. Shu bois, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan mazkur 2018-yilni "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili" deb e'lon qilinishi iqtisodiyotimizning barcha sohalarida innovatsiyalarni tatbiq etmay turib oldimizdagi belgilab olingan ulkan vazivalardan yuqori samara kutib bo'lmasligini bildiradi.

Korxonalar raqobatbardoshligi ayni paytdagi boshqa raqib korxonalar ustunligini anglatadi va o'z navbatida resurslardan samarali foydalanishni aks ettiradi. Korxonalar raqobatbardoshligini oshirish yo'llaridan biri innovatsiyalarni ishlab chiqish va ulardan foydalanish hisoblanadi. SHuningdek, bozor sharoitlarining doimiy o'zgarishi marketingda innovatsiyalarni qo'llash zaruratini oshirmoqda.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, texnologik innovatsiyalar uchun moliyaviy resurslar bilan bog'liq muammolar yuzaga kelganda, innovatsion marketing korxonaning raqobat kurashida asosiy dastak bo'lib xizmat qiladi. Korxonaning bozor muhitidagi faoliyati uning mijozlari tomonidan belgilanadi. Agar, mijozlar korxonalar mahsulot va xizmatlarini ularni yaratish uchun ketgan xarajatlarga nisbatan ko'proq baholasa, biznes rivojlanadi, aks holda unga tashqi yordam zarur bo'ladi yoki bunday korxonalar inqirozga yuz tutadi. Bu borada P.Druker quyidagi fikrni bildirgan: "biznesning asosiy maqsadi mijozlarni jalb qilish bo'lganligi sababli, korxonaning ikkita va faqat ikkita asosiy funksiyasi mavjud: marketing va innovatsiya"

Innovatsion marketing yangi mahsulotlar, uskunalar, xizmatlar va yangi texnologiyalarni ishlab chiqish hamda ularni bozorda realizatsiya qilish uchun yangi marketing usullaridan foydalanish bilan bog'liq. Korxonalar faoliyatini tahliliga asosan, marketingda innovatsiyalardan foydalanish, iste'molchilar talabini to'liq qondirish hamda yangi bozorlarni egallash imkoniyatini beradi.

O'rganishlar shuni ko'rsatadiki, texnologiyaning rivojlanishi innovatsion boshqaruv hamda innovatsion marketing bilan birgalikda borishi lozim. Ularga quyidagilarni keltirish mumkin:

1. Texnologik innovatsiyalarni yuritish shakllari va yangi bozorlarni egallash;
2. Iste'molchilar faolligini rag'batlantirishning yangi usullari ishlab chiqish;
3. Kombinatsiyalashgan innovatsion marketing.

Korxonadagi bir qator muammolarni innovatsiyalar yordamida echish mumkin. YAqin yillargacha firmalar o'z daromadlarini ekstensiv rivojlanish, sodda qilib aytganda, ishlab chiqarilayotgan tovarlar sonini ko'paytirish hisobiga oshirib kelgan. Rivojlangan mamlakatlarda aholi sonining o'sishidagi to'xtashi mazkur mamlakatlar iqtisodiyotida innovatsiyalardan keng va samarali foydalanishni taqozo etgan bo'lsa, yana bir omil sifatida ishlab chiqarish xom ashyosi baholarining o'sishi, inovatsion jarayonlarni tezlashtirishda muhim turtki bo'lganligini kuzatish mumkin.

Innovatsiyalar, o'z navbatida, bir necha turga bo'linadi va ularning tizimli klassifikatsiyalanishi T.Robertsonning fikriga ko'ra, quyidagi turlarga ajratiladi:

1. Uzlüksiz innovatsiyalar;
2. Uzlüksiz dinamik innovatsiyalar;
3. Uzlukli innovatsiyalar.

Uzlüksiz innovatsiyalar – mavjud mahsulotlar variatsiyasini o'zida aks ettiradi. Ushbu innovatsiyalar iste'molchining mavjud shakllanib kelgan an'anaviy xatti-harakatiga salbiy ta'sir ko'rsatmaydi.

Uzluksiz dinamik innovatsiyalar – yangi mahsulot yoki mavjud mahsulotlar modifikatsiyasi bo‘lib, ular iste‘molchi xatti-harakatini ifodalamaydi.

Uzluqli innovatsiyalar – iste‘molchi xatti-harakatini butunlay o‘zgartirib yuboruvchi yangi mahsulotlar bilan bog‘liq jarayondir.

Iste‘molchi, birinchi navbatda, uning mahsulotning jismoniy, axborot, etkazib berish shartlari kabi bir qator xususiyatlari bo‘yicha istagini ifodalovchi mahsulotning umumiy konsepsiyasini qabul qilishi lozim. Iste‘molchi umidining ustunligini engish uchun qo‘shimcha foydani keltiradigan kengaytirilgan mahsulot konsepsiyasi ishlab chiqiladi. Yangi mahsulot muvaffaqiyati, E.Rodjersning fikricha, quyidagi ko‘rsatkichlarga bog‘liq: nisbiy ustunlik, moslilik, murakkablik, mahsulotni tajriba qilib ko‘rish imkoniyati va ommaboplik.

Nisbiy ustunlik ko‘rsatkichida asosiy e‘tiborni mahsulotning ob‘ektiv xususiyatiga emas, balki iste‘molchining muhim ehtiyojlariga qaratiladi.

Moslilik iste‘molchi tomonidan innovatsiyalarni qabul qilishdagi eng muhim va muammoli omil hisoblanadi. SHuningdek, moslilik mahsulotning iste‘mol xususiyatlari iste‘molchining hayot tarzi, etnik me‘yorlari va hayotiy qoidalariga mos kelishi hamdir.

Yangi axborot texnologiyalari uzluksiz innovatsiyalar hisoblanib, iste‘molchi xatti-harakatini tubdan o‘zgartiradi. Bunga misol sifatida turli xil tovar va xizmatlarni uydan chiqmasdan turib, internet orqali xarid qilishni keltirish mumkin. Uzluksiz yoki uzluksiz dinamik innovatsiyalar eng samarali innovatsiyalar hisoblanib, bunday mahsulotni joriy qilishda iste‘molchi uchun yangi tovar va xizmatning ahamiyati, zaruratini tushuntirish uchun qo‘shimcha xarajatlarni amalga oshirishni talab qilinmaydi.

Va nihoyat, ommaboplik potensial iste‘molchilar uchun yangiliklardan foydalanish natijalarining aniqligidir. Amalda, innovatsiyalarni reklama qilishda mashhur shaxslardan foydalanish orqali ommaboplikka erishish mumkin.

Innovatsion marketingning muhim shakllaridan biri – strategik hamda operativ marketing hisoblanadi.

Strategik innovatsion marketingning asosiy yo‘nalishlaridan biri bozorga yangiliklarni kiritish strategiyasini ishlab chiqishdan iboratdir:

- innovatsion marketing faoliyati dasturi va rejalarini ishlab chiqish;
- marketing innovatsiyalarini ishlab chiqish va ularni qo‘llash jarayoni ustidan kuzatuvni amalga oshirish;
- mahsulotni ishlab chiqishdan iste‘molchilarga xizmat ko‘rsatishgacha yagona innovatsion siyosatni amalga oshirish;
- korxonada va tashqarisida innovatsion faoliyatni muvofiqlashtirish;
- malakali xodimlar yordamida marketing innovatsiyalarini ishlab chiqish amaliyotini muntazam takomillashtirishni ta‘minlash;
- innovatsion marketing muammolarini kompleks echish uchun maqsadli guruhlarini shakllantirish.

Xulosa sifatida shuni ta‘kidlash lozimki, innovatsion marketing korxonaning ishlab chiqarishni takomillashtirish va bozor sharoitiga ta‘sir ko‘rsatishga asoslangan faoliyatidir. Izlanishlar natijasi shuni ko‘rsatadiki, innovatsiya hayotiy davrining har bir bosqichi turli marketing usullarini va yondashuvlarini, turli strategiya va taktikani talab qiladi. Innovatsion marketing raqobatchilariga nisbatan ko‘proq foyda olishni istagan korxonalar uchun muhim bo‘lib, innovatsiyalarga va yangiliklarga asoslangan ustun raqobat strategiyasini shakllantiradi. SHuningdek, innovatsion marketing faqatgina bozordagi yangi mahsulotni yoki mavjud mahsulotni realizatsiya qilish emas, balki yangi texnologiyalardan: yangi mahsulot yoki texnologik jarayon bo‘yicha ixtiro va nou-xaular uchun litsenziyalarni sotish hamda uni tayyorlash uchun uskunalarni takomillashtirishni nazarda tutadi.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ И ЭКОНОМИЧНОСТЬ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ

Гиясова Н.Н.

Ташкентский химико-технологический институт

В современной практике проектирования больших промышленных систем часто используется эмпирический подход. Это объясняется тем, что большую систему принципиально невозможно точно описать и точно предсказать ее поведение. Единственный метод, позволяющий облегчить проектирование (а часто и эксплуатацию) такой системы, — это моделирование и в первую очередь — математическое.

Методология по исследованию сложных объектов и систем, называется математическим экспериментом. Эксперимент проводится над математической моделью. В настоящее время разработаны и используются математические модели разнообразных технологических процессов, технических устройств для решения экологических, медицинских и т.д. проблем. Математическая модель – это совокупность математических функций или уравнений, которые описывают определенные качества изучаемого реального явления или процесса. Математические модели позволяют до создания реальной системы рассмотреть возможные режимы работы, выбрать оптимальные управляющие воздействия, составить объективный прогноз будущих состояний системы.

На основе математической модели разрабатываются специальные компьютерные программы, которые позволяют обработать полученную статистическую информацию и оценить значимость построенной модели.

Необходимость в исследовании математических моделей возникает, когда объект (явление) недоступен для изучения ввиду его опасности, отдален во времени и в пространстве от исследователя, а также, когда экспериментальные исследования сопряжены с большими материальными потерями и непредвиденными последствиями.

Использование математических моделей позволяет осуществить предварительный выбор оптимальных или близких к ним вариантов решений по определенным критериям. Они научно обоснованы, и лицо, принимающее решение, может руководствоваться ими при выборе окончательного решения. Следует понимать, что не существует решений, оптимальных «вообще». Любое решение, полученное при расчете математической модели, оптимально по одному или нескольким критериям, предложенным постановщиком задачи и исследователем.

Можно выделить следующие основные этапы построения математической модели:
Определение цели, т.е. чего хотят добиться, решая поставленную задачу.

Определение параметров модели, т.е. заранее известных фиксированных факторов, на значения которых исследователь не влияет.

Формирование управляющих переменных, изменяя значение которых можно приближаться к поставленной цели. Значения управляющих переменных являются решениями задачи.

Определение области допустимых решений, т.е. тех ограничений, которым должны удовлетворять управляющие переменные.

Выявление неизвестных факторов, т.е. величин, которые могут изменяться случайным или неопределенным образом.

Выражение цели через управляющие переменные, параметры и неизвестные факторы, т.е. формирование целевой функции, называемой также критерием эффективности или критерием оптимальности задачи.

При использовании математического моделирования должен прежде всего определить, как создать (получить, разработать) модель.

Математическое описание является сущности процесса со свойственными ему особенностями и ограничениями. Эти особенности и ограничения должны формулироваться в задаче, так и при составлении описания и выборе численного метода моделирования.

Математическое моделирование напоминает физический эксперимент. В математической модели, как и в лабораторной установке, представлены составные части системы и окружающая ее среда. В ходе испытаний модели через некоторые интервалы времени выдается информация о поведении компонентов и показания приборов. При использовании современных технических средств моделирование на ЭВМ так же наглядно, как и физический опыт (особенно для относительно простых систем). Это позволяет быстро получить сведения о различных вариантах изучаемого процесса. При этом в относительно короткий срок можно найти оптимальные варианты математической модели, т.е. осуществить ее оптимизацию и, следовательно, оптимизировать сам процесс.

Математическое моделирование включает следующие этапы: составление математического описания процесса; создание алгоритма, моделирующего изучаемый процесс; проверка адекватности модели изучаемому процессу; использование модели. При использовании математических моделей решается одна из двух задач — определение необходимых параметров технического объекта и выявление желательной его структуры — либо совокупность этих задач.

Модели могут применяться действительности, общения, обучения и тренажа, средства постановки экспериментов (в том числе оптимальных), а также в качестве инструмента прогнозирования.

Количественный и качественный выигрыш от применения математического моделирования на ЭВМ состоят в следующем:

1. Полностью или частично отпадает необходимость в длительном и трудоемком этапе изготовления лабораторного макета или полупромышленной установки; в затратах на комплектующие изделия материалы и конструктивные элементы, необходимые для изготовления макетов и установок; в измерительных приборах и оборудована для испытаний системы.
2. Значительно сокращается время определения характеристик (а следовательно, и доводки объекта) и время испытаний.
3. Появляется возможность разрабатывать системы, содержащей элементы, характеристики которых известны, но самих элементов, разработчика нет в настоящее время; имитировать воздействия воспроизведение которых при натуральных испытаниях затруднено, требует сложного оборудования, сопряжено с опасностью для установки или экспериментатора, а иногда вообще невозможно; легко получают дополнительные характеристики объекта, которые сложно или невозможно получить с помощью измерительных приборов (характеристики параметрической чувствительности, частотные и пр.).

Мазкур қарор билан Олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозими киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари директорларининг илм-фан бўйича ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида турдош соҳадаги олий таълим муассасалари илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимига тайинланиши белгиланди;

Олий таълим муассасалари тузилмаларида инновация жамғармалари ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлинмаларини ташкил этиш назарда тутилган; Инновацион ривожланиш вазирлиги таркибида Илм-фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси тузилди.

Эндиликда олий таълим муассасалари илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқарув органлари, ЎФанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари директорларини илм-фан бўйича ўринбосарлари лавозимига тайинлаш Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади [1-5].



Шу билан бирга, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ва илмий-тадқиқот муассасалари директорларини илм-фан бўйича ўринбосарлари инновация фаолияти, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш масалалари якуни бўйича бевосита Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдордир.

Мазкур қарор билан, Инновацион ривожланиш вазирлиги йилига камида икки марта илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ва илмий-тадқиқот муассасалари директорларини илм-фан бўйича ўринбосарлар илмий-инновацион фаолиятини баҳолаш бўйича Президенти девонига маълумот киритиши белгиланди.

Инновация жамғармаларини ташкил этиш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан келиб тушган даромадлар ва тўлов контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги (Олий таълим муассасалари томонидан иш ҳақи, стипендия ва бошқа жорий чиқимлар қоплангандан сўнг) даромадлардан ташкил этилади. Жамғарманинг маблағлари:

Илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантириш;

Илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмларни харид қилиш; Илмий-тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилаш, илмий ходимларни моддий рағбатлантириш; Инновацион фаолият билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгиланган. Шунингдек, Олий ўқув муассасалари илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлинмаларининг асосий вазифа ва йўналишлари куйидагилардан иборат:

-Бозорни тизимли таҳлил қилиб бориш ва инновацион маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) бўлган талаб даражасини, ўз-ўзини қоплаш муддатини баҳолаш, инновацион маҳсулотларнинг тижоратлаштириш билан боғлиқ рентабеллик ва таваккалчиликни ўрганиш;

-Юқори тижорат салоҳиятига эга ва уни амалга оширишга тайёр, ўзлаштириш учун истиқболли бўлган лойиҳаларни танлаб олиш;

-Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа кизиқиш билдирган шахсларни жалб қилиш;

-Янги технологияларни ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий этиш мақсадида саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш.

Эндиликда илмий муассасалар бир қатор имтиёзларга эга бўлдилар. Жумладан, мазкур Қарор билан 2022 йил 1 январгача бўлган мuddатда:

белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатларга асосан илмий-тадқиқот муассасалари томонидан олиб кириладиган дастурий таъминот, реактивлар, сарфлаш материаллари, бутловчи қисмлар, илмий ускуналар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун ундириладиган йиғимлар бундан мустасно);

илмий-тадқиқот муассасалари барча турдаги солиқлар (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалари бундан мустасно) ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар биргаликда ҳар йили ўтказиладиган “InnoWeek.Uz”– Инновацион ғоялар ҳафталигини ташкил этишади ва бунда инновацион ғоялар муаллифлари, республикада инновацияларни татбиқ этишга ўз хиссасини қўшган тадбиркорлар, ташкилотчилар ва ҳомийлар моддий рағбатлантирилади.

Умуман олганда "инновацион фаолият" тушунчаси асосини “инновация” сўзи характерлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу тушунчага ўзбек, рус ва хориж адабиётларида ҳам кўплаб таърифлар берилган. “Инновацион фаолият” атамаси негизда, кўриниб турибдики, авваламбор, “инновация” сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса, “новация” сўзи ётади. Ўзбек тили луғатига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча “innovation”, русчасига “инновация” сўзи луғатларда “нововедение”, “новаторство” сифатида талқин этилган Рус тилида берилган талқинга кўра, бу сўз ўзбек тилига “янгилик киритиш”, “янги усул”, “киритилган янгилик” каби маъноларда таржима қилинган ва изоҳланган. Ўзбек тили изоҳли луғатида “Инновация” атамасига – иқтисодиётда техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида сарфланган маблағлар тушунчаси сифатида келтирилган. “Инновация” моҳиятан мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, бу иқтисодчи олимлар томонидан турли хил ёндашувлар билан ҳам изоҳланади.

Шу жиҳатдан барча инновациялар ва инновацион жараёнлар йиғиндиси инновацион фаолиятни вужудга келтиради

Инновацион фаолият учун илмий-тадқиқот ишларига керакли мутахасисларни жалб қилиш, уларда илмий-тадқиқот олиб бориш бўйича билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, корхоналарнинг инновацион салоҳиятини яхшилаш учун хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-китоб, Т.; 2006. 212-б;

3. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.; ТДИУ.Дарслик 2012. 6-б.;

4. Камилжанов Б.И. Инновациявий менежмент услубларини такомиллаштириш Т.; Фан, – 2007. 172 б.;

5. Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. – Oxford University Press, 2000.;

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШ

Рахимов Ф

Тошкент кимё-технология институти магистри

Ҳурматли Президентимизнинг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, маҳаллий хом ашё ресурслари ва турли ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ресурс ҳамда энергия тежайдиган самарали технологиялар яратиш ва уларни ўзлаштириш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда.

Янги материаллар яратиш, уларнинг хусусиятлари ва ишлов бериш усуларини ўрганиш замонавий илм-фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Айни пайтда иқтисодиётнинг саноат, архитектура, шаҳарсозлик каби турли соҳалари талабларини қондирадиган ва барча қурилиш меъёрига мос келадиган композицион цемент турларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти маълумотига кўра, ҳозирда мамлакатдаги 14 та цемент ишлаб чиқарувчи корхона томонидан 9,1 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йил якунига қадар 3 миллион тоннадан зиёд бўлган 8 та, келгуси йилда ишлаб чиқариш қуввати 4,7 миллион тонна бўлган яна 9 та лойиҳа амалга оширилади.

Ушбу инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун Республикамизда улкан хом ашё захирасига эга цемент, оҳактош ва тупроқ (глина) конлари мавжуд.

Маълумки, цемент ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз қурилиш материаллари саноатида етакчи мавқега эга. Бугунги кунда мамлакатимизда портланд цементнинг деярли барча тури ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда ушбу қурилиш материалига бўлган талаб муттасил ошмоқда ва бунинг натижасида портланд цемент муҳим стратегик ресурсга айланмоқда. Портланд цементнинг хусусиятлари уни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган минерал қўшимчалар ва тўлдиргичлар билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз цемент заводларида ҳар йили 15 турдаги 9 миллион тоннадан зиёд цемент ишлаб чиқарилмоқда. Қурилиш тармоғи ва саноатда умумий мақсадларда фойдаланиладиган цемент, нефть ва газ қудуқларини цементлаш учун мўлжалланган тампонж цемент, гидротехник иншоотлар қурилишида қўлланиладиган сульфатга чидамли цемент шулар жумласидан.

Мамлакат мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида Навои вилоятининг Қизилтепа туманида 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда безак ишларида фойдаланиладиган оқ цемент ҳам ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида Жиззах цемент заводи фойдаланишга топширилди. Ушбу ҳудудда цемент тайёрлаш учун асосий хом ашё — юқори сифатли оҳактош қатламларининг мавжудлиги ушбу завод қурилишига асос бўлиб хизмат қилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибида фаолият юритаётган мазкур корхона йилига 350 минг тоннагача оқ цемент ва 760 минг тонна портланд цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводда ишлаб чиқарилган оқ цементдан пардозлаш ишлари ва сунъий мрамар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, оқ цементнинг 70 фоизини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

“Қизилқумцемент” акциядорлик жамияти юртимизда цемент ишлаб чиқарадиган етакчи корхона ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг ярми ушбу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу йилига қарийб 3,5 миллион тоннани ташкил қилади. Бундан ташқари, “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида йилига 1,7 миллион тоннагача, “Қувасойцемент” акциядорлик жамиятида 1 миллион тоннадан ортиқ ва “Беқободцемент” акциядорлик жамиятида 1 миллион тоннага яқин цемент ишлаб чиқарилаётир. Ушбу

корхоналар ҳар йили янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини оширмоқда.

Айни пайтда турли вилоятларда йирик ва кичик цемент заводлари барпо этилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида иккита йирик цемент заводи қурилиши бошланди. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида 1,5 миллион тонна цемент ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Ҳақиқатдан ҳам, “Олмалик кон металлургия комбинати” ва “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамиятлари, технологик қисми Туркиялик ҳамкорлар томонидан амалга оширилган мазкур заводнинг бу туманда бунёд этилишининг ўзига хос афзалликлари бор. Чунки, энг йирик, яъни 708 миллион тонна цемент хом ашёси, шу жумладан, 503 миллион тонна оҳактош ва 178 миллион тонна тупроқ (глина) мавжуд конлар айнан шу ҳудудда жойлашган. Ушбу корхоналарда йилига биргаликда икки миллион тоннагача сифатли портланд цемент ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Кичик цемент заводлари қурилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Андижон ва Фарғона вилоятларида ана шундай заводлар фаолият юритмоқда. Жиззах вилоятининг Зомин туманида барпо этилган мини завод ҳам яқинда ишга туширилади. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида йилига 500 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга кичик цемент заводи қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Сурхондарё вилоятининг географик жойлашуви нафақат юртимизда амалга оширилади, балки кўшни давлатларга экспорт қилиниши ҳам кўзда тутилмоқда, жумладан, Афғонистон Республикасида ҳам кенг қўламдаги қурилиш бунёдкорлик ишлари учун зарур бўлган цемент маҳсулотининг ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топиш имконини беради.

Ҳозирда, портланд цемент ишлаб чиқаришда маҳаллий тоғ жинсларидан комплекс фойдаланиш бўйича олимларимиз томонидан яратилган технология “Қизилкумцемент” ва “Қувасойцемент” акциядорлик жамиятларида кенг қўлланилмоқда. Ушбу технологиянинг моҳияти шундан иборатки, маҳаллий вулқонли тоғ жинсларидан цемент хом ашёси аралашмаси таркибида бир пайтнинг ўзида асосий алюмосиликатли компонент ва темирли минерализатор сифатида фойдаланилади. Бу чет элдан келтириладиган темирли қўшимчалардан фойдаланиш, пировардида уларни тайёрлаш ва транспортировка қилишда маблағ сарфлашни талаб қилмайди. Шу билан бирга, энергия ва ресурс тежайдиган ушбу технология ишлаб чиқаришнинг содалаштирилган технологик шаклига эга бўлиб, печли агрегатлар маҳсулдорлигини оширади ва цемент таннархини камайтиради.

Таркибида маҳаллий хом ашё асосидаги композицион минерал қўшимчалар мавжуд бўлган ва кўплаб мақсадларда ишлатиладиган цемент ишлаб чиқариш технологиясини кенг жорий этишдек долзарб вазифани ҳал этишга қаратилган мазкур технология цементнинг мустаҳкамлиги ва сульфатга чидамлилигини пасайтирмаган ҳолда, унинг таркибига 15-20 фоизгача композицион минерал қўшимчалар қўшиш имконини беради. Айни пайтда клинкерни майдалашда тоғ жинслари, глиеж, кварц ва шпатли кум ҳамда бошқа минералларни ўз ичига олган композициялардан фаол минерал қўшимчалар сифатида фойдаланилмоқда. Бунинг самарасида қимматбаҳо клинкер тежалмоқда, цемент таннархи пасайиб, унинг қурилиш-техник хусусиятлари яхшиланмоқда. Ушбу технология айни пайтда “Қизилкумцемент” акциядорлик жамиятида ўзлаштирилмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз иқтисодиёти, архитектураси ва шаҳарсозлигини янада ривожлантириш учун сифатли ва арзон қурилиш материаллари, хусусан, композицион цемент ишлаб чиқариш зарур. Олимларимизнинг ютуқлари нафақат қимматбаҳо импорт хом ашё ўрнини босиш, балки зарарли техноген чиқиндиларни утилизация қилиш, келгуси авлодлар учун мусаффо атроф-муҳитни асраб-авайлаш имконини беради.

ИННОВАЦИОН МУҲИТ, ИНТЕГРАЦИЯ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Рахимов Ф.Х., Файзуллаев А.Н.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги

Дунёда, жумладан, Республикамизда ҳам тараққиёт ва юксалишларни ҳар бир соҳада таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали ҳамкорлиги, муаммоларга ижодий ёндашув, ғоя-илмий ишланмаларнинг пайдо бўлиши, интеллектуал мулк объектларининг шаклланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий тармоқларга жорий этилиб, инновациялар даражаси кўтарилишисиз тасаввур этиш қийин.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда “... Энг муҳим вазифа – халқимиз онгида инновацион тафаккурни шакллантириш. Инновациялар бўлмаган жойда ривожланиш ва рақобат ҳам бўлмайди...”.

2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши, унга мос тарзда Давлат дастурининг шакллантирилиши, энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларнинг белгилаб олиниши бежиз эмас.

Мазкур вазифаларга жавобан барча муассаса ва ташкилотлар каби интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини бевосита Ўзбекистон Республикасининг олтига қонунига (“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги) таяниб таъминловчи давлат бошқаруви органи, Агентлик 2018 йилда фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг энг муҳим устувор вазифалари белгилаган ва изчил амалга оширмоқда:

- пойтахт ва ҳудудларда технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари ва интеллектуал мулк эгаларининг интеллектуал мулк объект(ИМО)лари, жумладан, товар белгилари ва ихтироларнинг муҳофазаси бўйича ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан семинарлар ўтказиш, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) билан ҳамкорликда ИМОларни тижоратлаштириш бўйича тадбир ўтказиш, мамлакатнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- Агентлик томонидан тақдим этиладиган давлат хизматларини такомиллаштириш, “Интеллектуал мулк” ахборот тизими орқали on-line буюртма тизимини жорий этиш, патент божларни on-line тўлов тизимига киритиш, Агентлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши тадбирларни амалга ошириш, миқдорлар билан ишлашда хушмуомилаликни таъминлаш;

- Агентлик ва “IP-Center” Давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида жойларда ИМОларини тижоратлаштириш, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳимояси билан боғлиқ масалаларда ишлаб чиқариш корхоналарига маслаҳатлар бериш бўйича амалий ёрдам кўрсатишни таъминлаш;

- экспертиза муддатларини қисқартириш, “BPR” тадқиқоти (бизнес жараёнларни оптималлаштириш) орқали Агентликдаги бизнес жараёнларни оптималлаштириш, соҳанинг меъёрий ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- тизимли равишда ходимлар малакасини ошириб бориш, Агентлик ходимлари фаолиятини баҳолашнинг замонавий мезонларини жорий этиш, Патент иш юритув ахборот тизимини такомиллаштириш;

- мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, вазирлик ва идоралар билан Ўзбекистон томонидан “TRIPS” халқаро битимини имзолаш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш, БИМТ билан ҳамкорликда рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш бўйича тадбир ўтказиш;

- ҳуқуқбузарликлар устидан мониторинг олиб бориш тизимини такомиллаштириш, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни ошириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тарғибот ишларини кучайтириш;

- ҳар қандай қарор қабул қилишда Давлат манфаатларини устун қўйиш.

Бугунги кун соҳаларда таълим, фан ва амалиётнинг бир-бири билан узвий алоқадорлиги, интеграциялашувида инновацион муҳитнинг шаклланиши, муаммо – илмий ғоя – интеллектуал мулк объекти – янги ишланма ва унинг жорий этилиши тизимини жадаллаштириш ва “илм орқали билим” тамойили қонуниятига кўра ҳаётий босқичларда пишиб етилиб, жамоавий уйғунлашувда инновация даражасига кўтарилишини исботлади.

Жаҳон амалий тажрибаси кўрсатишича инновацион жараёнлар классик модели бу куйидаги циклик босқичлар тизимидир: тадқиқотчилик, ихтиро (патент), янги маҳсулот, фойда, илмий тадқиқотга инвестиция киритиш ва яна қайта тадқиқотчилик.

2017 йил якунларига кўра Агентликнинг айрим кўрсаткичларига назар ташлашни жоиз топдик. Давлат реестрларида 3590 та интеллектуал мулк объектлари давлат рўйхатидан ўтказилган, ушбу кўрсаткич 24% га ўсган. Хусусан, ихтиро – 205, фойдали модел – 104, саноат намунаси – 124, товар белгиси – 2300, селекция ютуғи – 40, ЭҲМ учун дастур – 802, маълумотлар базаси -15. Ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказилганлиги бўйича ихтиро – 10, фойдали модел – 6, саноат намунаси – 7, товар белгиси – 363, ЭҲМ учун дастур – 1, маълумотлар базаси -1 та. Ҳуқуқларни топшириш бўйича лицензион шартномаларга талабномалар – 223, лицензия бериш тўғрисидаги қарор – 146, филиалларда фаолият учун – 25, қайта расмийлаштириш – 23, муддатидан олдин бекор қилиш – 2, лицензия бермаслик тўғрисида қарор – 27. Апелляция ишлари кўриб чиқилган -39, рад этилган - 18, қаноатлантирилган - 12 ва кейинга қолдирилган - 9.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолияти илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацияларга йўналтирилган 229 та муассаса мавжуд. Улардан 93 таси илмий-тадқиқот, 73 таси олий таълим ва 63 таси конструкторлик ва бошқа ташкилотлардир. Сўнгги беш йилда Республикаимизда 630 та ихтиро, 398 та фойдали моделга патент олинган, улардан атига 77 таси тижоратлаштириш мақсадида лицензион шартнома билан расмийлаштирилган, яъни мос тарзда йиллар кесимида: 2013 йил - 10/3, 2014 йил - 13/1, 2015 йил - 12/2, 2016 йил - 16/4, 2017 йил - 10/6.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон ва 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон қарорлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа давлат ташкилотлари олдига илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг тижоратлаштириш билан боғлиқ қатор вазифалар қўйди. Ушбу қарорларга жавобан фан ва олий таълим муассасаларида қатор ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Демак ҳар бир соҳа бўйича шу соҳа ёки ихтисосликларнинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришининг тўлақонли интеграциялашувини таъминлаш, эришилган ютуқлар, мавжуд камчилик ва муаммоли ҳолатларни теран англаш, ҳар бир йўналишда билимлар концентрациялашувига эришиш, оригинал ихтироларнинг ворисийлик асосида намоён бўлишига, “илм орқали билим” тамойилининг қонуниятига кўра ривожланиши, инновация даражасига кўтарилишига шарт-шароитларни яратиш ҳамда қонуний муҳофаза ҳужжатиغا эга интеллектуал мулк объектларига мулк ҳуқуқни бошқа шахсларга ўтказишнинг (21.10.2013 йил 1481-2-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган) ўрнатилган тартиб-қоидаларига амал қилиб тижоратлаштиришни таъминлаш барчамизнинг жамоавий вазифамиздир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2637-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон қарори.
5. Камил Идрис. Интеллектуальная собственность мощный инструмент экономического роста. Обзор. Женева, Публикация ВОИС No 888 1, 2-е изд, 2003.
6. Усмонов Б.Ш., Рахимов Ф.Х., Дусмухамедова М.Х. Таълим, фан, ишлаб чиқариш интеграцияси ва инновацион ҳамкорлик. Илмий-услубий қўлланма. Т.: “Adabiyot uchqunlari” нашриёти, 2017 й.
7. Рахимов Ф.Х., Файзуллаев А.Н., Эргашев Ш.Ш., Сагдуллаев Б.Т. Инновацияларга йўналтирилган уйғунлашув. Иқтисодиёт ва таълим. 2018 йил, 3-сон, 174-177-б.

YURTIMIZDA INNOVATSION RIVOJLANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Rahimova N.J., Kadirov U.R.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Bugungi kundagi hayotimiz yangi tushunchalar, mahsulotlar, texnologiyalarga limmo-lim. Nafaqat O‘zbekiston, balki dunyo taraqqiyotning yangi — innovatsion yo‘lini tanlagan. Chunki bugun innovatsion g‘oyalar, yangiliklar — mamlakatning rivojlanish darajasini belgilab bermoqda.

Jahon bankining O‘zbekistondagi vakili Xideki Mori O‘zbekiston Respublikasi 2030 yilga kelib daromadi o‘rtadan yuqori bo‘lgan mamlakatga aylanishini prognoz qilgan edi.

Innovatsiyalar ahamiyatini baholash o‘ta murakkab. Jahon tajribasi barcha sohalarda sifatli o‘shishni ta‘minlovchi yangiliklarni uzluksiz tarzda amaliyotga joriy etish jamiyat va iqtisodiy rivojlanishning harakatlantiruvchi kuchiga aylanganligini ko‘rsatmoqda. Innovatsion o‘zgarishlarning aksariyat qismi hayotimizga sanoat tovarlari bilan kirib keladi va hayot tarzimizni yaxshilashga, yengillashtirishga qaratilgan. Misol uchun, elektron-nurli televizor va monitorlardan suyuq kristalli ekranlarga o‘tish. Uyali aloqa vositalarining kirib kelishi yana bir yaxshi innovatsion yangilikka misol bo‘la oladi. Umuman, yoppasiga xaridor qiziqishiga sabab bo‘layotgan tovarlar borki, singdirilgan innovatsiyaga misol tarzida qo‘llasa bo‘ladi.

Bugun rivojlanishning innovatsion modellari va “aqli” texnologiyalar amalga oshirilayotgan mamlakatlar eng muvaffaqiyatli va barqaror hisoblanadi. Bunday mamlakatlarning barqaror taraqqiyoti, ularning jahon bozorlarida raqobatbardoshligi tabiiy resurslarni eksport qilish va jismoniy mehnatdan foydalanishga emas, balki innovatsion g‘oyalar va ishlanmalarga asoslanadi. Ushbu mamlakatlarda innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni joriy etish bo‘yicha davlat strategiyasining ijrosi shartli ravishda “kelajak vazirliklari” deb nomlanuvchi maxsus idoralar tomonidan amalga oshiriladi.

Innovatsion rivojlanish uchun mas‘ul idoralarning asosiy vazifasi innovatsiya va fan yutuqlarini keng joriy etish hisobiga mamlakatning iqtisodiy o‘shishi va jahon bozorlaridagi raqobatbardoshligini ta‘minlash hamda iqtisodiyotda intellektual ulushning ko‘payishi hisoblanadi.



2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida aholi farovonligini tubdan oshirish va turmush sifatini yaxshilash, jamiyat va davlatni har tomonlama hamda jadal rivojlantirish, mamlakatni modernizatsiya qilish va

hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo'yicha aniq maqsadlar belgilab olindi. Boshqacha qilib aytganda, biz O'zbekistonni ishlab chiqarishda innovatsiya va intellektual hissaning yuqori ulushi bo'lgan barqaror bozor iqtisodiyotiga, zamonaviy va global bozorda raqobatbardosh sanoatga, shuningdek, qulay investitsiyaviy va ishchanlik muhitiga ega jadal rivojlanayotgan mamlakatga aylantirishimiz lozim.

Qo'yilgan maqsadlarga O'zbekistonni rivojlanishning innovatsion modeliga to'liq o'tkazmasdan turib erishish mumkin emas, bu mamlakatda innovatsion faoliyatni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning hamda davlat boshqaruvi, iqtisodiyot ustuvor tarmoqlari va ijtimoiy sohaga innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni amalda joriy qilishni rag'batlantirishning samarali tizimini yaratish zaruratini taqozo etadi.

Mavjud muammolarni hal qilish, shuningdek, innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash, innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar, ilmiy yutuqlarni joriy etishni rag'batlantirishning institutsional va tashkiliy-huquqiy asoslarini tubdan takomillashtirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida"gi Farmonqabul qilindi.

Mazkur Farmonga innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni keng joriy etish borasida Ma'muriy islohotlar konsepsiyasini amalda ro'yobga chiqarish bo'yicha muhim qadam sifatida qarash mumkin. Farmon bilan strategik rejalashtirish tizimini yaratish, davlat boshqaruvining innovatsion shakllarini amalga kiritish, fan va innovatsiya faoliyatini rivojlantirishning zamonaviy infratuzilmasini shakllantirish, investitsiyalarni keng jalb qilish, huquqiy bazani takomillashtirish, ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, ijtimoiy va iqtisodiy hayotning dolzarb sohalariga ilg'or texnologiyalarni faol joriy etish kabi mamlakat innovatsion rivojlanishining asosiy yo'nalishlari belgilandi.

Farmon bilan O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi tashkil etildi hamda uning davlat va jamiyat qurilishi, iqtisodiyot, qishloq xo'jaligi, ijtimoiy rivojlanish, ilg'or texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiatdan foydalanish sohalaridagi faoliyatining asosiy yo'nalishlari nazarda tutildi.

Bundan kelib chiqib, Innovatsion rivojlanish vazirligi O'zbekiston Respublikasining innovatsion va ilmiy-texnik rivojlanishi sohasidagi yagona davlat siyosatini amalga oshiruvchi organ etib belgilandi.

Farmonda innovatsiyalarni joriy etishning qonuniy asoslarini yaratish masalalariga alohida e'tibor qaratildi. Shu munosabat bilan, ilmiy va innovatsion faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish prinsiplari hamda qo'llab-quvvatlash shakllarini, innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishni belgilovchi "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi va "Fan to'g'risida"gi qonunlar loyihalari ishlab chiqiladi.

Innovatsion rivojlanish vazirligining tashkil etilishi innovatsion va ilmiy-texnikaviy rivojlanish sohasida yagona davlat siyosatining amalga oshirilishini ta'minlashga qaratilgan. Yangi idora innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni ro'yobga chiqarish uchun byudjet mablag'laridan oqilona foydalangan holda mavjud resurs va mablag'larning safarbar etilishini ta'minlaydi.

Pirovard natijada, O'zbekistonni rivojlantirishning innovatsion yo'li iqtisodiy o'sishning harakatlantiruvchi kuchi, mamlakat barqarorligi va aholi farovonligini ta'minlashning omili bo'lishi lozim.

SANOAT KORXONALARIDA INNOVATSIYA FAOLIYATINI AMALGA OSHIRISHIDA INNOVATSION STRATEGIYANI TANLASH AXAMIYATI

Rashidov S.Sh., Kadirov U.R.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Sanoat korxonalarida innovatsiya faoliyatini amalga oshirish uchun innovatsion strategiyani ishlab chiqish muxim sanaladi. Strategiya tanlash innovatsiya faoliyati muvaffaqiyatining kafolati hisoblanadi. Agar korxonada atrofida yuz berayotgan o'zgarishlarga beparvo bo'lsa yoki uni vaqtida sezib, tegishli chora-tadbir ko'rsatmasa, korxonada faoliyati inqirozga yuz tutishi mumkin.

Strategiya tanlash innovatsion menejmentning tarkibiy qismi hisoblanadi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida sifatli mahsulotga ega bo'lmagan korxonada rahbarlari yangi texnologiya paydo bo'lishini kuzatib borish va uni ishlab chiqarishga joriy etish uchun alohida e'tibor berishi lozim, chunki bozor uchun raqobatbardosh mahsulotlarni yaratish ilmiy texnika yutuqlaridan qay darajada foydalanishga bog'liq.

Strategiyani qaror qabul qilish jarayoni sifatida qarash mumkin. Har ikkala holatda ham maqsad (ob'ekt) aniqlanadi va uni amalga oshirish vositasi (qarorlar qabul qilish) belgilanadi.

Strategiya raqobatchiga nisbatan korxonani (firmani) hayotchanligini, qudratini, mustahkamlashga qaratilgan o'zaro aloqador holatlar majmuidir. Bu maqsadga erishishning atroflicha tahlil qilingan, o'rganilgan rejasidir.

Strategik rejalashtirishning zarurligini tan olayotgan firma va korxonada soni ko'payib bormoqda. Bu raqobat kuchayib borishi bilan bevosita bog'liqdir. Bugungi kun talabi bilan yashab bo'lmaydi. Uzoqni mo'ljallab, mumkin bo'lgan o'zgarishlarni rejalashtirib raqobatda yutib chiqish imkoniyatlaridan to'laroq va samaraliroq foydalanish davr talabidir.

Strategiyani tanlash tadqiqotlarini olib borish, yangi mahsulotlarni yaratish va boshqa innovatsiya shakllari bilan bevosita bog'liqdir.

Strategiyani rejalashtirish ikkita maqsadni ko'zlaydi:

1. Resurslarni oqilona taqsimlash va undan samarali foydalanish. Bu "ichki strategiya" deb nom olgan. Resurslardan (moliy mablag'lari, ishchi kuchi, texnologiya) foydalanish rejalashtiriladi. Bundan tashqari maqsadga muvofiq bo'lmagan tarmoqlarning barham topishi yangi tarmoqlar uchun korxonalarni sotib olish, korxonaning samarali "portfeliga" ega bo'lishi muhim ahamiyatga egadir.

2. Tashqi muhitga moslashish. Iqtisodiy, siyosiy, demografik o'zgarishlarga moslashishni ta'minlash vazifasi qo'yiladi.

Strategik rejalashtirish ko'pgina tadqiqot ishlarini olib borish, ma'lumotlarni yig'ish va qayta ishlash bilan bog'liq bo'ladi. Bu o'z navbatida bozorni doimo nazorat qilishni taqozo etadi. SHuni alohida ta'kidlash joizki hozirgi paytda, o'zgarishlar shiddat bilan o'sib bormoqda. SHu bilan birga strategiya shunday ishlab chiqilishi lozimki, natijada uni boshqasi bilan almashtirish imkoni bo'lishi kerak.

Tashqi muhitdagi ro'y berayotgan o'zgarishlar va jarayonlar firma hayotiy faoliyatiga katta ta'sir etadi. Tashqi muhit bilan bog'liq bo'lgan asosiy omillar iqtisodiyot, siyosat, bozor, texnologiya, raqobat. Eng muhim omil raqobat hisoblanadi. SHu munosabat bilan asosiy raqobatchilarni aniqlash va ularning bozordagi pozitsiyasini (bozor ulushi, sotish hajmi, maqsadi va boshqalar) aniqlash muhim ahamiyatga egadir. Buning uchun quyidagi yo'nalishda tadqiqot ishlarini olib borishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

1) Raqobatchining joriy strategiyasini baholash (bozordagi hulqi, tovarlar hapakati usullari va boshqalar);

2) Raqobatchilarga tashqi muhitning ta'sirini tadqiqot qilish;

3) Raqobatchilarning ilmiy-texnik ishlanmalari to'g'risidagi ma'lumotlarni yig'ishga harakat qilish, kelajakda ularning harakatini bilish va unga qarshi tadbirlarni mo'ljallab qo'yishdan iborat.


Raqobatchilarning kuchli va zaif tomonlarini atroflicha o'rganish va o'z shaxsiy natijalari bilan taqqoslash, raqobat kurashi strategiyasi to'g'risida yaxshiroq fikrlash imkonini beradi.

Tashqi muhitning jiddiy omillaridan biri ijtimoiy-xulqiy va ekologik omillar hisoblanadi. Firma

demografik vaziyatni yoki bu sohadagi o'zgarishlarni ham inobatga olishi lozim. Masalan, bozor iqtisodiyoti sharoitida faoliyat ko'rsatuvchi kadrlarni tayyorlash menejment va marketing fanidan qo'llanmalari va darsliklarga bo'lgan ehtiyojni o'sib borishiga olib keladi.

Ichki muhitni tahlil qilish firma faoliyatining kuchli va o'z tomonlarini atroflicha tahlil qilish asosida amalga oshiriladi.

Strategiya, nazariy va empirik (amaliy) tadqiqotlar olib borishning muhim yo'nalishi hisoblanadi. Tashkilot va uning rahbarlari bir-biridan qanchalik muhim qarorlar qabul qilishi bilangina emas, balki yangiliklardan foydalanish darajasiga qarab ham farqlanadi. Agar yuqori rahbariyat yangiliklarni qabul qilishiga ijobiy munosabatda bo'lsa uni joriy etish ehtimoli yuqori bo'ladi. Yuqori rahbariyatning qarorlar qabul qilishiga ko'proq jalb qilinishi bilan strategik va moliyaviy maqsad ahamiyati o'sib boradi (1-rasm).



1-rasm. Sanoat korxonalarida strategik rejalashtirish bosqichlari

Yuqoridagi rasmdan ko'rinib turibdiki, tahlil etilayotgan korxonada innovatsiyalarni jalb etishda strategik rejalashtirish va uni amalga oshirish asosan A, B, V bosqichlarni o'z ichiga olishi mumkin. Unda dastlabki bosqichda strategiyani tanlash uchun maqsad aniqlanadi. So'ng strategiyaga ma'no va mazmun hamda shakl beriladi. Bu bosqichda strategiyani amalga oshirishning muddati, mas'ullari va amalga oshirish uchun bajariladigan tadbirlar rejalashtiriladi. Uchunchi so'ngi bosqichda strategiyani tashkillash bilan bog'liq ishlar taktik jihatdan amalga oshiriladi va u nazoratga olinadi. Zarurat tug'ilganda uni taktik jihatdan yangilab turiladi.

Innovatsion menejment strategiyasini tanlash mahsulot hayotiy ssiklini aniqlashning asosini tashkil etadi va u firma bozor pozitsiyasiga hamda ilmiy-texnika siyosatiga bog'liq bo'ladi.

Sanoat korxonalarida innovatsiya strategiyalarni tanlashda quyidagi usullardan birini tanlashi mumkin:

1. Hujumkor – bu tadbirkorlik raqobati prinsipiga amal qiladigan firma faoliyatiga oid strategiya hisoblanadi. U kichik innovatsiya firmalari uchun xos bo'lgan xususiyatdir.

2. Mudofaa – mavjud bozorlarda firmaning raqobat pozitsiyasini ushlab turishga qaratilgan. Bunday strategiyaning bosh vazifasi "xarajat-natija" nisbatlarini faollashtirish hisoblanadi. Bunday strategiya ilmiy-tadqiqot va konstruktorlik ishlarini olib borishni taqozo etadi.

3. Immitatsiya (o'xshash) – bu strategiya texnologik va bozor pozitsiyasi kuchli bo'lgan firmalar tomonidan qo'llaniladi, u yoki bu yangiliklar bo'yicha pioner bo'lmagan korxonalar tomonidan bu strategiya qo'llaniladi. Bunda etakchi firmalar yoki mayda innovatsiya firmalari tomonidan bozorga olib chiqilgan yangiliklarning asosiy iste'mol xususiyati qabul qilinadi.

Adabiyotlar:

1. Бочкарева Т.А. Зарубежный опыт государственного стратегического управления инновациями. М.: Перспектива, 2007.

2. Исхаков А., Урманова Д. Корхоналарнинг инновацион фаолиятини баҳолаш усуллари. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш кумитаси. : 6-8 октябрь, Тошкент. 2008. 140б.

3. Кодирова Н.Ш. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида инновацияларнинг урни. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш кумитаси. : 6-8 октябрь, Тошкент. 2008. 137б.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рашидов Т.Р.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти инновацион жараёнга ўтганлиги муносабати билан, биринчи навбатда, ватанимиз олимлари олдида мураккаб масалалар қўйилди – иқтисодиётимиз субъектларини инновацион ғоя, лойиҳа ва технологиялар билан бойитиш ҳамда ушбу субъектлар фаолиятини инновацион ишланмалар асосида янада жонлаштириш.

Бугунги кунда ОТМлар ишлаб чиқариш, уларнинг муаммолари, ўзларининг инновацион, илмий салоҳияти бўйича маълумотлар базасини тузиб, уларни янгилаб боришмоқда. ОТМлардаги инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида улардаги инновацион марказларни статусини аниқлаш, лицензия шартномаларини кенг қўллаш, инновацион кадрлар тайёрлаш, патентшунослик ва интеллектуал мулкни баҳолаш ўқув фанларини ОТМларда олиб бориш, Республикамиз барча минтақаларида инновацион салоҳиятни баҳолаш лозим. Бу борада малакатимизда *“Инновация ва инновация фаолияти тўғрисида”* Қонун лойиҳасини қабул қилиш қонунчиликни устивор вазифаларидан биридир. Инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш ва амалга оширилиши учун қуйидаги вазифалар бажарилиши керак.

Олий таълим тизимида:

- Инновацион гуруҳларни шакллантириш; ва уларнинг фаолиятини жонлантириш
- Корхоналар бўйича илмий-технологик муаммоларнинг ягона ахборот базасини яратиш; Таҳлил, экспертиза ва саралаш асосида намунавий мавзулар рўйхатини шакллантириш ва уларни битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, номзодлик диссертациялари, докторлик диссертациялари ҳамда хўжалик шартномалари шаклида расмийлаштириш; Битирув малакавий иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари хўжалик шартномалари доирасидаги тадқиқотлар натижаларини амалиётга қўллаш учун корхоналарга тақдим этиш.

Ишлаб чиқаришда:

- Инновацион гуруҳлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- Корхонанинг юқори малакали мутахассисларини инновацион гуруҳларга бириктириш; Инновацион гуруҳга корхонанинг кадрларга бўлган эҳтиёжи, бўш иш ўринлари, технологик муаммолари тўғрисида маълумотларни тақдим этиш;
- хўжалик шартномалари асосида бажариладиган ишларни молиялаштириш;
- Битирув малакавий иши, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари хўжалик шартномалари доирасида олинган натижаларни амалиётга жорий этиш. Инновацион ҳамкорликни ривожлантиришдан кутиладиган натижалар:

Олий таълим тизими бўйича:

- Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграция мустаҳкамланади;
- Ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари такомиллашади, таълим сифати ошади;
- Профессор-ўқитувчилар стажировкадан ўтади, амалий билим ва кўникмалари янгиланади; Битирув малака ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертациялари соҳа муаммолари ечимига йўналтирилади, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш имкониятлари кенгайди; Битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёнига иш берувчилар жалб этилади.

Ишлаб чиқаришда:

- Реал эҳтиёжга мувофиқ малакали, рақобатбардош кадрлар таъминоти йўлга қўйилади;
- Корхонанинг амалий муаммолари бўйича инвестицион лойиҳалар портфели шакллантирилади; Маҳсулот сифатини ошириш, таннархини камайтириш, корхонанинг рақобатбардошлигини ортишига асос яратилади; Корхоналарни инновацион тараққиёт йўлига ўтишига замин яратилади.

СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА СИНФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТАМОИЛЛАРИ.

Саматов А.А., Ҳамроқулов Ғ.
Тошкент кимё-технология институти

Сутнинг кимёвий таркиби юқори даражадаги оксилларни ўз ичига олади. Глобулин ва албуминин организм учун зарур бўлган барча аминокислоталарни ўз ичига олади. Сутдаги казеин калтсийга боғлиқ ва калтсий сути нордон бўлса, ажралиш содир бўлади ва казеин коагулатсия қилади ва чўкади. Сут сақланганида, ундаги энг кичик ёғ глобуллари юқорига кўтарилиб, мазали ва фойдали шакар қатлами ҳосил қилади. Ушбу маҳсулотнинг қуйи (28-36°C) эритиш ҳарорати, шунингдек юқори дисперсияни сут ёғи деярли тўлиқ ассимиляция қилиш мумкин бўлади. Сутда ферментлар ҳам мавжуд; пероксидаз, амилаз, фосфатаз, каталаз, липаз.

ГОСТ 13277-67га кўра, янги юқори сифатли сут ёқимли таъм ва ҳидга эга бўлиши учун бир оз сарғиш рангдаги оқ рангли, бир хил суюқ маҳсулот бўлиши керак. Сут тўла ва фойдали озиқ-овқат маҳсулотидир. У организмни қуриш учун зарур бўлган ҳаёт учун зарур барча озуқа моддаларини ўз ичига олади. Сутнинг алоҳида компонентларини олиш манбаи бўлиб, ўз навбатида, фармакология ва бошқа соҳалар учун хом ашё сифатида хизмат қилади. Рақамлар бўйича, сут таркибидаги сутнинг, наслга, озуқага, мавсумга, сигирларнинг ёшига, лактация даврига ва маҳсулотни қайта ишлаш технологиясига қараб шундай бўлиши мумкин; сув 87,8%, ёғлар 3,4%, протеинлар 3,5%, сут шакли 4,6% ни, минерал тузлар 0,75% га тенг.

Сутнинг тўлақонли озиқ-овқат маҳсулоти ва хом-ашё сифатида ортиб бораётган аҳамияти унга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Натижада, сут ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб қолди. Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида сут катта улушга эга. Вақт ўтиши билан сут таркибидаги таркибий қисмларнинг сони доимий равишда кенгайган. Бу аниқлаш ва ҳатто сут шу қисмларга англатади, бойитиш усули қўллаш ҳолда, мақсадли илмий-тадқиқот ва имкон таҳлил қилишнинг замонавий усулларини қўллаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда сутнинг 200 дан ортиқ турли қисмлари маълум. Сутнинг озуқавий қиймати унинг кимёвий таркиби билан боғлиқ. Протеинлар сутнинг энг қимматли қисмидир. Улар тахминан 3,3% ни ташкил қилади, шу жумладан касада 2,7%, албумин 0,4%, глобулин 0,12%. Сўнгги йилларда оксиллар сутнинг энг қимматли таркибий қисми бўлиб, барқарор деб ҳисобланмоқда. Сут оксиллари юқори молекуляр бирикмалар бўлиб, улар протеин-ўзига хос пептидли билан бир-бирига боғланган аминокислоталардан иборат. Сут оксиллари икки асосий гуруҳга бўлинади ва таснифланади. Булар казеинлар ва зардобли оксиллар. Сут ёғи таркибидаги бирикмалар 0,3-0,55% ни ташкил қилади. Настерин 0,2-0,4% ни ташкил қилади. Улар, асосан, эркин формада ёки ёғ кислоталари ва эргостерол, ва бошқалар Эстер каби холестерин томонидан тақдим этилади. Сут ёғ оддий липидлар ташқари эмүлсифлештириси салоҳиятини эга фосфолипидлар турли (леситин, сефалинден бошқ), Сифатни ташкил этувчи омиллар экстрүсиядан сўнг амалга ошириладиган сутни қайта ишлаш билан боғлиқ. Филтрланган ва иложи борича ижобий ҳароратларда пастга совутилган. Асосий таркибий қисмларга сув, оксил, ёғ, лактоза ва минераллар киради. Сут витаминлар, ферментлар, гормонлар ва ўз ичига олади. Сутнинг кимёвий таркиби, унинг таркибий қисмларининг тарқалиши даражаси сутнинг кимёвий ва физик хусусиятларини аниқлайди. Сут ва сут маҳсулотлари маҳсулотнинг озуқавий қийматини тўлдирадиган энергия қиймати билан тавсифланади. Демак сут ва сут маҳсулотлари таркиби асосида сертификат бериш зарур. Чуки сут ва сут маҳсулотларини ёғлилик даражасини таркибини, аниқлаш жуда зарурдир. Бизнинг мақсадимиз сут маҳсулотларини таркибини ўрганиб, шулар натижасида кўшимча кодлар киритишдан иборатдир.

ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В ФОРМИРОВАНИИ МОДЕЛИ РАЗВИТИЯ ВИНОГРАДО-ВИНОДЕЛЬЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Сапаев Д.Х., Касымов С.М.

Ташкентский химико-технологический институт

В последние годы в экономической Стратегии действий Республики Узбекистан все большее значение придается проблемам развития отраслей связанных с сельским хозяйством. Фермерским и дехканским хозяйствам предоставляются больше возможностей для самостоятельного контроля собственного развития, тем самым обеспечение доступности основных продуктов питания, на внутреннем рынке соблюдая продовольственную безопасность страны. Достижение поставленных целей способствует принятый Указ Президента от 03.03.2018 УП №3573 «О мерах по коренному совершенствованию винодельческой отрасли и реализации алкогольной продукции», в котором предусматривается реформирование выращивания, переработки и реализации виноградо-винодельческого сектора экономики. Перед субъектами отрасли поставлены стратегические инновационные цели развития отрасли, осуществление которых требует развитие действующей существующей модели производственной цепочки «планирование - выращивание – производство - реализация»

Комплексный прогноз экономического развития Республики Узбекистан подразумевает наличие существенной структурной составляющей. Для достижения максимального уровня согласованности и интерпретируемости расчетов при прогнозировании и планировании экономического развития требуется учитывать равновесное значение динамических и структурных характеристик развития региональной экономики.

Определенные заключения о перспективах развития виноградо-винодельческого сектора региональной экономики и его влияние на экономику республики можно получить только на основе анализа большого количества данных, взятых с предприятий и представителей сельскохозяйственного сектора. В совокупности совместная согласованная деятельность предприятий и представителями агросектора являются объектами исследования имеющихся в экономике связей.

Научно обоснованный прогноз развития виноградо-винодельческого сектора экономики Республики Узбекистан требует исследования региональных особенностей выращивания и переработки винограда, изучение факторов влияющих на развитие отрасли и совершенствование финансовых, инфраструктурных, технологических параметров развития. В каждом регионе отдельно разрабатываемая модель учитывает свои характерные особенности, но различается в прогнозных данных.

В качестве критерия выбора для выращивания эффективных конкурентоспособных селекционных промышленных сортов винограда, примем следующее выражение:

$$K = \frac{\Phi}{C_{\text{в}} + C_{\text{п}}}$$

Где Φ -полученная чистая прибыль

$C_{\text{в}}$ и –издержки связанные с выращиванием ($C_{\text{в}}$)

$C_{\text{п}}$ - издержки связанные с переработкой селекционных промышленных сортов винограда ($C_{\text{п}}$)..

Прогноз на различных интервалах планирования в винодельческой промышленности является основанием для расчета и корректировки выпускаемой продукции.

Анализ моделей развития виноградарства и виноделия Республики Узбекистан показывает, что наиболее эффективным является инновационный сценарий с использованием методов математического программирования, в частности методов линейного программирования.

Постановка эконометрической модели развития региона состоит из ряда последовательных этапов рассмотренных нами выше: целевое назначение и характер функциональных связей, прогнозирования и планирования объемов материальных и трудовых ресурсов, анализ организационной структуры производства, анализ конкретных свойств моделируемого объекта, анализ производственных подразделений объекта в моделировании, построение эконометрической модели, проектирования информационных связей комплекса задач.

Комплексность модели развития отрасли немыслима без использования современных достижений информационных технологий. Создание модели управления с использованием современных возможностей коммуникаций возможно при применении ERP системы (англ. Enterprise Resource Planning, планирование ресурсов предприятия).

Специфика развития виноградовинодельческой промышленности региона обусловлена своими социально-экономическими и природно-климатическими особенностями. Рассмотрение качественных конкурентных сортов винограда, использование систем управления на основе новейших информационных технологий и решение поставленных целей на этой базе гарантирует налаживание производства качественных вин широкого ассортимента удовлетворяющий рыночный спрос. Систематизация использования информационных моделей должна подразделяться на региональный уровень и государственный уровень.

Решение задачи выбора наиболее конкурентных сортов винограда позволяет достичь максимальной суммарной прибыли при производстве винопродукции с заданными качественными и вкусовыми качествами.

В виноградо-винодельческом комплексе более эффективное расходование имеющихся ресурсов находит своё выражение в производстве большего количества высококачественной, конкурентоспособной продукции при использовании участниками относительно одинакового количества ресурсов. Поэтому, одним из важнейших источников увеличения эффективности производства является обеспечение высокого качества селекционным сортам винограда.

В целом разрабатываемая автоматизированная система планирования, основанная на применении комплекса моделей планирования выпуска винодельческой продукции, является развитием ныне функционирующей системы. Она отвечает современным требованиям теории и практики управления с использованием современных информационных технологий. Методика и комплексы моделей могут служить основой при разработке и формировании автоматизированного производства на каждой стадии производственной цепи «планирование - выращивание – производство - реализация».

Современная благоприятная ситуация в виноградо-винодельческой отрасли сложилась в основном благодаря своевременно проводимым экономическим преобразованиям инициированным правительством Республики Узбекистан. На наш взгляд было бы перспективней, если бы региональными управленческими структурами использовалось планирование и прогнозирование регионального характера на каждом этапе цепочки производственного процесса. Это помогло бы принимать более эффективные управленческие решения, направленные на развитие виноградо-винодельческой отрасли.

В процессах отраслевого развития важную роль играют механизмы государственного регулирования развития отрасли и рынка. Этому свидетельствуют положительные результаты, полученные вследствие проведения в нашей стране экономических реформ направленных на поддержание развития отраслей экономики страны.

Литература

1. Широв А.А., Янговский А.А. Межотраслевая макроэкономическая модель как ядро комплексных прогнозных расчетов Журнал Экономист 2008. №3, 12с.

INNOVATSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH USULLARI

Seytmetova F.T., Kadirov U.R.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Innovatsiya (inglizcha innovation) - yangilik kiritish, yangilikdir. A.I.Prigojin innovatsiya deganda muayyan ijtimoiy birlikka - tashkilot, aholi, jamiyat, guruhga yangi, nisbatan turg'un unsurlarni kiritib boruvchi maqsadga muvofiq o'zgarishlarni tushunadi. Bu innovator faoliyatidir.

Rivojlanishning innovatsion yo'lini tanlagan davlatlarda innovatorlar qatlamining shakllanishi venchur moliyalash asosida amalga oshiriladi: faqatgina u ommaviy masshtablar tavakkalchilikning qayta taqsimlanishida yuz beradi. Bizning mamlakatda bugungi kunda baxtga qarshi innovatsion faoliyat motivatsiyasi uchun huquqiy iqtisodiy va tashkiliy baza to'liq mavjud emas. Shuning uchun ushbu bobda innovatsion faoliyat motivatsiyasi haqida emas, balki innovatsion faoliyat motivatsiyasining muammolari haqida so'z yuritamiz. O'zbekiston iqtisodiyotining oldida juda muhim strategik masallardan biri turibdi. Bu masala texnologik krizisdan chiqish va ishlab chiqarishning past industrial texnologik usulining shakllanishining tugunli yo'nailishlarida uzilishlar paydo qilish. Bunday yo'nalishlar orasida kosmos, aviatsiya, biotexnologiya, elektronika va informatika sohalaridagi tovarlar va texnologiyalarni belgilash mumkin. O'zbekiston spetsifikasini hisobga olgan holda yuqorida aytib o'tilgan yuqori texnologiyaning tarmoqlarini rivojlanish yo'nalishlarini stimuloirovkasidan tashqari iste'molchilar kompleksi tarmoqlarining kordinal texnik qayta yaxshilanishi lozim, eng avvalo, ishlab chiqaruvchilarni. Bu O'zbekiston bozorini import ekspansiyasidan ko'ra arzonroq va sifatsiz roq tovarlarning importidan chegaralash, ishlab chiqaruvchilarni qo'llabquvvatlash

uchun lozim. Innovatsion tadbirkorlarning ilmiy-texnika faoliyatlarini qo'llab-quvvatlash sohasida mamlakatning maxsus siyosatini ishlab chiqish va qo'llash lozim. Mamlakat informatsion sistemasini qo'llab-quvvatlash potentli fondlarni yaratish loyihalarini sug'urtalash, qo'llab-quvvatlash metodlari va shakllarini qo'llash evaziga innovatsion sferaga kapital qo'yilmasini stimuloirovka qilish kerak.

Davlat siyosatining strategik maqsadi bo'lib, XXI asrda O'zbekistonning mustahkam iqtisodiy rivojlanishini ta'minlaydigan ishlab chiqarishning past industrial texnologik usuli strukturasi shakllantirish, bazaviy innovatsiyaning kirib kelishini amalga oshirish hisoblanadi. Texnologik bog'lanishning muhim bosh instrumentlaridan bo'lib investitsiyalarning innovatsiyalarga, innovatsion tadbirkorlikka burilishi hisoblanadi. Mamlakat quyidagi kuch va vositalarni shu yo'lda sarflashi lozim.

Mamlakat siyosati innovatsion tadbirkorlik aktivizatsiyasining samarali shakllardan foydalanishni oldindan belgilashi va ayniqsa, moliyaviy sanoat guruhlarining va xoldinglarning funkcionirovka mexanizimi innovatsion faoliyat bilan shug'ullanuvchi yirik strukturalarni qo'llab-quvvatlashi bilan birga kichik innovatsion tadbirkorlikning ham shakllantirishi lozim. Bugungi kunda 90% ga yaqin innovatsion faoliyat subyektlari davlatga qarashli bo'lmagan sektorga tegishli. Shunisi tushunarliki, mamlakat o'z zimmasiga innovatsion faoliyatni innovatsion ta'minlanishini ololmaydi. Biroq mamlakat davlatga qarashli bo'lmagan investitsion korporatsiya, banklar investitsion resurslarni mobilizatsiya qilish va ularni mamlakat uchun ahamiyatliroq realizatsiyasiga yo'naltirishi mumkin va kerak. 80-yillarga kelib, AQSH va boshqa G'arbiy davlatlarda kichik biznes innovatsion mexanizimning eng muhim komponenti, uzoq muddatga iqtisodiyotning gullab yashnashiga olib keluvchi investitsiya obyekti, deb tan olindi.

Innovatsion faoliyatining rivojlanishi uchun quyidagi jihatlarni belgilash lozim:

– intellektual shaxsiylikni huquqiy qo'riqlash sistemasini yaratish O'zbekistonda tugallanmagan;

– mamlakatning «Tovar belgisi va patentlar» bo'yicha O'zbekiston agentligining yuqori patentli to'lovini shakllantirishi to'g'risidagi qonuniga ko'ra sud tartibida tortishuv savollarining yechilishiga O'zbekiston fuqarolarining konstitutsion huquqini amalga oshirilishini ta'minlash;

– mamlakatning federal budget vositalaridan yaratilgan intellektual shaxsiylik obyektlari va ular bilan bog‘liq texnologiyalarga bo‘lgan aniqlik yo‘qligidan sanoat innovatsiyasining rivojlanishi oqsamoqda;

–haligacha biznesda kashfiyotchilik bazasida oldi texnologiyalaridan foydalanish stimuloirvaniyasining tashkiliy-huquqiy mexanizimi yaratilmagan, shuningdek, kichik tadbirkorlik sohasida ham O‘zbekiston fuqarolarining intellektual shaxsiylik sohasida yaratuvchanligining rivojlanishini va kashfiyotchiligini rag‘batlantirish siyosatining sustligi.

Respublikada davlat boshqaruvi vakolatlarini cheklash va vazifalarni nomarkazlashtirish bir necha yo‘nalishlar bo‘yicha amalga oshirilmoqda:

– bir paytning o‘zida tarmoq boshqaruvidan funksional boshqaruvga o‘tishni nazarda tutuvchi gorizontol nomarkazlashtirish:

– davlat va xo‘jalik boshqaruvi vazifalarining bo‘linishi, bosqichmabosqich tarzda tegishli xo‘jalik birlashmalarini nazorat ishlaridan ozod qilinishi;

– vertikal tarmoq dekonsenratsiyasi. Bu jarayon respublika organlari vazifalarining bir qismini quyi tuzilmalariga, jumladan, xususiy sektorga berish orqali amalga oshiriladi;

– resurslarning markazlashtirilgan taqsimotini butunlay tugatish, mavjud taqsimlash tizimini bekor qilmasdan davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlarining korxonalar faoliyatiga aralashuvini nomarkazlashtirib va qisqartirib bo‘lmaydi;

– vazifalarning bir qismini respublika markazidan joylardagi davlat boshqaruvi organlariga o‘tkazish. Hozirda mintaqalar mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy hayotida tobora faol subyekti bo‘lib bormoqda;

– davlat hokimiyati vazifalarini fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlariga berish.

Innovatsion faoliyatni rivojlantirishga ko‘maklashuvchi omillar

Omillar guruhi	Omillar
Iqtisodiy, texnologik	Moliyaviy, moddiy-texnika vositalari zaxirasi, ilg‘or texnologiyalar; zarur xo‘jalik va ilmiy-texnik infratuzilma, innovatsion faoliyatni moliyalashtiruvchi davlat dasturi; innovatsion faoliyat uchun moddiy rag‘batlantirish; innovatsiyalarni tatbiq etish va ko‘paytishning maqsadga muvofiqligini eksperimental tekshiruv, tadbirkorlik tavakkalchiligini kamaytirish uchun yangilikning raqobatbardoshligini tekshirish
Siyosiy, huquqiy	Innovatsion faoliyatni rag‘batlantiruvchi qonunchilik choralari, innovatsion faoliyatning davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi
Boshqaruv-tashkilot	Tashkiliy tarkiblarning egiluvchanligi, boshqaruvning demokratik uslubi, axborotning gorizontol yo‘nalishi, ustuvorligi, o‘z-o‘zini rejalashtirish, tuzatishlar kiritish, nomarkazlashtirish, avtonomiya, muammoli, maqsadli guruhlarni shakllantirish
Ijtimoiy-psixologik va madaniy	Ma‘naviy rag‘batlantirish, jamoatchilikda o‘zini namoyon etish imkoniyatini ta‘minlash, ijodiy mehnat erkinligi, mehnat jamoasida me‘yoriy ruhiy muhit

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida innovatsiya subyektlari faoliyatini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Innovatsiya jarayonlarini boshqarish bo‘yicha rivojlangan mamlakatlar tajribasidan foydalanish, xorij texnologiyasini keltirish, raqobatbardoshlik yo‘nalishlarini aniqlash va boshqa masalalar hozirgi davrning maqsadli muammolaridir.

Adabiyotlar

1. R. I. Gimush, F. M. Matmurodov. Innovatsion menejment. Toshkent, TKTI, -2008

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Турдалиева Ш.И.

Тошкент кимё-технология институти

Жамият тараққиётининг охириги ўн йилликларида содир бўлаётган жараёнлар, ривожланиш суръати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан илмий-техника ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёни технология ва бошқа инновацион фаолият маҳсулотларига олиб келувчи фундаментал илмий ғояларнинг узлуксиз оқими билан озиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» доирасида "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши ҳам худди шу омилнинг жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Кундалик фаолиятимиз ва амалиётда янгиликлар, новация, янгиликларни киритиш, инновация каби тушунчалардан тобора кенгроқ қўлланилаётганлигимиз кўзга яққол ташланмоқда. Шундай экан инновацион фаолиятни янада тиникроқ тушуниш учун мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига ҳам эътиборимизни қаратиш жоиз. "Янгиликларни киритиш" тушунчаси инглизча innovation сўзининг таржима вариантдир. Инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда "новацияларни киритиш" оддий қилиб айтганда, "янгиликларни киритиш" маъносини англатади. Янгиликлар деганда эса янги тартиб, янги одат, янги кашфиёт, янги технология ёки қандайдир янги ҳодиса кўзда тутилади. "Янгиликларни киритиш" тушунчаси эса ушбу янгиликлардан ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳаларида фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, инновацион фаолият деганда янгиликлар қабул қилинган пайтдан бошлаб амалиётга кенг жорий этилиши ва бунинг оқибатида жамиятнинг янгиланишида кўзланган сифат даражасининг қўлга киритилишидан иборат жараёнлар дейилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Инновация фан, маданият, таълим ҳамда жамиятнинг бошқа фаолият соҳаларидаги барча муносабатларни, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларидан фойдаланиш оқибатида вужудга келади. Бинобарин, инновациялар – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланишга асосланган ҳолда техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардан иборат экан, мазкур маънода инновацион фаолият жамият ҳаётини ташкил қилиш ва бошқаришда унинг ривожини ва раванқини таъминловчи муҳим омил сифатида қаралиши лозим.

Худди шу боис дунёнинг барча мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, янги замонавий технологияларни кенгроқ жорий қилиш ва инновацияларни молиялаш хўжалик субъектларининг хусусий давлат бюджети ҳамда халқаро кредит линияларининг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига жорий қилишга ҳаракат қилинаётганлиги юртимиз тараққиётини янада жадаллаштириш негизида мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардир.

Ҳар қандай инновацион фаолият умумлаштирилганда, биринчи навбатда, бозорда сотиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулот, иккинчидан эса, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён кўринишларида содир бўлишини

англаш қийин эмас. Унга хос бўлган тавсифловчи хусусиятлар сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

-натижаси инновациялар бўлган фан-техника тараққиёти босқичлари ва инновацияларни қўллаш соҳалари;

-инновацияларни амалга ошириш суръатлари;

-инновацияларнинг қўлами;

-инновацияларнинг амалиётдаги натижавийлиги ва самарадорлиги.

Инновацияларни уларнинг қўлланиш соҳасидан келиб чиқибтабақалаштирганда назарий жиҳатдан ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

– техник, янги ёки такомиллашган хоссаларга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

– ташкилий-бошқарув, энг аввало, ишлаб чиқаришни, транспорт, сотиш ва таъминотни ташкил қилиш жараёнлари билан боғлиқлиги;

– ахборот, илмий-техник ва инновацион фаолият соҳасидаги рационал ахборот оқимларини ташкил қилиш, ахборот олишнинг тезкорлиги ва ишончлилигини ошириш вазифасини ҳал қилишга йўналтирилганлиги;

– ижтимоий, меҳнат шароитларини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муаммоларини ҳал қилишга қаратилганлиги.

Функционал мақсади ва вазифалари нуқтаи назаридан эса замонавий инновацион фаолият янгиликларнинг учта асосий гуруҳидан иборат:

1) маҳсулотли янгиликлар, ишлаб чиқариш ёки муомала соҳасида истеъмол қилинадиган, сифат жиҳатдан янги маҳсулотларни ўз ичига олади;

2) технологик янгиликлар, эски ёки янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишнинг тубдан янги усуллари ёки технологияларини ўз таркибида мужассамлаштиради;

3) бошқарув янгиликлари, бунда бошқарув аппарати томонидан корхоналар фаолиятини такомиллаштириш жараёнида қўлланиладиган сифат жиҳатдан янги ишлаш усуллари тушунилади.

Ўз моҳиятига кўра инновацион жараён илмий билимларнинг инновацияга айланиши жараёни бўлиб, уни инновацион ғоялардан аниқ маҳсулот, технология ёки хизматларга қадар ўзгартириш ва амалда фойдаланишда тарқаладиган фаолият кетма-кетлиги сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ҳар қандай инновацияни уни олиб борадиган инновацион жараённинг хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганиш лозимлигидан келиб чиқилса, илмий-техник янгилиги, ишлаб чиқаришга қўлланувчанлиги, тижорий амалга оширилувчанлиги каби хоссалари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хоссалардан биронтасининг мавжуд эмаслиги инновацион фаолиятнинг пировард натижаларида салбий акс этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг қамровли ислохотлар авж олдирилаётган бир даврда махсус Давлат дастури асосида инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларида давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш каби тадбирлар мамлакатимизда тобора эътибор кучайтирилаётган инновацион фаолиятни авж олдиришнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

O'ZBEKISTONDA INFLATSIYAGA QARSHI AMALGA OSHIRILAYOTGAN CHORA TADBIRLAR SAMARASI

Umarov H.F., Qodirov U.R.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Inflatsiya qisqacha ma'nosi muomilaga chiqarilgan pul mablag'ini oshib ketishi natijasida tovarlar narxlarining ko'tarilib ketishini tushunishimiz mumkin. Hozirgi vaqtda mamlakatimizda inflatsiyaga qarshi chora ta'dbirlar o'tkazilyapti. Lekin shuni ta'kidlashim lozimki, hozirgi davrda inflyatsiyani butunlay yo'qotish mumkin emas, chunki unga ta'sir etuvchi xamda uni keltirib chiqaruvchi omillarini bartaraf etish mumkin emas. Quyidagi hollar bilan inflatsiyani qisqacha pasaytirish imkonini yaratish mumkin

- 1) vaqtincha narx-navolarni o'sishi xamda ishchi va xizmatchilarning ish xaqklarini o'sishi to'xtatiladi
- 2) soliqlarning pasaytirish orqali tadbirkorlikni rivojlanishi jadalashtiriladi xamda axolining banklarga qo'yadigan jamarmalarini oshirishga imkoniyat yaratiladi
- 3) defelatsiya ya'ni mablag'larni bir qismini muomaladan chiqarish yo'li bilan talabni qisqartirish
- 4) denominatsiya – pul birliklari masshtabini qisqartirish qisqacha aytganda nollarni olib tashlash

Shuni ham aytish mumkinki hozirda O'zbekistonda inflatsiya darajasi yuqori. Shu sababli mamlakatda tovarlar narxi kotarilishi, yangi pul kuponlari muomalaga chiqarilayotganligi, soliqlarning ko'tarilishi ko'zatilmoqda

«O'zbekistonda 2018-yildagi iqtisodiy o'sishning nazarda tutilgan sur'atlari doirasida inflyatsiya prognozi va pulga bo'lgan talabni hisobga olgan holda, shu yilda pul massasining 12-15 foizga ko'payishi kutilmoqda. Joriy yilning mart oyida O'zbekistonda inflyatsiya darajasi 1,1 foizni tashkil etdi.» . Bu haqda Davlat statistika qo'mitasining iste'mol sektoridagi inflyatsiya darajasi haqidagi hisobotida aytili.

Aytilishicha, «Oziq-ovqat mahsulotlari oy davomida o'rtacha 1,3 foizga qimmatlashgan, bu, o'z navbatida, iste'mol narxlari indeksining (INIning) umumiy o'sishiga 0,6 foiz darajada ta'sir ko'rsatgan. Suyaksiz (lahm) mol go'shti hisobot davrida 2,9 foiz, baliq 2,6 foiz, qiyma go'sht 2,0 foiz, mol go'shti (suyaksiz (lahm) go'shtdan tashqari) — 0,9 foiz hamda qo'y go'shti narxlari o'rtacha 0,6 foizga oshdi. Tovuq go'shti va tovuq son go'shti, shuningdek, boshqa parranda go'shti narxi esa aksincha mos ravishda 0,7 foiz va 1,5 foizga arzonlagan. Sut mahsulotlari narxi o'rtacha 1,7 foizga qimmatlashib, bu esa qaymoq — 3,0 foiz, suzma — 2,6 foiz, qatiq va chuchuk qatiq — 1,6 foiz hamda sutning narxi — 1,5 foizga oshganligi natijasida sodir bo'ldi. Oziq-ovqat guruhi tarkibidagi guruch, o'simlik yog'i, shakar va tuxum kabi mahsulotlar narxining arzonlashganligi natijasida iste'mol tovarlari guruhidagi ijobiy vaziyat, ya'ni indeksning pasayish holati kuzatildi. Nooziq-ovqat mahsulotlari o'tgan oyga nisbatan 1,1 foizga o'sdi, bu esa INIning umumiy o'sishiga 0,4 foiz darajada ta'sir ko'rsatdi. Shuningdek, aholi uchun xizmatlar oyda o'rtacha 0,5 foizga ko'tarildi. Bu esa INI umumiy o'sishiga 0,1 foiz darajada ta'sir o'tkazdi.»⁷

Inflatsiyaga qarshi antiinflatsion chora ta'dbirlar Markaziy Bank tomonidan amalga oshirilib kelmoqda. Bunga misol qilib birlamchi ehtiyojga bo'lgan tovarlarning narxlari tartibga solinib turibdi. Markaziy bank shuningdek, valyuta siyosatini amalga oshirishda valyuta kursini valyuta birjasida Markaziy bankning minimal ishtiroki orqali bozor mexanizmlari asosida shakllantirishga asosiy e'tibor qaratyapti.

Inflyatsiya har bir davlat iqtisodiyotida ma'lum ahamiyat kasb etadi. Davlatning iqtisodiyotda olib borayotgan to'g'ri siyosati ya'ni soliq, pul, moliya, siyosatlari qo'yinki iqtisodiyotdagi harakatlari antiinflyatsion choralar inflyatsiya ko'rsatkichlarini bir maromda ushlab turadi. Bu esa har bir davlatning iqtisodiyoti rivojlanishida katta ahamiyat kasb etadi. Shunday qilib, hozirgi iqtisodiyotda ya'ni O'zbekistonimizda antiinflyatsion chora tadbirlar o'z samarasini bermoqda desam mubolag'a bo'lm

ОЗИҚ - ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

Хакимова Ш. –Саматов А.А.
Тошкент кимё-технология институти

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 11 фоизи овқатланиш ва очлик чегарасида яшайди. Сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда. Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва еhtiёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда. Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия етилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.

Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият билан, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакаротин сифати, озиқ-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал озиқ-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини бугун дунё – ҳамжамияти яққол эътироф этмоқда.

Услуглар ва материаллар. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу мавсум янги кўкатлар табиий шароитда етиладиган март ойининг дастлабки кунларидан бошланиб, бутун йил мобайнида, бозорларга узум, қовун, хурмо ва беҳининг кечки навлари етказиб бериладиган декабр ойининг бошига қадар давом этади. Бу эса Ўзбекистонни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан деярли йил давомида барқарор таъминлайдиган ишончли базага ега бўлган мамлакатга айлантирмоқда. Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, аминокислоталар, витаминлар, саломатлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради. Ўзбекистонда етиштириладиган мева ва сабзавотларнинг фақат уларга хос бўлган хусусиятлари ва тўйимлилиқ даражаси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз екинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар. Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди. **Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар 2016 йилда 2015 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоизга, картошка– 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлади.** Авваллари биз аҳолимизни боқиш учун 5 миллион тонна буғдойни

четдан сотиб олишга мажбур эдик. Эндиликда эса биз ғалла мустақиллигига эришибгина қолмасдан, жуда сифатли буғдойни қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлмоқдамиз. Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир. Шунингдек АҚШнинг нуфузли The Economist Intelligence Unit таҳлил агентлиги томонидан тадқиқот натижаларига кўра, “Ўзбекистонда озиқ – овқат маҳсулотлари шунчалик кўпки, ҳар бир фуқорамиз кунига 39 килокалориядан истеъмол қилиши мумкин” - деган фикрни билдирган. Ҳозирги вақтда биз умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганлиги, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ер ости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг этарли емаслиги ҳақида бормоқда. Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам қўшилмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун екин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш қуйидаги муҳим вазифаларни давлат томонидан амалга оширишни тақозо этиши зарур бўлади: - барқарор иқтисодий шароитни яратиш; - самарали аграр сиёсатни олиб бориш; - барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг имкониятларни яратиш; - аҳоли бандлиги соҳасида самарали сиёсатни олиб бориш; - озиқ-овқатга эга бўлишда тенгсизлик ва қашшоқликни бартараф этишга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни олиб бориш; - озиқ-овқат маҳсулотларини турли-туман, барқарор ва интенсив ишлаб чиқаришга эришиш, унинг самарадорлигини ошириш; - хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашиш; - ҳудудларни хом - ашё ва озиқ-овқат маҳсулоти билан ўзини таъминлаш ва халқаро меҳнат тақсимооти афзалликлардан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришнитакомиллаштириш; - фаол ташқи иқтисодий сиёсатни олиб бориш, экспорт-импорт фаолиятини оптималлаштириш; - аграр секторни инвестициялаш. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларини олишидаги тегишли таҳликаларга сабаб бўлувчи таҳдидларнинг таъсири билан ҳам боғлаш зарур. Шундай қилиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга кўпгина омил ва таҳликалар таъсир кўрсатадики, мамлакат, вилоят, ҳар бир киши ва умуман жаҳон ҳамжамиятининг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш ички ва ташқи таҳдидларни пасайтириш муҳим аҳамиятга эга.

INNOVATSIYA – KELAJAK POYDEVORI

Hamrayeva Z., Hamrayeva H.
QaRMII

Innovatsiya... Bir necha yillar avval biz uchun yangilik bo'lgan bu so'z, hozirgi kunga kelib hayotimizning bir bo'lagiga aylandi.

Tarixga nazar tashlasak, “innovatsiya” atamasi lotincha so'z bo'lib, “novatio” - “yangilanish” (yoki “o'zgarish”), “in” – “yo'nalishida” deb tarjima qilinadi, agar buni yaxlit “Innovatio” ko'rinishida tarjima qilsak – “o'zgarishlar yo'nalishida” deb izohlanadi. Asli innovation tushunchasi birinchi marotaba XIX asrda paydo bo'lgan bo'lsada, bir asr o'tib, avstriyalik va amerikalik iqtisodchi Shumpeter tomonidan iqtisodda bu so'z ilmiy termin sifatida qo'llanildi. Ayrim adabiyotlarda, “innovatsiya – foydalanish uchun kiritilgan yangi yoki sezilarli darajada yaxshilangan mahsulot (tovar, xizmat) yoki jarayon, sotuvlarning yangicha uslubi yoki ish amaliyotidagi, ish o'rinlarini tashkil etishdagi yangi aloqalarni o'rnatishdagi yangi tashkiliy uslub”, sifatida izohlanadi.

Innovatsiyaga har qanday turdagi yangilik sifatida emas, balki mavjud tizimning samaradorligini sezilarli ravishda oshiradigan omil sifatida qarashimiz lozim. Innovatsiya bu kashfiyot emas, balki yangicha bilimlar va g'oyalarni mablag'larga aylantirish, innovatsiya bu ixtiro emas, balki ixtironing amaliy ahamiyatini ajratib ko'rsatish va uni muvaffaqiyatli sotiladigan mahsulotga aylantirishdir. Innovatsion jarayonning mohiyati shunda namoyon bo'ladi, u yangicha qarashlar tashabbusi bilan chiqish, yangidan yangi mahsulot va operatsiyalar ishlabchiqish hamda ularni bozorda sotish bo'yicha maqsadli yo'naltirilgan harakatlar zanjirini ifodalaydi.

Shu o'rinda Ozbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “**Zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi g'oyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi. Zero, innovatsiya – bu kelajak deganidir**”¹, deya bildirgan fikrlari mamlakatimizda innovatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlashga turtki bo'la oldi. Innovatsion faoliyat – yakunlangan ilmiy tadqiqot va loyihalar natijalari yoki boshqa ilmiy-texnik va fan yutuqlarini yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot yoki texnologik jarayon, shuningdek, shu bilan bog'liq qo'shimcha ilmiy tadqiqot- loyihalarini joriy qilishga yo'naltirilgan faoliyatdir. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida milliy iqtisodiyotning innovatsion salohiyatini rivojlantirish ikki jihatga bog'liq, birinchisi, innovatsion faoliyatni tartibga soluvchi huquqiy mexanizm bo'lsa, ikkinchisi, innovatsion loyihalar, g'oyalar va ixtirolarni moliyalash tizimidir. Bularning har ikkalasi birgalikda innovatsion jarayonlarning **institutsional asoslarini** tashkil etadi.

Jahon iqtisodiyotining globallashuvi ishlab chiqarishni muntazam yangilab, modernizatsiya qilib borish zaruratini kun tartibiga yanada o'tkir qilib qo'yayotganligi bois ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalari bor kuch-imkoniyati va resurslaridan samarali foydalanishga e'tibor qaratmoqda. Buning uchun iqtisodiyotning muhim tarmoqlarini yanada rivojlantirish, yangi o'zak tarmoqlarni barpo etish, tarkibiy o'zgarishlar, samarali va erkin iqtisodiyotni shakllantirish zarur. Shu bilan birga, milliy iqtisodiyotni raqobatdoshligini oshirish uchun innovatsion mahsulotlar hisobiga korxonalar va tarmoqlar faoliyat sohasini kengaytirish maqsadga muvofiq.

Ammo har bir sohada bo'lgani kabi, innovatsion faoliyatni rivojlantiruvchi va unga to'sqinlik qiluvchi omillar mavjud. (1-rasm) Ammo, sanoat korxonalarining raqobat muhitiga moslashuvchan jihatlarni kengroq o'rganish, har tomonlama rivojlanayotgan bozor munosabatlari talablariga mos holda ishlab chiqarishni tashkil etish va samarali boshqarish to'siq bo'luvchi omillarni bartaraf etishga xizmat qiladi. Tarkibiy o'zgarishlar va iqtisodiyotni liberallashtirish sharoitida faoliyat ko'rsatayotgan sanoat korxonalarini milliy iqtisodiyotimizning bir bo'g'ini sifatida respublika iqtisodiyotiga, xalqimizning farovon turmush kechirishiga katta hissa qo'shib kelmoqda.

Mamlakatimizda innovatsion faoliyatga bo'lgan talab tobora ortib borayotganligini 2018-yilning “Faol tadbirkorlik – innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab – quvvatlash yili”

deb nom olganida ko'rishimiz mumkin. Bu boradagi amaliy ishlardan biri sifatida "2016-yil davlat ilmiy texnika dasturlarini amalga oshirish uchun budjetdan ajratilgan mablag' hajmi 172.3 mlrd so'm, ishlab chiqarish korxonalarining innovatsion faoliyatga yo'naltirgan mablag'lari esa 300 mlrd so'mdan ziyodni tashkil etgan"² ligi yaqqol misol bo'la oladi.

Shuni ham ta'kidlab o'tish joizki, har bir xo'jalik yurituvchi subyektning innovatsiya asosida rivojlanishi uning ishlab chiqarish - tijorat faoliyatida ijobiy miqdoriy ko'rsatkichlar tufayli iqtisodiy o'sishga erishishini ta'minlaydi.

Xulosa o'rinda shuni aytish kerakki, innovatsiya – bu istiqbolli kelajakka qo'yilgan mustahkam ko'prikdir. Holbuki, innovatsiyalarning shiddat bilan kirib kelishi qator tashkiliy ishlarni amalga oshirishni hamda mavjud muammolarni bartaraf etish lozimligini taqozo etadi.

Omillar	Innovatsion faoliyatni rivojlantiruvchi omillar	Innovatsion faoliyatga to'sqinlik qiluvchi omillar
Siyosiy	Davlatning monopoliyaga qarshi siyosati, erkin iqtisodiyotni shakllanishi, milliy innovatsion tizimni rivojlanishi	Tadbirkorlik faoliyatidagi byurokratik to'siqlar, xususiy mulkchilikni davlat tomonidan kafolatlanish tizimini to'la shakllanmaganligi, siyosiy beqarorlik
Huquqiy	Intellectual mulk obyektlarini himoya qilish tizimi, mualliflik huquqlarini himoya qilinganlik darajasi	Patent va litsenziya berish to'g'risidagi qonunchilik hujjatlaridagi kamchiliklar
Iqtisodiy	Innovatsion mahsulot ishlab chiqaruvchi va xizmat ko'rsatuvchi xo'jalik subyektlarni rag'batlantirish	Innovatsion bozorlarda raqobatning keskinlashuvi, innovatsion faoliyatni amalga oshirishda iqtisodiy tavakkalchilik va xavfning yuqoriligi
Texnologik	Zamonaviy innovatsion texnologiyalarni qo'llash bo'yicha ilmiy-texnik yutuqlarga erishish, yuqori texnologiyani joriy qilish	Moddiy, ilmiy-texnik va zamonaviy laboratoriya jihozlarini yetishmasligi, korxonalarining asosiy vositalarini ma'naviy eskirganligi
Moliyaviy	Fundamental, amaliy tadqiqotlar, ishlanmalar yoki eksperimental ishlarni moliyalashtirish tizimining samarasi	Yirik investitsion loyihalarni amalga oshirilishining kechikishi, innovatsion infratuzilmani shakllantirish jarayonini sustligi
Ijtimoiy	Ta'lim muassasasi moddiy-texnikaviy bazasini mustahkamlash, ishlab chiqarish talablari va jamiyatning rivojlanish darajasiga javob beruvchi, sifatli kadrlarni tayyorlash	Jamiyatda ilg'or g'oyalarni shakllantirish hamda fan va texnikaning rivojlanishini zamon talablariga uyg'unlashtiradigan vositalar hamda globalizatsiya jarayonlariga moslashtirishdagi muammolar

1-rasm

ИННОВАЦИЯ - КИМЁ ТАРИХИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРУВЧИ ОМИЛ.

Холмирзаева З.Й.

Наманган Давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ

Замонавий таълим тизими янги стандартлар ва дастурлар доирасидаги таълим жараёнини эскирган услубда олиб боришга йўл қўймайди. Шу сабабли ҳам ҳозирги педагогик инновация яхлит мураккаб динамик жараён сифатида қаралиб, унинг интерфаол сифатлари, тарбиявий қисмлари, ва узвийлиги тадқиқ қилинмоқда. Бу Республикамизда замонавий ишлаб-чиқаришларнинг рақобатини кучайиши, малакали мутахассисларга бўлган талабнинг ортиши таълим тизимида ўқувчиларни муайян касб-ҳунарга оид чуқур билим бериш кўникма ва малакаларни тарбиялашда намоён бўлмоқда.

Таълим масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, компьютер техникалари, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланмоқда. Шу сабабдан ҳам таълим мазмуни тубдан янгиланиб бормоқда. Бугунги кундаги такомиллаштирилган дарслар, модернизация қилинган ўқув дастурлари таълим жараёнида фойдаланмоқда. Бу эса, табиийки кимё тарихини ўқитувчилари зиммасига катта маъсулият юклайди. Жумладан, дарсларга ижодий ёндошган ҳолда таҳлил қилиш устида бош қотиришлари лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, билим олувчиларнинг ижодий мустақиллигини ривожлантириш ва уларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муҳим вазифалардан саналади.

Қолаверса, бугунги кунда таълим шароитида билим олувчилар ўз инновацион фаолиятини ташкиллашда қандай йўллардан фойдаланишлари мумкин?-деган савол туғилиши табиий.

Бунда қуйидагиларни ёдда тутиш мумкин:

- дунёда ҳар 5-6 йилда билимлар ҳажми икки маротаба кўпаяди, шу боис, ҳар 5-6 йилда таълимнинг (шу жумладан кимё тарихини) давлат таълим стандартлари янгиланади;
- янгиланган давлат таълим стандартлари асосида янгиланган намунавий дастурлар тузилади;
- янгиланган намунавий дастурлар асосида янги дарсликлар ва қўлланмалар ёзилади;
- ўқитувчилар янгиланган ишчи дастурлар тузадилар. Ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, бундай вазият вужудга келишининг асосий сабабларидан бири- билим олувчилар орасида инновация ва инновацион технологияларнинг етарли даражада кенг оммалашмагани ҳамда амалиётда кам қўлланилаётганидир. Бундай ҳолатни таълим муассасаларида ташкил этилаётган очиқ маърузаларда ҳам кузатиш мумкин.

Инновацион фаолият жуда кенг тушунча бўлиб, унинг ўзига хос таркибий қисмлари мавжуд:

- ижодий ёндошув;
- янгиланган давлат таълим стандартлари;
- янгиланган намунавий дастурлар асосланган ва дарсликларда ҳамда қўлланмаларда ёритилган мазмун, билим ва малакалар.

Инновацион методларнинг самарали турлари ҳисобланган интерфаол усуллар ёрдамида дарсларни ташкиллаштириш ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти сифатини яхшилашда, ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларини инновацион тартибда ўтказиш учун юқорида кўрсатилан таркибий қисмларни нафақат билиши, балки уларни тадқиқ этишга амалий ва психологик жиҳатдан тайёр бўлиши лозим. Буни амалда қўллаш учун барча ўқитувчилар анъанавий таълим усуллари билан бир вақтда ноанъанавий, интерфаол усулларни яхши эгашлари лозим.

Дарсларда анъанавий усуллар билан бирга интерфаол усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Бироқ бунда ўқитувчи қуйидаги омилларни ҳисобга олини керак:

- дарснинг мақсад ва вазифаларини, янги мавзуни тушунтириш, мустаҳкамлаш ва умумлаштиришни ҳисобга олиш;
- ўқув хонасининг имкониятларини тайёрлашни билиш;
- интерфаол усуллардан қандай фойдаланишни билиш;

-интерфаол усуллардан фойдаланишни билиш ўқитувчига дарсни тўлиқ ташкиллаштиришга ҳамда ўқувчининг мавзуни ўзлаштиришга ёрдам беради ва дарсларнинг мазмунли, қизиқарли бўлишига имконият яратади.

Интерфаол усуллардан **“Кейс-стади”** методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характериға эға бўлади, бирор бир жараёни тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари топшириғини тузишда қуйидаги маълумотлардан фойдаланиша мақсадга мувофиқ бўлади;

- **Абу Мансур Муваффақ ал-Ҳаравий** (X аср) . Унинг фармакологияга доир тожик тилида ёзган китоби энг қадимий асар сифатида бизгача етиб келган. У 585 та ҳар хил дорилар тўғрисида маълумот келтиради.

-**Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий** X асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва машҳур «Фанлар қалити» («Мифтоҳил ал-Улум») асарининг муаллифидир. Бу асарда алкимёга алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда ўша даврда кимёда қўлланиладиган барча бирикмалар, асбоб-ускуналар, жараёнлар ҳақида маълумот беради.

-**Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё Ар-Розий** (865-925 йй.) илмий кузатишлари, теран фикри, янги ва илғор назариялари, илмий кашфиётлари ва ўша давр фанининг барча соҳаларига оид 180 дан ортиқ ёзиб қолдирган асарлари билан жаҳон фанини юқори босқичга кўтарган олимлардан ҳисобланади. Абу Бакр Розий Европада *Разес* номи билан машҳур бўлган.

Кимё тарихида биринчи марта Ар-Розий моддаларни уч қисмга бўлади:

- 1) минерал моддалар,
- 2) ўсимлик моддалари,
- 3) ҳайвонот моддалари.

Кимё фанини Ўрта Осиёда ривожланишиға алломаларимиз қўшган ҳиссаларини ўрганишни инновацион асосида ташкил этиш орқали қуйидаги натижаларға эришиш мумкин

- касб фаолияти соҳасида самарадорликка эришиш йўллари ҳақидаги билим ва малакалар ривожланади;

- ўзликни чуқур англаш мумкин;
- фикрда эркинлик қарор топади, инсон ўз имкониятларини эркин намоён қилади;
- ўзгалар фикрини ҳам ҳурмат қила бошлайди;
- Ватанпарварлик ҳисси ортади;
- Тарихға, миллий қадириятларға эътибор кучаяди;
- Умуминсоний қадириятларға содиқлик ортади;
- Мулоқот маданияти шаклланади ва ривожланади;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, малака оширишнинг замонавий шаклларини қўллаш билан миллий ғоя асосларини сингдириш орқали дарс самарадорлигини оширишнинг илмий услубий асосларини ишлаб чиқиш мақсадға мувофиқ бўлади.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

ПЕРСПЕКТИВЫ ПИЩЕВОЙ ПЕРЕРАБОТКИ

Абдурахимова А.У.

Ташкентский химико-технологический институт

Конечной целью сельхозпроизводителей является не все возрастающие объемы производства продукции, а реализация ее по наиболее выгодной цене. В связи с этим, особое значение имеют вопросы по послеуборочной доработке плодов, овощей, их сортировка, упаковка, продление периода реализации - все это позволяет существенно повысить конкурентоспособность продукции и получить больший доход.

Во всем мире на глубокую переработку отправляется около 50% собранных овощей и фруктов, в нашем регионе только 15-25%. Очень часто основная причина – большие потери урожая [1].

Одной из важнейших задач социально-экономического развития Узбекистана является его индустриально-экономическая модернизация, основанная на максимальном использовании местных сырьевых ресурсов. Пищевая и перерабатывающая промышленность нуждается в обновлении материально-технической базы и разработке новых видов деятельности предприятий.

Перспективные направления деятельности пищевой перерабатывающей промышленности для повышения конкурентоспособности продукции на внутреннем и внешнем рынках на основе инновационного развития агропромышленного комплекса и обеспечения продовольственной безопасности региона и страны в целом является увеличение срока хранения сельхозсырья за счет эффективной переработки с сохранением максимального количества полезных компонентов.

Пищевая промышленность относится к отраслям, которые позволяют открывать предприятия нового типа и обеспечивать население сельской местности новыми рабочими местами, в том числе на предприятиях пищевой и перерабатывающей промышленности.

Проведённые исследования показали, что в последнее время все большую популярность приобретают различные полуфабрикаты: замороженные, маринованные, мясные изделия, изделия из теста, в том числе с наполнителями (пельмени, блины и т.п.) и овощи. Такие товары занимают немалый сегмент продовольственного рынка. Сушеные овощи практически не используются: кроме немногочисленных сушеных фруктов и ягод в таком виде [2].

Сушка овощей решит проблемы транспортировки с использованием специальных транспортных средств, оборудованных рефрижераторами и термостатами и хранения в отсутствие холодильника - например, при длительном отъезде. Также сушеные овощи занимают намного меньше места при хранении, чем сырые или замороженные. Сроки хранения значительны от года до 5 лет и более.

Проблема заключается в том, что производители неохотно связываются с таким типом производства: оно считается невостребованным и малорентабельным. На самом деле, это не так. Малая потребность в сушеных овощах, действительно, имеет место быть, но в данном случае не отсутствие спроса является причиной отсутствия предложения, а как раз наоборот: то, что потребитель мало знаком с сушеными овощами, произошло именно от нежелания производителя заниматься этим бизнесом [2].

Одним из перспективных видов сушки овощей и фруктов является сублимационная сушка. Сушка сублимацией протекает при низких температурах и глубоком вакууме. При этом большая часть влаги испаряется из продукта, находящегося в замороженном состоянии, без плавления кристаллов льда. В продукте, высушенном сублимацией, сохраняются объем и

структура ткани, а также первоначальные свойства, в том числе цвет, вкус и запах. Однако этот способ из-за дороговизны еще не нашел широкого применения. Сушка сублимацией происходит по принципу углубления зоны испарения. Вначале влага испаряется с поверхности материала, а затем зона испарения постепенно перемещается внутрь него. Среднее влагосодержание уменьшается за счет удаления влаги с поверхности слоев.

При сушке сублимацией наблюдаются три периода: первый - период охлаждения и самозамораживания; температура продукта, находящегося в условиях среднего или глубокого вакуума (остаточное давление 26,7...267 Па), снижается до -5... -15°C благодаря отводу теплоты на испарение влаги; в этот период скорость сушки уменьшается (участок 1-2 на рис. 1,а);

второй - период сушки сублимацией; температура продукта почти не изменяется (рис. 1,б), а замороженная влага сублимируется и удаляется из продукта; при этом скорость сушки постоянная (участок 2-3 на рис. 1,а); в этот период для испарения влаги необходимо подводить тепловую энергию в виде лучистого потока путем теплопроводности от греющих плит и конвективного теплообмена между паровоздушной смесью и материалом;

третий - тепловая сушка; испаряется часть абсорбционно связанной влаги, оставшейся в жидком состоянии даже при очень низких температурах; испарение протекает, как обычная тепловая сушка под вакуумом, при этом температура продукта быстро повышается, а скорость сушки падает (участок 3-4 на рис. 1,а). При сушке сублимацией основное количество влаги, составляющее 75...85%, удаляется из продукта в замороженном состоянии во второй период; при самозамораживании испаряется 5...20% и при тепловой сушке 5... 15% влаги.




Рис. 1. Кривые сушки сублимацией: а - изменение скорости сушки; б - изменение температуры продукта.

Продолжительность сушки сублимацией все же очень велика и для фруктов и овощей колеблется от 15 до 26 ч. При этом период тепловой сушки, когда температура продукта повышается до 49...60°C, составляет 25...45% всего времени сушки.

Производство сушеных овощей способствует развитию малого и среднего бизнеса, что является актуальной проблемой страны. В настоящее время в Узбекистане действует программа по поддержке малого и среднего предпринимательства и разработана стратегия действий по дальнейшему развитию Республики на 2017-2021 годы [3], в которой предусмотрено развитие пищевой и перерабатывающей промышленности, что позволяет выгодно приобретать качественное оборудование и получать поддержку от региональной администрации.

Литература

1. <https://article.unipack.ru/67414/>.
2. Алоян А.А. Перспективы производства сушеных овощей в Алтайском крае // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 3. – 3 с.
3. Указ Президента Ш.М. Мирзиёева №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан».

НЕФТ ТАРКИБИДАГИ КИСЛОТАЛАРИДАН ВИНИЛ ЭФИРИНИ СИНТЕЗИ

Абдусатторов М.Ш., Абдукаримова С.А., Халимова О.Б.

Тошкент кимё технология институт

Алифатик спиртларни виниллаш жараёнлари илмий ва амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган бўлиб, лекин ацетилен спиртлари бу йўналишда деярли ўрганилмаган.


Ацетилен диоллари эса умуман тадқиқ этилмаган. Молекула таркибига винил гуруҳи киритилиши бирикмага, жумладан ацетилен диолларига янги эксплуатацион хосса беради.

Айниқса уларнинг биологик ҳамда микробиологик фаоллигини оширади [1].

Келтирилган ишда ацетилен ва метилэтилкетондан Фаворский усули бўйича ацетилен диоли синтез қилиш ва уни виниллаш жараёнини ўрганиш натижалари келтирилган.



Ацетилен спиртлари ва уларнинг винил ҳосилалари амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бундай бирикмалардан юқори селектив эритувчилар, биологик фаол моддалар, авиабензинларнинг паст ҳароратга бардошлилигини оширувчи присадкалар, полимерлар олишда мономерлар ҳамда металлларнинг биокаррозиясига қарши ингибиторлар сифатида фойдаланиш мумкин. 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 нинг молекуласида учбоғ мавжудлиги унинг муҳим хусусиятларидандир. Шунингдек, унинг молекуласида 2 та π боғ борлиги туфайли қутбланишга мойилдир. Бу 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6ни синтез қилиш учун бошланғич маҳсулот метилэтилкетон катализатор қукунланган KOH ҳамда эритувчи диметил эфир иштирокида ацетилен билан ўзаро таъсири натижасида мос равишдаги ацетилен спирт 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 синтез қилинди [2,3].

Жараён учун реакция схемаси қуйидагича:



Реакция хона ҳароратида (18-20⁰C) аралаштиргич, совутгич, термометр, томизгич ва ацетилен берувчи трубка ўрнатилган колбада олиб борилади. Жараёнда энг муҳими метилэтилкетонни берилиш тезлиги ва ацетиленни берилиш миқдори ҳисобланади. Реакцияда метилэтилкетонни томизиш тезлиги 8-10 секундда бир томчини ташкил қилди.

Умумий ҳолатда шундай қонуният кузатилдики, реакцияда ацетилен диоли 3,6-диметилноктин-4-диол-3,6 билан ҳар доим ацетилен спирт қўшимча модда сифатида ҳосил бўлиши кузатилади:



Унинг миқдори асосан метилэтилкетонни ва ацетиленни берилиш тезлигига ҳамда энг муҳими ҳароратга боғлиқ. Ҳарорат 0⁰С ва ундан паст бўлганда, асосан ацетилен спирт, +10⁰С +30⁰С оралиғида эса деярли ацетилендиоли ҳосил бўлиши адабиётларда маълум. Шунинг учун биз 3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 синтез қилиш мақсадида ацетилен ва метилэтилкетонни Фаворский усули бўйича таъсирлашувини 5-20⁰С олиб бордик. Ушбу шароитда диол унуми 63% гача бўлишига эришилди.

Ацетилен диоли унумига ҳарорат таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 унумига ҳарорат таъсири

Ҳарорат, ⁰ С	3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 унуми, %
5	25.2
10	54.7
15	59.4
20	63.4
25	60.5

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 0⁰Сдан юқорида асосан диол-3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 ҳосил бўлиши, ацетилен спирти 3-метилпентин-1-ол-3 ҳосил бўлиши кузатилди.

Ҳарорат 5⁰Сдан 20⁰Сгача ошириб борилганда диол унуми 25.2% дан 63.4% гача ошиб бориши аниқланди. Ҳароратнинг янада оширилиши диол унумига салбий таъсир кўрсатди. 25⁰Сда 3,6-диметилоктин-4-диол-3,6 унуми 60.5% ни ташкил этди. Бунда ацетилен конверсиясининг камайиши кузатилди. Ҳосил бўлган катализат таркибида реакцияга киришмаган метилэтилкетон миқдорининг ошиши аниқланди.

Литература


1. Трофимов Б.А., Гусарова Н.К. Ацетилен: новые возможности классических реакций // Успехи химии. –Москва, 2007, Т.76, - №6
2. Викульская Т.И., Трофимов Б.А., Михалева А.И. Образование свободных радикалов при винилировании 2-замещенных пирролов ацетиленом в системе КОН-ДМСО // ХГС.- Рига, 1992.
3. Турғунов Э., Содиков М.К., Парманов А.Б., Шодиева Г. Синтез винилацетиленового спирта на основе кротонового альдегида //Материалы Республиканской конференции “Зеленая химия” Самарқанд.

SALOMAS ISHLAB CHIQRARISH JAROYONINI AVTOMATLASHTIRISHDAN EYROBOSHQARUV TIZIMINI TAHLIL QILISH

Avezov T.A., Rejabov S. A., Mirkomilov A. M.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti


Boshqaruv obyektining kompyuter modelia sosida boshqarish tizimining modeli tuziladi. Tanlangan boshqarish tizimi intellectual boshqarish tizimi bo'lganligi sababli tizimdagi rostlash qismida sun'iy intellektga asoslangan rostlagichlar – neyro rostlagichlar qo'llaniladi.

Texnologik jarayonni avtomatik rostlash tizimining strukturaviy ko'rinishi quyidagicha bo'ladi (1-rasm).[1]



1–rasm. Texnologik jarayonni avtomatik rostlash tizimining strukturasi

Endi salomas ishlab chiqarishda haroratni boshqarish jarayonida neyronto'rlariga asoslangan neyro boshqaruvni ko'ribchiqamiz. Bu kompyuter modelni MATLAB dasturidagi Simulink paketi *Neural Network Toolbox* kutubxonasi Control Systems bandida joylashgan, neyron to'riga asoslangan NARMA-L2 rostlagich nitanlabquramiz.[2]



2-rasm. Neyron to'rlri neyro boshqarish tizimining kompyuter modeli

Ushbu struktura sxemasi boshqaruvchi obykti, neyrorostlash bloke (NARMA-L2 Controller), topshiriq beruvchi qism va grafikni kuzatish imkonini beradigan bloklardan iborat.

Игры - метод, который способствует развитию речи проще и позитивно. Игривые методы обучения облегчают обучение, никто не чувствует себя одиоко. Игра вызывает творчество, спонтанность, открытость и лёгкость. Разговорные игры это не метод обучения, который является временной мерой в классе, а они должны восприниматься как метод обучения и преподавания. Инновации по введению отдельных методических приёмов дают положительные результаты.

На подобных примерах использования инновационных технологий используя газеты, журналы, оригинальную литературу на иностранных языках, а также с помощью различных методических приёмов преподаватель способствует созданию личности, многостороннему развитию способностей студента, в дальнейшем одаренного специалиста широкого профиля со знанием иностранных языков, которые помогут сделать его будущую работу более привлекательной, интересной, а это главное в жизни молодого поколения.

Литература

1. Бесперывное обучение иностранным языкам, постановление кабинета министров РУз от 08.05.2013, № 124
2. Storch, G., Deutsch als Fremdsprache – Eine Didaktik, Paderborn 1999.
3. Krön, F.W., Grundwissen Didaktik, Ernst Reinhardt Verlag, München. 1985

КОМПЬЮТЕРЛИ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Таджибаева Д. А., Эшонкулова Д.Б
Тошкент кимё-технология институти

Ҳозирги кунда компьютерли таълимда таълим мақсадига эришиш учун зарур бўлган ўқув-услубий вазифалар, мақсадга эришиш ва умумий натижалар орасидаги босқичларни қандай назорат қилиш, қандай ёрдамчи воситаларни қўллаш, таълим олувчи ҳақида қандай маълумотларни йиғиш, ўқитишнинг қандай усуллари қўллаш лозимлиги, таълим олувчининг баҳо мезонлари қандай бўлиши каби таълим учун муҳим аҳамиятга эга бўлган элементлар жуда катта аҳамиятга эга.

Ўқитувчи таълим мазмунининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши жараёнини бошқаради, назорат қилади, ўқитишнинг мақсадларига эришилганлик даражасини аниқлайди. Ўқувчилар бунга жавобан тесқари алоқа воситасида ўзларининг фаолиятлари ҳақида ўқитувчига ахборот берадилар. Шу тариқа таълим жараёни яхлит тизимни ташкил этади. Бу тизимда ўқитувчининг роли жуда муҳим. Негаки, у таълим мақсади, таълим мақсадига эришиш учун зарур бўлган ўқув-услубий вазифалар, мақсадга эришиш ва умумий натижалар орасидаги босқичларни қандай назорат қилиш, қандай ёрдамчи воситаларни қўллаш, таълим олувчи ҳақида қандай маълумотларни йиғиш, ўқитишнинг қандай усуллари қўллаш лозимлиги, таълим олувчининг баҳо мезонлари қандай бўлиши каби таълим учун муҳим аҳамиятга эга бўлган элементларни аниқлайди.

Компьютер ва коммуникация воситалари асосида ўқитиш ва ўқишнинг таълим тизимига кириб келганига анча бўлган бўлса-да, «компьютерли таълим қандай ташкил қилиниши лозим ва унда ўқитувчининг роли нимадан иборат бўлади» деган нуқтаи назар тадқиқотчилар томонидан етарлича тадқиқ қилинмаган.

Таҳлиллар компьютерли таълимдаги ўқитувчи фаолиятини турли йўналишлар бўйича қисман ўрганилганлигини кўрсатади. Масалан, испаниялик олимлар А.Badia, E.Barberà ва С.Sigalés 4 шаклдаги компьютерли таълимни ташкил этишда ўқитувчининг ролини таҳлил қилган :

1. Компакт дисклар ёрдамида мустақил ўрганиладиган курслар.
2. Виртуал ҳолатда масофадан ўқитиш курслари.
3. Европа кредит тизими асосланган курслар.
4. Турли мультимедиа воситаларидан фойдаланиладиган таҳлилий курслар.

I шаклдаги таълим мустақил ўрганишга мўлжалланган бўлиб, унда ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита мулоқоти назарда тутилмаган.

II шаклда ўқувчи экрандаги маълумотлар билан танишиш билан бирга ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқот қилиш имкониятига эга.

III шаклда, асосан, ўқитувчи ва ўқувчи юзма-юз мулоқотда бўладиган таълим назарда тутиладики, бу жараёнда ҳам компьютер ва коммуникация воситаларидан фойдаланилади.

IV шаклдаги таълим бирор муаммони ечиш мақсадида ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита мулоқоти асосида ташкил этиладиган ўқув жараёни. Муаммони ечишнинг бир неча босқичида компьютер ва коммуникация воситаларидан фойдаланилади.

Биз таълимни компьютерлаштиришда иштирок этадиган 2 тоифа ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қиламиз:

1-тоифа — таълимни компьютерлаштириш мақсадида педагогик дастур восита (ПДВ) ларни лойиҳалашда иштирок этаётган ўқитувчи фаолияти;

2-тоифа — тайёр дастур воситасидан фойдаланиб таълим-тарбия жараёнини ташкил этадиган ўқитувчи фаолияти.

Маълумки, таълим жараёнидаги бош муносабат ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатдир. Компьютерли таълимда ҳам бу боғланиш ўз шаклини ўзгартирган ҳолда асосий ўринни эгаллайди. Анъанавий таълимдаги боғланишлар қаторига ўқитувчи ва дарслик, ўқитувчи ва ўқув материали, ўқитувчи ва кўргазмали қурол, ўқувчи ва дарслик, ўқувчи ва ўқув

материали, ўқувчи ва кўргазмалар курул қабилар кирса, компьютерли таълимда уларнинг шакли бирмунча ўзгаради. Педагогик дастур воситаларини лойиҳалаш мақсадида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи нуқтаи назаридан қараганда ўқитувчи ва дарслик, ўқитувчи ва ўқув материалы, ўқитувчи ва кўргазмалар курул боғланишлари, тайёр ПДВдан фойдаланиб дарс ўтаётган ўқитувчи нуқтаи назаридан қараганда ўқитувчи ва педагогик дастур восита, ўқитувчи ва компьютер, ўқитувчи ва ўқувчи боғланишлари, ўқувчи учун эса ўқувчи ва компьютер, ўқувчи ва ўқув материалы, ўқувчи ва ўқитувчи боғланишлари амал қилади. Бу муносабат ва боғланишлардан биринчи ва иккинчи гуруҳлари мазкур параграфда, охириги гуруҳи кейинги параграфда ўрганилади.

Дастлаб ПДВ ни лойиҳалашда иштирок этадиган ўқитувчининг фаолияти ҳақида тўхталамиз.

Табиийки, компьютер ёрдамидаги таълим самарадорлиги ПДВнинг сифатига боғлиқ. Паст сифатли дастур таъминоти компьютернинг таълим воситаси сифатидаги имкониятларини тўлиқ амалга оширишга имкон бермайди ва ўқитиш самарадорлигини пасайтиради. Шу боис ПДВ лар учун дидактик материалларни танлаш, ўқув материалга педагогик ишлов бериш, таълимга нисбатан компьютерни қўллаш босқичлари ва кетма-кетлигини аниқлаш билан боғлиқ қатор масалаларни ўрганиш ва уларга жавоб излаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Буларнинг барчаси ўқитувчи фаолиятида акс этади.

Маълумки, анъанавий таълимда таълим мақсадлари, мазмуни, ўқитиш услублари, назорат натижаларини баҳолаш каби кўплаб жараёнлар тизимсиз, пала-партиш тарзда амалга оширилади. Бошқача айтганда, таълим илмий лойиҳалаштирилмайди. Таълимнинг асосий мақсади аксарият ҳолларда талабага билимни тайёр ҳолда беришдан, маълумотларни уларнинг эсида сақлаб қолишни таъминлашдан иборат бўлган. Унда ўқувчиларнинг келгуси фаолиятида маълум амалларни бажариши, бошқарув ва касбий масалаларни ҳал қилишларига тўғри келиши эътибордан четда қолиб кетади. Таълимда кафолатланган натижаларга эришиш борасида умуман фикр юритилмайди, деса бўлади. Таълимнинг, вазифаси фуқаролар ва ёшларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий – амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбини танлаш, уни мукамал эгаллаб, шу соҳада фаолият кўрсатиш учун моддий – маънавий, тарбиявий – дидактик шарт – шароит яратишдан иборатдир. Ҳозирги кунда республикамиздаги олий ўқув юртларида олиб борилаётган тадбирларнинг асосий мақсади тайерланадиган мутахассислар сифатини тубдан яхшилашдир. Бу ишларни жадаллаштиришда таълим, ишлаб чиқариш ва фаннинг узвий алоқада бўлиши асосий омилдир.

Юқорида айтиб ўтилган муҳим вазифаларни мувоффақиятли ҳал этиш учун юқори малакали муҳандис кадрлар керак. Бундай кадрлар тубдан янги илмий ғояларга ва юксак техник ечимларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлишлари зарур. Халқ хўжалигини фан-техника тараққиёти асосида жадаллаштириш - бозор иқтисодиёти шароитидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу улкан ишларни бажариш кадрларнинг малакасига боғлиқдир.

Бу умумий вазифадан таълимнинг ҳар бир бўғини, тури ва босқичининг ўзига хос вазифалари келиб чиқади. Таълимни компьютерлаштиришда педагогик технологиядаги етакчи ҳисобланган таълим мақсади, мазмунини лойиҳалаш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Ҳайитов А.Ғ. Дастурли методик таъминотни яратиш. Халқ таълими, 2002.
2. Яковлев Ю.Б. Концепция информатизации образования на муниципальном уровне. – М., 2001.
3. Ҳайитов А.Ғ. Таълимни компьютерлаштириш воситалари. // Педагогик маҳорат, 2002. № 2
4. Ҳайитов А.Ғ. Таълимни компьютерлаштириш тамойиллари. //Бошланғич таълим, 2002.
5. Юлдашев У.Ю., Саидова М. Таълимда ахборот технологиялари муҳити ва ўқув муассасаларининг ёрдамчи ўқув бўғинлари. //Педагогик маҳорат, 2003. № 3

ШАХСНИНГ ФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “НИЛУФАР ГУЛИ” МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Таджибаева М.Р., Мухамаджонова Д.
Тошкент кимё-технология институти

Ёш авлодга таълим-тарбия беришда билимли мутахассисларга эҳтиёж туғилади, бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб қилади. “Инновация” ибораси инглизча сўздан олинган бўлиб, “innovation” – “янгилик киритиш”, “янги ғоя” деган маъноларни билдиради.

Ўқитишга инновацион ёндашув назариясининг ўқув-тарбия жараёнини жамиятдаги ўзгаришларга таяниб, шахсга йўналганлик асосида янгича тарзда ташкил этиш, тадбиқ этиш ва тизимли бошқариш ташкил этади.

Шахснинг физиологик ривожланиши фани “Касб таълими” йўналишидаги талабалар учун мутахассислик фани саналади. Шахснинг физиологик ривожланиши фанига доир долзарб мавзулардан бирини танлаб олдик. “Зарарли одатларнинг инсон организмга салбий таъсири” мавзусига тўхталишни жоиз деб топдик. Бугунши кунда ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом авлоднинг турмуш тарзини яратиш давр тақозосидир. Соғлом авлодни шакллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, уни амалга ошириш эса, барча мутассаддиларнинг бу борада жиддий фаолият олиб боришларини тақозо этади.

Психоактив моддалар, алкоголь, гиёҳванд ва токсик моддаларга ружу қўйиш, сурункали равишда истеъмол туфайлиларга ўрганиб қолиш, қатор мамлакатлар аҳолиси, айниқса ёшлар саломатлигига путур етказётган энг дахшатли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сўнги йилларда тиббий тавсиялардан ташқари наркотик ва токсик кайф қилдирувчи турли моддаларни қабул қилиш кўрсаткичлари шиддат билан ошиб бормоқда. Энг хатарли томони шундаки, ёшлар орасида кучли ва оғир синтетик гиёҳванд моддалар – кокаин ва героин кабиларга қизиқиш кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ёш авлодни ҳар тарафлама соғлом этиб тарбиялаш ҳар бир педагог ва масъул шахсларнинг вазифасидир. Инсон ҳаётига хавф солаётган гиёҳвандлик, ОИТС, юқувмли касалликлар ва ҳақозоларни бартараф этиш соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тақозо этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш режасини “Нилуфар гули” методи ёрдамида ёритиб берамиз. Аввал “Нилуфар гули” методини қўлланиш услуги очиб берилади.

“Нилуфар гули” методи муаммоли ўқитиш методларидан биридир. Бу метод ёрдамида талаба томонидан муаммоли ваят ҳар томонлама таҳлил қилинади. Муаммони ҳал этиш бўйича аниқланган ечимлар чуқур таҳлил қилинади ва ҳар бир топилган ечимни амалга оширишнинг камида 8 та йўли кўрсатилади. Натижада глобал бир муаммони ҳал этиш йўллари ойдинлаша бошлайди.

“Нилуфар гули” методи талабаларни танқидий фикр юритишга одатлантиради. Бу метод талабаларни ижодий фикрлашга, ҳар қандай масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқишга ва тўғри хулоса чиқаришга ўргатади. “Нилуфар гули” қатъий белгиланган тартибда тўлдирилади. Ўртада муаммо ёзилади. Атрофда бу муаммони ҳал этишнинг 8та асосий йўли кўрсатилади. Кейин ҳар бир кўрсатилган йўл ёки таклиф этилаётган ечим янада чуқурроқ таҳлил қилинади ва уни амалга ошириш йўллари ёритилади. Энг содда тузилган “Нилуфар гули” 81 та катакчадан иборат бўлади. Бу метод кўп вақт талаб қилганли учун амалий ёки семинар машғулотларида амалга оширилади.

Мазкур жадвалда Соғлом турмуш тарзини шакллантириш режасини “Нилуфар гули” методи ёрдамида ёритилиши очиб берилган.

1. Тамак ига қарши тарғиб от қилиш, тушунтириш	2. Тамак и чекишга қарши дастурий дарслар ўтказиш	3. Қўнглили гурухлар томонидан тренинглар ўтказиш	4.	5. ОИТС касалли-гига қарши тарғиб от қилиш, тушунтириш	6. Спиртли ичимликларга қарши дастурий дарслар ўтказиш	7. Қўнглили гурухлар томонидан тренинглар ўтказиш	8.	10. Гиёҳвандликка қарши тарғиб от қилиш, тушунтириш	11. Гиёҳвандлик профилактикаси бўйича дастурий дарслар ўтказиш	12. Қўнглили гурухлар томонидан тренинглар ўтказиш
13. Тамакнинг кимёвий таркибинини ёритиб бериш	14. Тамак и чекишга қарши курашини	16. Тамак и чекишга қарши рефератлар тайёрлаш	4.	17. Организмга келтирадиган зийнини таъсирли етказиб бериш	18. Спиртли ичимликларга қарши кураш	19. Спиртли ичимликларга қарши рефератлар расмлар тайёрлаш	9.	20. Стерилланган шприцлардан фойдаланиш	21. Гиёҳвандликка қарши кураш	23. Гиёҳвандликка қарши кураш бўйича рефератлар тайёрлаш
24. Саломатлик гигиенасига риоя қилиш	25. ССВ буйруқлари ва кўрсатмалари амал қилиш	26. Ўқув муассасаларида 27. гиёҳвандлик профилактикасини олиб бориш		28. Саломатлик гигиенасига риоя қилиш	29. ССВ томонидан чиқарилган буйруқ ва кўрсатмаларга амал қилиш	30. Таълим муассасаларида профилактика ўтказиш		32. Гиёҳвандлик профилактикаси бўйича ўқитиш	33. ССВ буйруқлари ва кўрсатмалари амал қилиш	34. Гиёҳвандлик профилактикаси ўтказиш
35.										
36. Нос чекишга қарши тарғиб от қилиш	37. Носнинг кимёвий таркибинини ёритиб бериш	38. Қўнглили гурухлар томонидан тренинглар ўтказиш		40. Тамак и чекишга қарши курашини	42. Спиртли ичимликлар истеъмолига қарши кураш	43. Гиёҳвандликка қарши кураш		46. ОИТС вирусининг паразиталар билан тарқалishi чеклаш	47. ОИТС профилактикасини бўйича дарслар ўтказиш	48. Қўнглили гурухлар томонидан тренинглар ўтказиш
49. Нос чекишнинг саломатликка зарарини тушунтириш	50. Нос чекишга қарши курашини	52. Тамак и чекишга қарши рефератлар тайёрлаш	39.	53. Нос чекишга қарши курашини	55. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш	56. ОИТСга қарши кураш	45.	58. ОИТС касаллигига қарши тарғиб от қилиш	59. ОИТСга қарши кураш	62. ОИТСга қарши рефератлар тайёрлаш
63. Носнинг руҳиятга таъсирини ёритиш	64. ССВ буйруқ ва кўрсатмалари амал қилиш	65. ЎМда гиёҳвандлик профилактикасини ўтказиш		66. Токсик моддаларга қарши кураш	67. Гигиена қоидаларига риоя қилиш	68. Юқумли касалликларга қарши кураш		71. Шифокорлар малакасини ошириш	72. Донорлар қонини қуйишни чеклаш	73. ЎМда гиёҳвандлик профилактикасини олиб бориш
75.										
76. Саломатлик гигиенасига риоя қилиш	77. ТМ сотувини чеклаш	78. ТМларнинг организмга таъсирини ёритиб бериш	79.	80. Меҳнат гигиенасига риоя қилиш	81. Овқатланиш гигиенасига риоя қилиш	82. Озодалик, тозаллик, гигиенасига риоя қилиш	83.	84. Организмининг иммунитетини яхшилаш	85. ССВ буйруқ ва кўрсатмалари амал қилиш	86. Вакцинация чоратадбирларини амалга ошириш
87. ТМга қарши кураш	88. Токсик модда	89. ССВ буйруқ ва		90. Қун тартиб	91. Гигиена қоида	92. Қийиниш гигиен		93. ЎМда юқумли	95. Юқумли касал	98. Озодалик, тозал

иш тарғибот қилиш	ларга қарши қураш	кўрсатмаларига амал қилиш	и роя қилиш	ларига роя қилиш	асигароя қилиш	касалликлар профилактикаси олиб бориш	96. қарши қураш 97.	к гигиена сироя қилиш
99. Рухият ни даволаш	100. ТМ истеъм ол қилишнинг соғлиқка зарари ни ёритиш	101. Рухиятга таъсирини ёритиб бериш	102. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш	103. Саломатлик гигиена сироя қилиш	104. Экология ва атроф-мухит муҳофазаси	105. Карантин чора тадбирларини олиб бориш	106. Шифокорлар малакасини ошириш	107. Хомиладор аёлларда табиий иммунитетни ошириш

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ибрагимова Г. Умумтаълим мактабларининг ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацион таълим технологияларининг ўрни- методик қўлланма. Тошкент. Абу матбуот-консалт. 2014.
2. Алимжонов Д.И., Алиев И.Т. Кимё ва озиқ-овқат технологиясига оид фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологиялар- ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия. 2015.

MUTAXASSISLIK FANLARINI O‘QITISHDA INTERFAOL TA’LIM METODIDAN FOYDALANISH.

**Tadjibaeva M.R., Chorshanbieva G.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti**

Bugun O‘zbekiston demokratik huquqiy davlat va adolatli fuqarolik jamiyati qurish yo‘lidan izchil borayotganligi uchun kadrlar tayyorlash tizimi tubdan isloh qilindi davlat ijtimoiy siyosatida shaxs manfaati va ta’lim ustuvorligi qaror topdi. O‘quv-tarbiyaviy jarayonni ilg‘or pedagogik texnologiyalar bilan ta’minlash zarurati ham Kadrlar tayyorlash milliy dasturini ro‘yobga chiqarish shartlaridan biridir. Bugungi kunda yuqori malakali kadrlarni tayyorlashda o‘qitishning hozirgi zamon tizimlari va yangi pedagogik texnologiyalari asosida hamda xorijiy ilg‘or tajribalardan foydalanib amalga oshirilishi maqsadga muvofiqdir.

“Sinkveyn” metodini amalga oshirish bosqichlari:

- O‘qituvchi talabalarga mavzuga oid tushuncha, jarayon yoki hodisa nomini beradi.
- Talabalardan ular haqidagi fikrlarini qisqa ko‘rinishda ifodalashlari so‘raladi. Ya’ni, she’rga o‘xshatib 5 qator ma’lumotlar yozishlari kerak bo‘ladi. U quyidaga qoidaga asosan tuzilishi kerak:
 - 1-qatorda mavzu bir so‘z bilan (odatda ot bilan) ifodalanadi.
 - 2-qatorda mavzuga juda mos keladigan ikkita sifat beriladi.
 - 3-qatorda mavzu 3ta xarakter bildiruvchi fe‘l bilan foydalaniladi.
 - 4-qatorda temaga doir muhokama etuvchilarning hissiyotini ifodalovchi jumla tuziladi. U to‘rt so‘zdan iborat bo‘ladi. 5-qatorda mavzuni mohiyatini ifodalovchi bitta so‘z beriladi. U mavzuning sinonimi bo‘ladi.

Sinkveyn metodini qo‘llash bo‘yicha namuna

1. Vitamin	1. Uglevod
2. Organik modda	2. Monosaxarid, polisaxarid
3. O‘shish, rivojlanish, chidamlilik	3. Parchalanish, so‘rilish, sintezlash
4. Moddalar almashinuvida muhim rol o‘ynaydi.	4. Oson va tez energiya beruvchi modda
5. Hayot	5. Glyukoza
1. Yog‘	1. Oqsil
2. Qattiq, suyuq	2. Sifatli, sifatsiz
3. Singish, himoyalash, sintezlash	3. Ko‘payish, o‘shish, sezuvchanlik
4. Energetik jihatdan eng boy mahsulot	4. Katalizator- tezlashtiruvchi vazifasini bajaradi
5. Ozuqa	5. Aminokislota

“Charxpalak” metodidan ma’lum bir mavzuni yakunida foydalanish yaxshi samara beradi. Metodning maqsadi o‘tilgan mavzuni mustahkamlash, mustaqil fikrlarni rivojlantirish va kichik guruxlarda ishlash ko‘nikmasini shakllantirishdir.

Ushbu metod mavzuni takrorlash uchun qo‘llanishini hisobga olib, undan amaliy va seminar mashg‘ulotlarida foydalanish tavsiya etiladi.

“Charxpalak” metodini amalga oshirish bosqichlari:

1. Guruhlar shakllantiriladi.
 2. Jadval beriladi hamda 10-15daqqa vaqt ajratiladi.
 3. Talabalar jadvalni o‘rganadilar va natijani tushunchaning javobi kesishgan katakka “+” yoki “√” belgi qo‘yish orqali aniqlaydilar.
 4. Belgilangan vaqt yakuniga etgach, topshiriqni to‘g‘ri bajarilgani tekshiriladi.
- Ushbu metodlar talabalarni dars jarayonida faollashtirib, mavzuga oid tushunchalar bo‘yicha chuqur mulohaza qilishga o‘rgatadi.

Adabiyotlar

1. Olimov Q.T. Zamonaviy ta’lim va innovatsion texnologiyalari bo‘yicha ilg‘or xorijiy tajribalar, Toshkent, 2015 yil.
2. Alimjonova D.I., Aliev I.T. Kimyo va oziq-ovqat texnologiyasiga oid fanlarni o‘qitishda innovatsion pedagogik texnologiyalar- o‘quv qo‘llanma. T.: Iqtisod-moliya”. 2015 yil.

Charxpalak metodi asosida ozuqa moddalarini qaysi oziq-ovqat mahsulotlarida ko'proq %larda uchrashini belgilang.

Inson organizmi uchun muhim bo'lgan ozuqa moddalari	Non mahsulotlari	Go'sht mahsulotlari	Hayvon jigari	Qg'ziqorin	Tuxum	Baliq	Pishloq	Tvorog	Sutvasutmahsulotlari	Sariyog'	Qaymoq	Zaytun	No'xat	Jo'xori	Pista	Zig'ir	Boshoqli don ekinlari	Dukkakli don ekinlari	Ko'katlar	YOng'oq	Kartoshka	Baqlajon	Pomidor	Sabzi	Apelsin	Limon	Xurmo	Olma	SHaftoli	Anor	Smorodina	O'rik		
Oqsillar																																		
Yog'lar																																		
Uglevodlar																																		
Vitaminlar																																		
Mineral tuzlar																																		

KEYS STADI TEXNOLOGIYASINI INNOVATSION DARS SHAKLI SIFATIDA QO'LLASH

Toirova M.S, Ahmedova A.A.
Toshkent kimyo-texnologiya instituti

Bugungi kunda mamlakatimizda oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda xavfsizlik masalasi eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Shu maqsadda aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish, sifatli va talabga javob beradigan mahsulotlar ishlab chiqarishga katta e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, qishloq xo'jaligida meva va sabzavotlarini yetishtirish, ularni saqlash, qayta ishlash sohasida ko'plab islohotlar amalga oshirilmoqda. Bunga misol qilib, ularni saqlashda zamonaviy omborxonalar, qayta ishlash uchun ilg'or texnologiyali jihozlar bilan ta'minlangan korxonalar bunyod etilmoqda. Bunda xorij tajribasiga ham birmuncha tayanilmoqda.

Hozirgi kunda oziq-ovqat mahsulotlari turining ko'payib borayotganini inobatga oladigan bo'lsak, ularning ishlab chiqarishda xom ashyolarning ham turi ortib bormoqda. Bularga go'sht, sut, meva, sabzavot, don mahsulotlari va boshqalar misol bo'la oladi. Shuningdek, ishlab chiqarish sohalari ham turli tumandir. Ularni asosan birlamchi qayta ishlovchi va ikkalamchi qayta ishlovchi korxonalariga bo'lish mumkin. Birgina meva xom ashyosidan bugungi kunga kelib, turli tuman mahsulotlar ishlab chiqarilmoqda. Masalan tariqasida uzumni olaylik: uzum xom ashyo bo'lib, yangi so'ligan va quritilgan holda ishlatiladi. Uzumdan alkogolsiz mahsulotlar sharbat, konsentratlar va alkogol mahsulotlar sharoblar (xo'raki, xushbo'yli, quvvatlangan, jilvali), spirt konyak (brendi) aroq ishlab chiqariladi. Uzum sharoblarni sharbatlarni spirtli bijg'ish yo'li bilan olinadi. Bijg'ish sanoatini ayniqsa spirt ishlab chiqarish korxonalarining xom ashyo va materiallari juda kengdir.

Bijg'ish sanoati korxonalarining barchasida tavsifi ohirgi mahsulotga qarab farqlanadi. Shuningdek, qayta ishlanayotgan xom ashyolar va ayniqsa mikroorganizm turlariga qarab ularning ferment sistemasiga va kimyoviy qayta ishlanishiga bog'liq. Hamma farqlar va o'zgarishlar texnologik jarayonlarning asosini tashkil etadi.

Bijg'ish sanoati umumiy sxemasi

Xom ashyo → bijg'ishga tayyorlash → (suslo) bijg'ish → bijgish suslosi → tayyor mahsulotni ajratish → mikroorganizmlarning ishlov berilishi → (mikroorganizmlar)

Bijg'ish jarayoni asosiy 3 bosqichdan iborat.

1. Bijg'ish (20-24 soat)
2. Asosiy bijg'ish (24-30 soat)
3. Oxirgi bijg'ish (18-24 soat).

Sharobchilik sanoatida xom ashyoni bijg'ishga tayyorlash hamda bu jarayonni davomiyligini to'g'ri tashkil etish lozim. Eng so'ngida esa, mikroorganizmlar ko'payishi uchun optimal muhitni yaratish zarur. Ekanligi bundan mustasno emas.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, sharob ishlab chiqarish sohasida jarayonlar ketma ketligi xuddi zanjir kabidir. Ularni to'g'ri tashkil etish va nazorat qilib turish esa sifatli va uzoq muddat saqlash mumkin bo'lgan sharob ishlab chiqarishning kafolatidir.

Shuningdek, oziq-ovqat mahsulotlari sanoati uchun ham iste'molchilar xavfsizliklarini ta'minlab beradi. Bugungi kunda xavfsizlikni ta'minlash muhim masalalardandir. Aholining salomatligi davlat uchun ham ishlab chiqaruvchilar uchun ham birdek ahamiyatlidir.

KEYS-STADI TEXNOLOGIYASINI QO'LLASH UCHUN NAMUNA

Sharoblar sifatining o'zgarishi

Alimov Shavkat juda mehmondo'st inson. U o'z do'stlari bilan yangi yil bayramini nishonlash uchun yengil alkogol mahsulotlari shuningdek, sharob (vino) sotib oldi. Chunki sharob o'zining yengil ta'mi va alkokol miqdorining pastligi me'yoraligi bilan unga yoqar edi. Bu yilgi yangi yil bayramida ham u sharob (vino) sotiladigan "Limonad" do'konidan ushbu "Mona Liza" markali nordon sharob sotib oldi va do'stlari bilan uni baham ko'rish uchun dala hovliga borishdi. U yerda ular dasturxon tuzashdi. Bayram odatdagidek yaxshi kayfiyat va vaqti chog'lik bilan o'tdi. Oradan oradan biroz vaqt

o'tgach uning do'stlaridan biri o'zini noxush seza boshladi va ko'ngli aynidi. Shavkat do'stlari bilan o'tirib bunga nima sabab bo'lishi mumkinligi haqida o'ylab qoldilar va barcha tanovvul qilingan oziq ovqatlarni birma bir tekshira boshladilar. Shunda Shavkatning sharob iste'mol qilgan do'sti uni ichganida biroz sirka mazasi kelganini eslab qoldi va yuzaga kelgan muammoning asosiy sababi sharobning bir oz sifati buzilganligi da bo'lsa kerak deb tahmin qilishdi.

Savollar:

1. Sizning fikringizcha iste'mol qilingan sharobning sifati yomon bo'lsa ushbu muammo tug'ilishi mumkinmi?
2. Sharobning sifati qanday xossalar belgilab beradi?
3. Sharobning sifati o'zgarsa uning ko'rsatkichlari ham o'zgaradimi?
4. Sirka ta'mining paydo bo'lishisharobning qaysi xususiyati bilan bog'liq deb o'ylaysiz?

Muammoni tahlil qilish va yechish jadvali

Muammoni tasdiqlovchi dalillar	Muammoni kelib chiqish sabablari	Guruh yechimi
<ol style="list-style-type: none"> 1. Sharobning sifati o'zgarganligi. 2. Undan sirka ta'mining kelishi. 3. Uni iste'mol qilgan insonning ko'ngli aynishi va boshi aylanishini kuzatilishi. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Bijg'ish jarayonida ikkilamchi mahsulotlarning paydo bo'lishi. 2. Texnologik jarayonning noto'g'ri olib borilishi. 3. Laboratoriya tekshiruvlaring yaxshi o'tkazilmaganligi. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Sharob ishlab chiqarish texnologik jarayonini o'rganish. 2. Sharob ishlab chiqarish xom ashyolari tarkibi va ularni uzoq muddat saqlash usullarini o'rganish. 3. Sirka kislotasi paydo bo'lish sabablarini aniqlash hamda uning sharob sifatiga ta'sirini aniq dalillar yordamida aniqlash.

Adabiyotlar

1. Abdullayev O., Toshkentboyev A. O'zbekistonda sanoat uzumchiligi va vinochiligi 2009
2. Umumiy oziq-ovqat texnologiyasi O'quv uslubiy qo'llanma.

ИННОВАЦИОННОСТЬ КАК ОДИН ИЗ ПРИНЦИПОВ ПЕДАГОГИКИ

Таштемирова Н.Н.

Ташкентский химико-технологический институт

Понятие «инновация» охватывает не столько создание и распространение новшеств, сколько характеризует изменения в образе деятельности, жизни, стиле мышления, которые с этими новшествами связаны. Инновационный процесс связан с переходом в качественно иное состояние, с ревизией устаревших норм и положений, ролей, а зачастую и с их пересмотром. Часто нововведения появляются совокупно, и тогда образуется целый инновационный массив.

Инновационное профессиональное обучение наряду с предметно-содержательными учебными результатами (предметные знания, умения, навык решения профессиональных проблем и т.д.) акцентирует внимание на *рефлексивно осмысляемом опыте поисковой деятельности*, в котором присутствуют мотивы освоения нового опыта, овладение технологическими процедурами интеллектуального труда, мажорное преодоление трудностей и познавательных барьеров, наличие элемента состязательности с самим собой. Такое обучение приносит обоим субъектам удовлетворенность от расширения интеллектуальных и профессиональных возможностей, обозначает перспективы роста, способствует самоутверждению, и в целом формирует активную позицию в выполнении функций социальной роли, актуализирует социокультурный потенциал личности студента и преподавателя.

В рамках инновационного обучения создаются условия развития личности, осуществляется ее право на индивидуальный творческий вклад, на личностную инициативу, право на свободу саморазвития. Позиция продуктивной личности в отличие от позиции личности потребительской формируется только в атмосфере свободы, в приобщении к культуре интеллекта, в отношениях сотрудничества и взаимопомощи равных.

Социально-экономические изменения в обществе, а также закон Республики Узбекистан "Об образовании" востребуют опережающего профессионального образования, в котором акцент переносится с узкопрофильного подхода к подготовке специалистов на многостороннее интеллектуально-духовное развитие личности студента. Обеспечить такое образование можно лишь при переходе к личностно ориентированному обучению на основе инновационных технологий.

Педагогическая инновационная деятельность включает в себя мотивы и стратегические цели, педагогическое взаимодействие и способы его осуществления.

Каждый преподаватель хочет знать ответы на вопросы «чему учить?», «зачем учить?», «как учить?», а главный – «как учить результативно?». Эти вопросы привели теоретиков и практиков в образовании к попытке «технологизировать» учебный процесс. Иными словами, превратить обучение в своего рода производственно-технологический процесс с гарантированным результатом, и в связи с этим в педагогике появилось направление педагогические технологии. Педагогические технологии имеют два источника. Первый – производственные процессы и конструкторские дисциплины. Второй источник – сама педагогика.

А. Макаренко называл педагогический процесс особым образом организованным «педагогическим производством», ставил проблемы разработки «педагогической техники». На наш взгляд, педагогическая технология есть ни что иное, как продуманная во всех отношениях модель совместной учебной и педагогической деятельности по проектированию, организации и проведению учебного процесса с безусловным обеспечением комфортных условий для преподавателя и обучаемого. Основные идеи для образовательной технологии: укрупнение дидактических единиц, планирование результатов обучения, дифференцированный подход при обучении, психологизация образовательного процесса, компьютеризация.

Педагогические технологии предполагают реализацию идеи полной управляемости учебным процессом. Педагогические технологии могут быть самые разнообразные: предметноориентированные, для дифференцированного обучения, развивающие (природосообразные) и другие. Технологический подход к обучению математики имеет свою специфику. Так, дифференцированное обучение математике связывается с совершенствованием постановки целей обучения математике. Цели обучения математике должны состоять в том, чтобы научить обучаемых выполнять некоторые действия, образующие в совокупности готовность к обучению, А цели учения научить выполнять эти действия, причем с точки зрения развития обучаемого ему необходимо не просто формально применять образ каждого действия, а глубоко его понимать. Система целей учебной деятельности может быть представлена как система действий ученика, адекватной системе компонентов готовности к учебной деятельности, которые он должен научиться выполнять в результате обучения и для его успешности, и это будет означать перенос акцента с математического образования на образование с помощью математики.

К частно педагогическим технологиям обучения математике можно отнести: технологию УДЕ (укрупнение дидактических единиц), технологию обучения математике на основе решения задач, технологию системы эффективных уроков, технологию мастерских построения заданий по математике, технологию развития критического мышления, проектную технологию, технологию уровневой дифференциации и другие. Рассмотрим одну из всех, которой наиболее успешно пользуемся в своей педагогической практике. Технология обучения математике на основе решения задач основана на следующих концептуальных положениях: - личностный подход, педагогика успеха, педагогика сотрудничества; - обучать математике = обучать решению задач; - обучать решению задач = обучать умениям типизации + умение решать типовые задачи; - индивидуализация обучения «трудных» и «одаренных»; - органическая связь индивидуальной и коллективной деятельности; - сочетание аудиторной и внеаудиторной работы. Интегрированный подход к обучению позволил создать технологию интеграции математики, как базового предмета, с информатикой и физикой. Цели интегрированных курсов - формировать целостное и гармоничное понимание и восприятие мира. Чтобы достичь эту цель, разрабатывается программа интегрированного курса, для которой очень важны как отбор содержания, так и принципы ее конструирования. Затем – выстраиваются учебные занятия. На данный момент существует достаточно большое количество педагогических технологий обучения, как традиционных, так и инновационных. И нельзя сказать, что эта лучше, а другая хуже. Не следует думать, что для достижения цели надо использовать только ту или иную технологию, и никакую другую. На наш взгляд выбор технологии зависит от многих факторов: контингент обучаемых, их возраст, уровень подготовленности, темы занятия, мотивов обучения и т.д. Мы считаем, что самым оптимальным вариантом является использование набора технологий. Традиционные и инновационные методы обучения должны быть в постоянной взаимосвязи и дополнять друг друга. Надо помнить высказывание «Все новое – это хорошо забытое старое». Не стоит отказываться от старого и полностью переходить на новое. Применение в обучении математике педагогических технологий необходимо. Это требование времени. Китайская мудрость гласит: «Я слышу – я забываю, я вижу – я запоминаю, я делаю – я усваиваю». И поэтому наша задача, как преподавателей, организовать деятельность таким образом, чтобы полученные знания на занятии обучаемыми были результатом их собственных поисков. Педагог должен организовать эти поиски, контролировать их и привести обучаемого к запланированной цели.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Тухтамушова А.У.

Тошкент кимё технология институти

Таълим сифатини оширишга қаратилган самарадор тадбирларни ўқув жараёнига қўллаш - келгусида рақобатбардош, етук ва халқаро андозаларга жавоб бера оладиган юксак салоҳиятли мутахассислар тайёрлашнинг кафолати ҳисобланади. Олий таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан республикамизда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ижросини таъминлашда, тизимда фаолият юритаётган барча бўғин ижрочилари масъулиятини янада оширишни талаб этади.

Таълим ва тарбия - бир-бирига алоқадор бўлган узвий жараён. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланган, таълим берувчи томонидан кафолатланган замонавий билим беришга қаратилган ва кутилажак натижага йўналтирилган ўқув жараёнига, янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали таълим сифатини оширишга эришиш мумкин. Талабалик йилларида олинган пухта ва чуқур билим, танланган соҳани келгусида ривожлантиришга замин бўлади. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, у шунчалик катта юкламага чидамли бўлади. Бозор муносабатлари шароитида мутахассислар ўртасидаги рақобатчиликнинг кучайиши ва шахснинг ишга жойлашишида иш берувчилар томонидан янгича талабларни қўйилиши – талабалик йиллариданоқ бўлғуси мутахассис олдига бир қатор кўникмаларни шакллантириш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Анъанавий таълим жараёнида талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинганлиги, бундай усуллар талабаларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндириши бугунги кунда ўз исботини топди. Замонавий таълим тизимининг стратегик мақсади сифатида талаба шахсини ҳар томонлама ривожлантириш масаласи ётибди. Талабанинг шахс сифатидаги шахсий кадриятлар тизими ўз навбатида таълим жараёнида шаклланиб боради. Уларнинг ўқиш, илм излашга бўлган ички талаби ва қизиқишлари, ижтимоий мотивлар, конструктив ижодий тафаккур, таҳлил қилиш қобилияти ва бошқалар кундалик эҳтиёжга айланиб бориши зарур. Бу борада таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни қўллашни аҳамияти юксак. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талаба(ёки ўқувчи)ларнинг эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳаттоки хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқишларига қаратилган. Талабалардан таҳлил қила олиш, танқидий мушоҳада ва мақбулини танлай билиш каби сифатлар талаб этилади. Ўқитувчи фигураси ушбу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, мустақил билим олишларига йўналтирувчи модератор сифатида намоён бўлади. “Инновацион таълим” атамаси фанга инглиз тилидан кириб келган бўлиб, таълим жараёнига шахсни ривожланишига қаратилган, таълимнинг фундаменталлиги, ижодкорлик, профессионалик каби тушунчаларни уйғунлаштирувчи янгича ёндашувни билдиради. Юксак касбий маҳоратга эришишнинг асосий йўли – изланиш ва ўз-ўзини ривожлантириб боришдир. Бугунги талаба- эртанги кунимиз. У нафақат танлаган соҳасининг билимдони, жамият тараққиётининг етакчи кучи, маънавий баркамол, етук, зиёли инсон, балки ташкилотчи ҳам бўлмоғи керак. Унинг келгусидаги касбий фаолиятида нафақат назарий билим ва амалий кўникмалар, балки муаммоларни олдиндан кўра билиш, уларни бартараф этиш йўллари кўра олиш ва тўғри қарор қабул қила олиш, ностандарт шароитларда ўзини йўқотмасдан мақбул ечимни топа олиш каби хислатларни намоён этиш талаб этилади. Бу хислатлар эса бугунги кунда аудиторияларда ўз ишига садоқатли ва фидоий педагоглар томонидан шакллантирилади.

ОБ АКТУАЛЬНОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС

Тухтамушова А.У.

Ташкентский химико-технологический институт

В целях кардинального совершенствования системы высшего образования, коренного пересмотра содержания подготовки кадров в соответствии с приоритетными задачами социально-экономического развития страны, обеспечения необходимых условий для подготовки специалистов с высшим образованием на уровне международных стандартов, 20 апреля 2017 года было объявлено Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева « О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования». В Постановлении предусмотрено дальнейшее совершенствование образовательного процесса, учебных планов и программ высшего образования на основе широкого использования новейших педагогических технологий и методов обучения, качественное обновление и внедрение современных форм организации научно образовательного процесса магистратуры. В связи с поставленной задачей необходимо изменить подход к образовательному процессу. Известно, что потребность отраслей химической промышленности в подготовке специалистов высшего качества стало требованием времени. С каждым годом желание молодежи получить высшее образование увеличивается. Перед высшими образовательными учреждениями, в целях совершенствования существующей системы образования, поставлена задача, пересмотреть вопрос подготовки кадров в соответствии с приоритетными задачами социально-экономического развития страны, создать все необходимые условия для подготовки специалистов с высшим образованием на уровне международных стандартов. За 27 лет независимости нашей страны осуществлена целенаправленная и широкомасштабная работа по модернизации и преобразованию системы высшего образования. Для выполнения поставленной задачи перед каждым исполнителем подготовки кадров, от руководящего работника до преподавателя, стоит задача выполнить свою работу не только качественно, но и осознавая ответственность перед будущим страны. Необходимо ответить на вопрос, каким требованиям должен отвечать выпускник - будущий специалист? Как организовать учебный процесс, чтобы достичь самых высоких показателей качества системы образования? Каким образом внедрить в нее формы и технологии обучения, гарантирующие подготовку высококвалифицированных специалистов? Важнейшие задачи дальнейшего комплексного развития системы высшего образования определены. Началась работа по сотрудничеству с ведущими профильными зарубежными научно-образовательными учреждениями. Ведется работа по внедрению в учебный процесс передовых педагогических технологий, учебно-нормативных материалов, основанных на международных образовательных стандартах, привлечению к научно-педагогической деятельности зарубежных высококвалифицированных преподавателей и ученых. усиление ее интеграции с академической наукой, повышение эффективности и результативности научно-исследовательской деятельности профессорско-преподавательского состава, вовлечению одаренной молодежи в занятия научно-исследовательской деятельности.

Задача состоит не в погоне за количеством, а в повышении уровня знаний будущих специалистов. В условиях рыночной экономики изменились и требования к специалистам в том направлении, что выпускник ВУЗа должен быть, высоко интеллектуальной личностью, обладающим основами наук, общей культурой, умением самостоятельно, гибко и креативно

мыслить, быть инициативным, обладающим решать творчески жизненные и профессиональные вопросы, достаточно высоко. Поэтому одним из важных направлений в системе образования становится разработка и внедрение инновационных педагогических технологий, соответствующих требованиям времени. Суть такого рода обучения заключается в том, что все обучающиеся оказываются вовлеченными в процесс познания и совместного действия, в процессе которого каждый вносит свой индивидуальный вклад в виде идей, эмоций, действий. В результате происходит активный обмен знаниями, идеями, способами деятельности. Процесс осуществляется в атмосфере психологического комфорта, доброжелательности, кооперации и сотрудничества.

Современный мир живет в условиях высоких технологий, в частности высоких информационных технологий. В наши дни стремительное развитие техники привело к технизации современного общества, которая, расширяя возможности человека, влечёт за собой изменения в системе жизненных ценностей, норм. Следствием такого рода преобразований явилось развитие сети Internet, которое послужило началом нового эволюционного процесса, называемого информатизацией. Использование информационно-коммуникационных технологий (далее в тексте ИКТ) на занятиях стало обычным делом. ИКТ становится неотъемлемым помощником в повышении интереса студентов изучаемому материалу и проблемам, развивает наглядно-образное мышление. Следовательно, это приводит к легкости усвоения студентами предлагаемого учебного материала, соответственно даёт возможность активизировать их познавательную, мыслительную и самостоятельную деятельность, интенсифицировать учебный процесс. Важным аспектом использования ИКТ на занятиях «Общей и неорганической химии» является проектная деятельность в сочетании с мультимедийной презентацией, использование которой позволяет: повысить мотивацию студентов, использовать большое количество иллюстративного материала, интенсифицировать занятия, вовлечь студентов в самостоятельный процесс обучения, что особенно важно для развития их навыков работы над новым материалом самостоятельно.

В заключении можно отметить, что личностно-ориентированный подход к образовательному процессу, используя инновационные педагогические технологии поднимут учебный процесс от простого приобретения знаний, до высокого интеллектуального процесса, превращая его в инструмент творческого освоения предмета.

ТАЛАБАЛАРДА ИННОВАЦИОН ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тухтамушова А.У., Мамарасулов Б. С.
Тошкент- кимё технология институти

Олий таълим тизимида бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар эртанги кунимиз учун мустаҳкам замин яратиши муқаррар. 2017-йил 20-апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-2909-сонли қарори қабул қилинди. Кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган долзарб вазифалар самараси ўлароқ, бундан буён олий таълим тизими янада самарали ривожланиши учун катта имкониятлар эшиги очилаётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда аудиторияларда таълим олаётган талабалар учун барча шароитлар яратилган. Бугунги талаба – эртанги кунда жойларда фаолият олиб борувчи мутахассис. Бугун аудиторияда талаба нафақат билим олиши, балки ўзини намоён этиши учун ҳам имконияти мавжуд. Хўш инновация нима? Қандай қилиб талаба ёшларда инновацион фикрлашни ривожлантириш мумкин? Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб — «инновацион» янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни мавжуд тизимни структурасини ичдан ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўрганилаётган муайян объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Инновация тушунчаси биринчи бўлиб XIX-асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди. Бугунги кунда инновацион ёндашув турли соҳаларга кириб борган ва ўз самарасини бермоқда. Ҳар қандай турдаги янгиликка инновация сифатида қараш керакми? Ҳар қандай инновация янгиликми? Инновациялар кашфиётлардан нимаси билан фарқланади? Инновацияга, мавжуд тизимни яхшилаш йўлида самарадорликни оширадиган фактор сифатида қараш лозим. Илм-фан, шу соҳа тараққиётига йўналтирилган муайян маблағларни ёшларнинг замонавий, чуқур билим олишларига йўналтириш, ёшлар олган билимларини яна илм-фан тараққиётига хизмат қиладиган ғояларга айлантиришлари ҳамда шу ғоя устида амалий изланишлар олиб боришлари деб қарасак, у ҳолда инновация ана шу билимлар ва ғояларни яна маблағга айлантиришга қаратилган ҳаракатдир. Ғояларни назарий жиҳатдан илмий асосда ўрганиш кашфиётларга олиб келади, кашфиёт ёки ихтирони амалий аҳамиятини сифат жиҳатдан ажратиш ва уни муваффақиятли ҳаётга жорий этиш инновация. Дунёда илмий-техник салоҳият тез суръатларда ривожланиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилларини интеллектуализация қилиш ўсиб бормоқда. Инновацияларни жорий этиш иқтисодий ўсишнинг ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди. [1]. Шу ўринда дунёга машҳур инсонлардан бири “замонавий менежментнинг отаси” деб тан олинган П. Друкернинг инновация тўғрисидаги “Эртанги кун – бу имконият” деган иборасини ёдга олмоқ жоиз, чунки ёшлар – эртанги кунимиз, истиқболимиздир. Демак, эртанги кун пойдевори бугунги кунда аудиторияларда яратилади. Эртанги кунги имкониятни бой бермаслик учун эса, ҳаракат бугун бошланиши керак. Келажак – бугундан бошланади. Талабаларда инновацион фикрлашни шакллантириш учун нима қилиш керак? Инновацион фикрлаш куртаклари аудиторияларда олиб бориладиган машғулотларда, мустақил таълим олиш асносида туғилиб, шаклланиб боради. Муаммоли вазиятлар таҳлили, муаммо, уни аввалдан кўра билиш, альтернатив ечимлар орасидан мақбул ечимни саралай билиш, муаммони кичик муаммоларга бўла олиш ва уларни кетма-кетликда қандай ечиш мумкинлигини баҳолай билиш, мантиқий фикрлашни шакллантириш, олинган билимни келгусида ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнларда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш, ностандарт шароитда қандай ечим топиш кераклигини аниқлай олиш, ушбу шароитда ҳаракатлар кетма-кетлиги қандай бўлади деган саволларга жавоб топа олиш, ўз устида мудом ишлаш ва мустақил билим излаш, мавжуд вазиятни янада қулай, арзон ва самарали ишлатиш юзасидан рационализаторлик таклифларини кирита оладиган мутахассис сифатида шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиториядаги таълим йўналтирувчи ҳарактерга эга, ўқитувчи асосан модератор, таълим жараёнини бошқарувчи шахс сифатида намоён бўлади.

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик ҳам инновация бўла олмайди. Янгилик ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислохот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга ошириладиган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхши ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади. Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб — инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади[2].

Талабанинг бугунги олган билими, унинг кейинги фаолиятига замин бўлади. Битирувчи мутахассиснинг бугунги кундаги тайёргарлик ҳолати, юксак замонавий технологияларга мувофиқ келадиган эртанги кун талабига жавоб бера олиши керак. Бунинг учун қиёслаш, таҳлил этиш, мақбул ечимни танлаш ва қарор қабул қила олиш кўникмалари ҳам шаклланган бўлиши керак.

Шу ўринда фанлараро интеграция, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, уларни ўзаро алоқадорлиги тўғрисида, илғор хорижий тажрибани ўрганиш кераклиги тўғрисида ҳам мулоҳаза юритиш керак деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янги ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация — маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янги ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир. Талабаларда инновацион фикрлашни шакллантириш – эртанги кунимиз истиқболи учун хизмат қилишдир.

Адабиётлар:

1. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3581-innovatsion-rivozhlanish-bu-kelazhak-pojdevori>

2. <http://fkr.uz/blog/3701.html> Педагогик инновация ва инновацион фаолият-таълим сифатинининг кафолати Блог им. khujaeva (28 декабр 2011, 14:21)

ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ РАБОТЫ С МОЛОДЕЖЬЮ

Хамидова Ф.К., Ахмедова А.А.
Ташкентский химико-технологический институт

Инновация - это внедренное новшество, обладающее высокой эффективностью. Является конечным результатом интеллектуальной деятельности человека, его фантазии, творческого процесса, открытий, изобретений и рационализации в виде новых или отличных от предшествующих объектов.

Социальная работа - профессиональная деятельность по организации помощи и взаимопомощи людям и группам, попавшим в трудные жизненные ситуации, их психосоциальной реабилитации и интеграции.

Актуальность настоящей работы обусловлена, с одной стороны, большим интересом к этой теме в современной науке, с другой стороны, ее недостаточной разработанностью. Общественные преобразования последнего времени в нашей стране актуализировали проблемы внедрения инновационных социальных технологий для повышения эффективности социальной работы с молодежью.

Важную роль в социальной работе играют инновационные технологии, задачи которых состоят в выработке организационных моделей решений социальных проблем, координация механизмов и их реализации. Сочетание определенности и гибкости, именно такие технологии применяются для развития социальной работы, так как могут обеспечить ее долгосрочные перспективы развития и функциональную насыщенность.

На современном этапе организация социальной работы происходит под влиянием существующих социальных проблем в обществе. В основном это проблемы социально-экономической и политической нестабильности в современной России. Определение ближайших и долгосрочных программ требуют инновационных действий и широкого современного мышления, основанного на интеграции наук. Деятельность социальной работы должна быть инновационной на этапе становления, внедрения и развития. Данное исследование актуально, так как:

- необходим детальный анализ изучения внедрения инновационных социальных технологий в работе с молодежью;
- требуется анализ проблемы внедрения инновационных социальных технологий для повышения эффективности социальной работы с молодежью.

Объект исследования – технология социальной работы с молодежью.

Предмет исследования - инновационные технологии социальной работы с молодежью и оценка их эффективности.

Цель исследования – изучить проблемы внедрения инновационных социальных технологий в социальной работе с молодежью и разработать проект повышения эффективности социальной работу в молодежной организации на примере г. Сосновый бор.

В связи с этим выделим следующие задачи:

1. Теоретическое изучение проблемы внедрения инновационных социальных технологий в практику социальной работы с молодежью;
2. Анализ опыта внедрения инновационных социальных технологий для повышения эффективности социальной работы с молодежью в городе Сосновый Бор;
3. Разработка проекта для повышения эффективности социальной работы с молодежью при внедрении инновационных социальных технологий.

Гипотеза исследования – внедрения инновационных технологий в области социальной работы с молодежью будет эффективным при соблюдении следующих условий:

- инновационные технологии будут реализовываться на проектной основе, а их внедрение будет проводиться с учетом комплексной социально-демографической и экономической ситуации в локальных территориальных образованиях;

- инновации будут предусматривать целенаправленное преобразование содержания и организационно – технологических основ работы с молодежью, направленное на повышение качества молодежной политики, обеспечение возможностей всестороннего личностного и профессионального развития для молодых людей

- организационное оформление инноваций будет координировано в рамках негосударственных общественных организаций, реализующих инновационную технологию в рамках конкретной программы и муниципального социального заказа.

Степень научной разработанности.

Теоретической основой работы послужили труды таких авторов, как Н.Ф. Басов. Данная книга освещает актуальные темы по важнейшим проблемам социальной работы с молодежью. В ней раскрываются основные направления социальной работы с этой категорией населения, анализируются проблемы современной молодежи, характеризуются работа по профилактике социальных явлений в данной среде. Большое место отводится педагогическим и правовым основам работы с молодежью.

В учебном пособии М.В Фирсова и Б.Ю. Шапиро впервые в отечественной учебной литературе показаны основные тенденции развития психосоциальной практики. Представлены интересные методы работы, с молодежью учитывающие их особенности.

Информационную базу исследования составляют источники, на которых строится работа:

- 1) нормативно - правовые акты и другие официальные документы;
- 2) научные источники (монографическая и учебная литература; материалы семинаров и конференций);
- 3) статистические источники;

Для успешной конкурентной борьбы многие турфирмы вынуждены искать нетрадиционные варианты и методы решения своих проблем, внедрять инновационные методы. Инновации в сфере туризма иногда возникают совершенно неожиданно и даже непредсказуемо под влиянием событий в обществе. Поэтому изучение инновационных процессов, причин появления новшеств, разработка методов их внедрения представляет значительный и практический научный интерес. В решении данной проблемы большую роль следует отводить математике, так как именно математические и статистические методы являются одним из важнейших критериев развития отрасли гостиничного бизнеса, что было доказано в данной работе.

Литература

1. Папирян Г.А. Международные экономические отношения. Экономика туризма, М.: Финансы и статистика, 2010
2. Козлова Ю. Математика на туристической тропе – Математика, №16, 2011 г.
3. Ильин В.А., Куркина А.В. Высшая математика: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005.
4. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. – М., 2008
5. Изотова М.А., Матюхина Ю.А. Инновации в социокультурном бизнесе и туризме. – М., 2006
6. Каурова А.Д. Организация сферы туризма: учеб. пособие. - СПб.: Герда, 2010.
7. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма. – М.: Кнорус, 2009.
8. Иванова Н.И. Национальные инновационные системы / Н. И. Иванова. - М.: Наука, 2009

TALABALARDA INNOVATSION FAOLIYATNI SHAKILLATIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI

Xandamov D.A., Xakimova, M. Berdishukurov
Tashkent chemical-technological institute

Kadrlarni tayyorlashda o'qitishning zamonaviy innovatsion pedagogik texnologiyalaridan foydalanish katta ahamiyatga ega. Chunki taraqqiyotning shiddat bilan ildamlab borishi va axborot texnologiyalarining rivojlanishi, ta'lim berishda «O'qituvchi – ma'lumot manbai» degan «eski» yondashuvdan voz kechishni hamda «O'qituvchi – ma'lumot olishda yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi menedjer» ko'rinishidagi yondashuvdan foydalanishni taqozo etadi. Ta'lim va fan sohasini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirishga qaratilayotgan e'tibor, kadrlar tayyorlashning zamonaviy tizimini, ularda o'ziga xos va nostandart fikrlash qobiliyatini o'stirishni, o'z ustida doimiy ravishda matonat bilan ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishni hamda olingan bilim va malakalarini o'z faoliyatida samarali qo'llay oladigan mutaxassislarni talab qiladi.

Binobarin, mazkur vazifalarni bajarishda, o'quv jarayoniga innovatsion pedagogik texnologiyalar hamda interfaol o'qitish usullari, vositalarini qo'llash orqali talaba-yoshlarni innovatsion usullari bilan qurollantirish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi kunda innovatsion o'qitish metodlaridan: muammoli metodlar, interfaol metodlar, strategiyalar va grafik organayzerlardan keng foydaladi:

1. Interfaol metodlar: “Keys-stadi”, “Blits-so'rov”, “Modellashtirish”, “Ijodiy ish”, “Munosabat”, “Reja” va boshqalar.

2. Strategiyalar: “Aqliy hujum”, “Bumerang”, “Zig-zag”, “Zinama-zina”, “Rotatsiya”, “T-jadval”, SWOT -tahlil va h.k.

3. Grafik organayzerlar: “Baliq skeleti”, “BBB”, “Konseptual jadval”, “Venn diagrammasi”, “Insert”, “Klaster”, “Nima uchun?”, “Qanday?” va boshqalar.

O'quv jarayoniga innovatsiya kiritishda ilg'or pedagogik tajribalarni o'rganish, tahlil qilish va umumlashtirish hamda pedagogik-psixologik fanlarning yutuqlaridan keng foydalanish raqobatbardosh kadrlar tayyorlashining muhim jihatlaridan biri hisoblanadi. Ma'ruza, amaliyot va laboratoriya mashg'ulotlari uchun kimyoviy texnologiyalarning ishlab chiqarish tarmoqlari yo'nalishlaridan kelib chiqqan holda o'quv jarayonida qo'llanilishi mumkin bo'lgan mavzulariga mos va uning maqsadlariga javob beruvchi inovatsion pedagogik texnologiyalar, interfaol o'qitish usullarini amaliyotda qo'llash talabalarda inovatsion fikrlash va mulohaza yuritish qobiliyatini shakillantiradi.

Biz asosiy organik moddalar kimyoviy texnologiyasi ta'lim yo'nalishida taxsil olayotgan talabalarga 3 kursda o'qitiladigan “Organik sintez asoslari” fanining amaliy mashg'ulotlarida qo'llaniladigan birinchi maruza mavzusini o'zlashtirishlari uchun “Chalkashtirilgan mantiqiy zanjirlar ketma-ketligi” metodi orqali mazkur mavzuni o'zlashtirishida misol sifatida ko'rib chiqamiz. (*Mazkur dars ma'ruza mashg'ulotida o'tilgandan so'ng amaliy mashg'ulot jarayonida qo'llaniladi*)

“Chalkashtirilgan mantiqiy zanjirlar ketma-ketligi” metodi. Dastlab o'qituvchi doskaga organik sintez rivojlanish xronologiyasini chalkashtirilgan holda yozib qo'yadi. So'ngra, tinglovchilardan mazkur metodlarni qaysi guruhga kirishiga tasniflashni taklif etadi. Masalan Organik sintez rivojlanishining xronologiyasi quyidagicha yoziladi hamda jadvallarga mos ravida to'ldirilishi talab etiladi:

REAKSIYALAR NOMLARI

- Alkogolyatlar va galogen alkanlarning o'zaro ta'siridan efirlar hosil qilish reaksiyasi;
- Qo'shbog'lar sonini va ularning molekuladagi o'rnini aniqlash usulining topilishi;
- Aromatik uglevodorodlarni alyuminiy galogenidlar ishtirokida alkillash reaksiyalarining topilishi;

- Atsetilenning ikki valentli simob tuzlari ishtirokida gidratlanishi;
- Natriy metalli va alkil galogenidlardan uglevodorodlar sintez qilish.

KASHF ETILGAN YILLARI


- 1882 yil
- 1852 yil
- 1881 yil
- 1877 yil
- 1885 yil

KASHF ETGAN OLIMLAR NOMI

- Vilyamson
- E. E. Vagner
- Sh. Fridel va D. Krafts
- M. G. Kucherov
- A. Vyurs

№	Kashf etilgan yillari	Reaksiyalar va kashf etgan olimlar nomlari
1.		
2.		

So'ng professor-o'qituvchi tomonidan Organik sintez rivojlanishining xranologiyasi jadvallarga mos ravida to'ldirilib sinf doskasiga yoziladi. Mashg'ulotlarni tamomlagan talabalarga o'z javoblarini tekshirishlari uchun quyidagi variant o'quvchilar e'tiboriga xavola etiladi:



Eng muhimi bu joyda interfaol metodlarni tanlashda o'rganilayotgan mavzu, muammo yoki hal qilinishi lozim bo'lgan masalaga e'tibor qaratish lozim. Interfaol metodlarni qo'llashda talabalarning yosh, psixologik xususiyatlari, dunyoqarash darajasi, hayotiy tajribalari inobatga olinsa, dars samaradorligi yanada oshadi. Bu esa o'qituvchilardan kasbiy mahorat, malaka, bilimdonlik, sezgirlik ega bo'lishni taqozo etadi.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ - КЕЛАЖАК МАКТАБИ

Ходжаева Н.Н., Нажатова Г.Ф.
Тошкент кимё-технология институти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг "Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз" деган чақириқлари ёшлар тарбияси билан шуғулланаётган барча мураббий ва ўқитувчилар учун дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича асосий ҳужжатларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), интернет ва компьютер тармоқлари негизида ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этиш ҳамда барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси» белгилаб берилиб ҳозирги даврда мазкур тадбирлар комплекс тарзда муваффақиятли амалга оширилмоқда [1].

Ҳозирги кундаги самарали қўлланилаётган усуллардан бири замонавий АКТ ларга асосланган масофавий таълим (МТ) шаклидир. Таълим тизими тажрибалари кўрсатмоқдаки, ўқув жараёнида интернет тизими ва АКТ ни янги билимларни эгаллаш, сақлаш, узатиш ҳамда амалий қарорлар қабул қилиш воситасига айлантириш ҳисобига кадрларнинг сифат даражасини тубдан яхшилашнинг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Интернет тизими ва АКТ имкониятларидан МТ да фойдаланиш аввало таълим сифати, ижтимоийлиги, оммабоплиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан ҳаммага мақбул бўлишлигини таъминлайди. Булардан ташқари МТ ни анъанавий ўқитиш шаклига таққослаганда бир қатор афзалликлари ҳамда ижобий жиҳатлари мавжуд. Таъкидлаш керакки, ўқитишнинг замонавий МТ шаклини мамлакатимиз олий таълим тизимида самарали жорий этиш учун етарли имкониятлар мавжуд.

Ахборот коммуникация технологиялари кенг қўламдаги тушунча бўлиб, унга технологик воситалар ёрдамида коммуникацияга жалб этилган тизимлар, жараёнлар ва шахслар киради. Масофавий таълим — ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб, ўқув ахборотларининг алмапгувини таъминлайдиган, ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнидир. Бунда, муайян соҳада мутахассислар тайёрлаш тизимидаги барча фанларни комплекс тарзда масофавий ўқитишга асосланган, бироқ, комплекс доирасида ўқиш жараёни учун қатъий белгиланган жой ва вақт мезони шартли ўрнатилмаган таълим шакли назарда тутилади.

Масофавий таълим технологияси 1969 йилда Англия премьер-министри Г.Вильсон ташаббусига кўра шакллантирилган деб ҳисобланади. Аммо масофадан ўқитиш анча олдинроқ, яъни, биринчи барқарор, мунтазам почта алоқасининг шаклланиш даврида юзага келган. 1858 йилдан бошлаб Лондон университетига барча хоҳловчиларга уларнинг мустақил билим олишлари, барча ихтисосликлар ва барча соҳалардаги академик даража учун имтиҳон топширишларига руҳсат этилган. 1938 йилдан буён Сиртқи таълим бўйича Халқаро кенгаш, 1982 йилдан бошлаб, Масофавий таълим бўйича Халқаро Кенгаш номи билан машҳур халқаро таълим ташкилотлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Очик университетлардаги ўқиш харажатлари анъанавий институтларда ўқитишга қараганда 8-10 марта арзон.

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди. Ўқитишнинг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро

таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди. Иш билан банд бўлган катта ёшдаги кишилар, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олишни хоҳдовчилар учун МТ жуда қулай воситадир.

МТ га қуйидаги бешта асосий ҳолат билан тавсифланувчи таълим сифатида қараш мумкин: – ўқитувчи ва ўқувчининг мавжудлиги; – таълим жараёнининг маълум масофада амалга оширилиши; – ўргатувчи ва ўқувчининг ўзаро иккиёқлама мулоқоти; – масофавий ўқиш учун мўлжалланган махсус материаллар; – мавжудлиги; – ҳар икки томоннинг компьютер ва бошқа техника ва коммуникация; – воситалари билан таъминланганлиги.

Бизнинг фикримизча, олий таълимда, шу жумладан МТ да АКТ тизимни» шакллантириш ва ривожлантиришда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- мақсадларини амалга ошириш учун юқори малакали кадрларни қайта тайёрлаш;
- янги эҳтиёжлардан келиб чиқиб мутахассислар тайёрлаш;
- янги кадрларни тайёрлашда сифатга бўлган талаблардани тўғри инobatга олиш;
- фаолият учун зарур бўлган ёки жалб қилинган механизмлар тармоғини тузиш ва улар билан биргаликда ишлаш;
- бозор унсурларини яратиш, ўзгартириш ва такомиллаштириш.
- билимларнинг товарга айланиш жараёнини жадаллаштириш, уларни амалиётга жорий этишга қаратилган инновацион фаолиятларни молиялаштириш.

АКТни жамият ва иқтисодий соҳаларда қўллаш инновацион ривожланишини таъминлайди. Унинг соҳалари: – АКТ таълим тизимларини бошқаришда қўллаш; – АКТ кутубхона ва ахборот ресурс марказларини ташкил этишда; – қўллаш ҳамда АКТни дарс бериш жараёнида қўллаш.

Ўзбекистонда таълим олишга интилаётган ёшлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда, аммо уларнинг барчаси талабалик бахтига эришмаган. Бунга сабаб бўлувчи омиллардан бири - мамлакатдаги ОТМ сони камлиги, уларнинг чекланган ўрин билан талабаларни ўқишга қабул қилиши. Масалан, 2017 йилда олийгоҳда таълим олишни истаб ўқишга ҳужжат топширган абитуриентларнинг фақат 9 фоизи талаба бўлишга муваффақ бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу масалада ўзининг инновацион ечимини таклиф қилмоқда: Келажак университетини ташкил этайлик. Бу нима ва қандай бўлади? Келажак университети МООС (оммавий онлайн очик курслар) лойиҳаси асосида фаолият кўрсатувчи онлайн-университетдир. Таъкидлаш жоизки, дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари аллақачон шу турдаги хизматини талабаларга тақдим этган. Масалан, Ҳарвард, Оксфорд, Массачусетс технологиялар институти 15-25 минг доллар тўлов эвазига масофали таълим шаклини таклиф этади. Булар қаторида 120 дан ортиқ нуфузли олийгоҳлар 1300 дан ортиқ йўналиш бўйича ўқишни таклиф этган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги таклиф этаётган университет Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиши ва таълимни муваффақиятли тамомлаш билан битирувчига диплом тақдим этиши кутилмоқда. Бунда таълим олиш учун йилига 1,5 миллион атрофида тўлов бўлиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимида АКТ ни қўллаш, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Шунинг учун бу борадаги назарий, услубий ва бошқа жиҳатларни давр талаблари асосида такомиллаштирилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз Т.:Ўзбекистон - 2016
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни.Тошкент,1997.

“UMUMIY VA ANORGANIK KIMYO” FANIDAN TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRUVCHI INNOVASION KEYSLAR

**Xudoynazarova D.M., Eshbo'riyev T.N., Jalilov A
Toshkent kimyo-texnologiya institute**

Keys 1. “Maksam-CHirchiq” OAJ ning laboratoriyasida yangi ish boshlagan laborant ish stolida “HCl”, “NaOH”, “H₂SO₄”, “CuSO₄” va “CaO” yorliqlari yopishtirilgan idishlarni stol ustidan olib, reaktivlar turgan shkafning “tuzlar” deb nomlangan qatoriga qo‘ydi.

Savol: 1. Ishchi ushbu reaktivlarni o‘z joyiga qo‘ydimi? Fikringizni tushuntiring.

2. Moddalar qanday tabiatga ega?

3. Qaysi moddaning asoslik xossasi kuchli?

4. Ushbu moddalar laboratoriyada qanday maqsadda ishlatilishi mumkin? Reaksiya tenglamalari asosida tushuntiring.

5. Ushbu moddalar laboratoriyada bo‘lmasa ularni qanday qilib, qaysi reaktivlardan olish mumkin? Reaksiya tenglamalari asosida tushuntiring.

Keys 2. Kimyoning asosiy qonunlari doir.

A.Lavuaze 1781-yilda karbonat angidrid gazini 10 xil usul bilan xosil qildi va gaz tarkibidagi uglerod bilan xosil qildi va gaz tarkibidagi uglerod bilan kislorod massalari orasidagi nisbat 3:8 ekanligi aniqladi va “har qanday kimyoviy toza birikmani tashkil etuvchi elementlarning massalari o‘zgarimas nisbatda bo‘ladi” degan xulosaga keldi. Bu xulosa tarkibning doimiylik qonuni deb, 20 yil davomida olimlar tomonidan e’tirof etib kelindi.

Biroq 1809 yilga kelib, bu qonunning ta’rifini Prust nomi bilan ataymiz?

Buni o‘zingizning bilimlaringiz asosida izohlab bering.

Keys 3. Gazsimon moddalarning molekulyar massalarini aniqlashda Avagadro qonuni (Avagadro soni) molyar hajm, nisbiy zichlik, Mendeleev-Klapeyron tenglamalaridan foydalanamiz.

Gazsimon moddalarning molekulyar massasini aniqlashning yangi usullari hozirgi zamon kimyo fanidan aniqlanganmi?

Shularni izohlay olasizmi?

Keys 4. Atom tuzilishiga doir

Kvant nazariyasiga ko‘ra elektronlarning yadro atrofidagi xarakterini to‘rtta kvant sonlar: bosh kvant son, qo‘shimcha (orbital) kvant son, magnit kvant soni, spin kvant sonlari bo‘lib, energetik pog‘onachalar soni nechtagacha bo‘lishi mumkin?

Buni yangi kimyoviy elementlarning kashf qilinishi asosida izohlash mumkinmi?

Keys 5. Elementlar davriy sistemasiga doir.

D.Mendeleevning davriy sistema uchun taklif etilgan variantlar soni 200 dan ortib ketdi, lekin ulardan eng muximlari Bor-Tomson, Nekrosov taklif etgan variantlar xisoblanadi. Hozirda qo‘llanilayotgan davriy sistema eski variantlardan keskin farq qiladi, yani 7 ta davr va 8 ta guruxdan iborat internet ma’lumotlariga ko‘ra hozirda 218 ta kimyoviy element ma’lum. Kelajakdagi davriy sistemada nechta davr va nechta davr bo‘lishi mumkin ?

Buni etarlicha ma’lumotlar asosida izohlab bering?

Keys 6. Kimyoviy bog‘lanish va molekula tuzilishiga doir

Kimyoviy bog‘lanishning kovalent (qutbsiz va qutbli); ion; koordinatsion (donor-akseptor); vodorod va metall bog‘lanish kabi turlari mavjud. Valentlik va oksidlanish darajasi tushunchalarini bilamiz.

Olimlar tomonidan yangi kashf qilinayotgan moddalarda valentlik tushunchasini izohlab beradi? Javobingizni etarli misollar yordamida izohlab bering.

Keys 7. Oksidlanish-qaytarilish reaksiya turlariga doir

Kimyo fanidan shahar olimpiadasining laboratoriya bosqichida o‘quvchilarga uchta eritma tayyorlash topshirildi. Birinchi eritmada tarkibida iodid kislota va kaliy dixromat, ikkinchi eritma tarkibida kaliy xromat va kaliy bromid, uchinchi eritma tarkibida esa temir (III) –xlorid va kaliy

yodid mavjud bo'lishi kerak edi. Olimpiada g'olibi sifatida faqat bitta eritma tayyorlagan ishtirokchi g'olib bo'ldi.

Savol: U qanday eritma tayyorlagan? Javobingizni reaksiya tenglamalari asosida izohlang.

Keys 8. Ko'zboylamachi (fokuschi) kimyo ishqibozlarini yig'ib, ularga quyidagicha namoyish o'tkazdi. Qoramtir-binafsha rang (kaliy)-xromli achchiqtoshni suvda eritganda, binafsha rang eritma hosil bo'ldi. So'ng ushbu eritmaga rangsiz suyuqlik quyganda eritma zumrad rangga kirdi. Biroz yana rangsiz suyuqlik quyganda eritma eritma apelsin rangiga bo'yaldi. So'ngida eritmaga avval ishtirok etgan rangsiz suyuqlik bilan (C₂H₅)₂O tarkibli suyuqlik quyganida eritma ikkiga ajralib, eritmaning bir qismi havorangga bo'yaldi.

Savol: 1. Ko'zboylamachi qanday tajribalarni o'tkazgan? Javobingizni reaksiya tenglamalari asosida izohlang.

Keys 9. Elektrokimyo va Galvanik elementlarga doir

1826 yilda nemis olimi Otto Unferdorben kaliy permanganatdan tuzlarga binafsha rang beruvchi moddani ajratib olishni rejalashtirdi. Buning uchun kaliy mermanganatni konsentrlangan sulfat kislota bilan aralashtirdi. Biroz vaqt o'tgach qoramtir-yashil suyuqlikning ajrilishini kuzatib hursand bo'ldi, ya'ni bu suyuqlikni permanganatning boshlang'ich rangi deb o'yladi. Unferdorben haydash yo'li bilan ushbu suyuqlikni ajratib olish uchun qizdirishni boshladi. Birdan tajriba maydoni portlab, kimyogar xushidan ketdi.

Savol: Unferdorbenning xatosi nimada edi? Jarayonlarning kimyoviy ifodasini yozing.

Keys 10. Kaliy permanganatni kuchli ishqoriy muhitda qizdirilsa manganat hosil bo'lgani uchun eritma binafsha rangdan bir vaftda gaz ajralishi bilan yashil rangga bo'yaladi. Hosil bo'lgan eritma sovishi bilan tubiga qo'ng'ir cho'kma tusha boshlaydi va eritma yana binafsha rangga kira boshlaydi. Ushbu jarayonlar asosida qanday reaksiyalar yotadi?

Keys 11. Azot va uning birikmalariga doir

Kimyogarlarning qo'ng'ir gaz – azot (IV)-oksid ajratib olib, bir necha silindrlarni to'ldirishdi. Ertangi kuni ushbu gaz bilan bir necha tajribalar amalga oshirilishi kerak edi. Biroq tunda issiqlik manbaida avariya ro'y bergani bois, issiqlik tizimida uzilish ro'y berib laboratoriya xonasining harorati +20°C gacha tushib ketdi. Tongda aniqlandiki, silindrlarda qo'ng'ir gaz o'rniga rangsiz suyuqlik mavjud edi. Nima hodisa yuz berdi? Qo'ng'ir gazni nima maqsadda ishlatish mumkin edi? Yo'qolgan qo'ng'ir gazni qaytarish mumkinmi? Javoblaringiz reaksiya tenglamalari yordamida asoslang.

Keys 12. Anorganik kimyo va ekologiya doir

Atmosfera havosini asosan ifloslantiruvchi manbalar bugungi kunda tobora rivojlanib borayotgan insonning sanoat ishlab chiqarishidagi va avtotrasportlarning rivojlanishidir. Havoga ko'p miqdorda karbon kislota, uglevodorodlarning oksidlari, sulfid anhidrid va boshqa moddalar chiqarilib, ular tabiiy muhitga va odamlarga juda katta zarar etkazmoqda. Atmosfera havosini ifloslanishi muammosi barcha insoniyatni tashvishlantirmoqda. O'zbekistonda atmosferaga chiqariladigan nisbiy ifloslantiruvchi moddalarning miqdori keyingi yillarda ikki martaga qisqardi, ya'ni jon boshiga 90 kg ni tashkil etdi.

Ifloslantiruvchi moddalarning umumiy miqdoriga nisbatan 51,9%-SO₂, 16%-TO₂, 17,9%-organik moddalar, 8,8%-CO₂, 6,1%-qattiq moddalar va 0,2% boshqa maxsus zararli moddalarga to'g'ri keladi.

Ko'pgina shaharlarda ifloslanishning sanitar-gigienik normadan ortiqligi kuzatilmoqda.

Masalan, Olmaliq, Navoiy, Samarqand, Toshkent, Angren, Marg'ilon, CHirchiq, Toshkent va boshqa shaharlar shular jumlasidan bo'lib, eng ifloslangan shahar Navoiy shahri bo'lib hisoblanadi.

Topshiriq: Ekologiyaga salbiy ta'sir etuvchi kimyoviy omillarni ko'rsating.

2. Keltirgan omillaringizga qarshi usullarni ishlab chiqing.

3. Keltirgan omillaringizni oldini olish yo'llarinig tushuntiring.

Foydalanilgan adabiyot

1. Занимательные задания и эффектные опыты по химии/ Б.Д.Степин., Л.Ю.Аликберова – М.: Дрофа 2002. 432с.

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАЛАБАЛАРНИ САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шапатов Ф.У., Абсалямова Г.М.
Тошкент кимё-технология институти

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ушбу тарихий жараённинг самарали кечиши, шубҳасиз, ўз касбига содиқ, ватанпарвар, салоҳиятли кадрлар фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Чунки, *“ҳар бир компания, корхона, муассаса ва ташкилот ўзининг келажаги, истиқболни, биринчи навбатда, малакали кадрлар орқали белгилайди. Бошқарувда кадрларнинг тўғри танланиши корхона-ташкилотларнинг ютуқлари, мавқеини оширишда муҳим омил ҳисобланади”*.

Ота-боболаримиз ҳам давлат ишларини бошқаришда салоҳиятли кадрлар масаласига эътибор бериш лозимлигини таъкидлайдилар. Масалан, Ҳазрат Алишер Навоий давлат хизматчиси, биринчи навбатда, ҳақ йўлни танлаган, ҳар бир ишни инсоф ва адолат тарозиси билан ўлчайдиган маънавий юксак инсон бўлиши зарурлигини уқтирган. У етти ўлчаб бир кесишга, шошилиб хулоса чиқармасликка, ёлғончи гувоҳлардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Ҳукумат ишларида ҳар қандай ишни маслаҳат билан амалга ошириш зарурлигини, ўз шахсий фикрига ортиқча баҳо бериб юбормасликни таъкидлайди.

Қабул қилаётган ҳар бир қарорининг нуқсонли томонларини ўйлаб кўришга ва ҳар ишда меъёрни билишга, ортиқча мажлисбозликка берилиб кетмасликка даъват этади. Давлат ишларидан бўш вақтларда китоб мутолаа қилиш, айниқса, тарихга оид китобларни кўпроқ ўқишни одат тусига киритишни айтади.

Мамлакатимизда ҳам давлат хизматчилари ва раҳбар кадрларга қўйиладиган талаблар, раҳбар сифатида уларнинг шаклланиши, камол топиши, уларни тарбиялаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов бу борада шундай деган эди: “Энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл-идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. У бағрикенг, айна замонда, талабчан бўлиши даркор. Жасур, матонатли раҳбар элнинг дуосини олади, масъулиятни англамайдиган, мақтовни ўзи олиб, хато ва камчиликни бошқаларга ағдарадиган, тили бошқа-ю дили бошқа кимсалардан худо сақласин.

Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган раҳбарлар керак, чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади”. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кадрлар масаласида дуч келаётган муаммоларимиздан бири ўз ишини яхши биладиган, уддабурон, салоҳиятли бирон кадрнинг бошқа ишга ўтиши муносабати билан иш ўрнининг бўшаб қолиши, унинг ўрнига келган кадрнинг ишни ўрганиб, жойлашиб олгунича вақт масаласи ҳамда ишдаги самарадорликнинг пасайиши кузатилади. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир раҳбар кадр ёки оддий ходим бўладими ўзига “устоз-шоғирд” анъанасини қўллаган ҳолда ишини давом қилдириб кета оладиган салоҳиятли кадрни тайёрлаб бориши лозим. Кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш, назария ва амалиётни бир вақтда олиб бориш, кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш, ишларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига эътибор бериш зарур.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифалар белгилаб олиниб, ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бу эса салоҳиятли кадрларнинг давлат ишларидаги фаоллигини кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг иштирокини таъминлашни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу масалада ўзининг ижодий ва самарали таклифларини бериб, шундай дейди: “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал,

тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”.²

Хўш, шундай экан, бугунги кунда салоҳиятли кадрларга қандай талаблар қўйилади?

Биринчидан, ишда самарали натижаларга эришиш учун салоҳиятли кадр иш юритишда уддабуронлик, бунёдкорликни намоён қилиб, мулоқотда софдиллиги, самимийлиги, виждонли ва покиза эканлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозона олиши зарур;

Иккинчидан, касбини эгаллаган ходим ўзига ишониши, юқори билим ва ижодий қобилиятга эга бўлиши, комилликка интилиши, қўйилаётган вазифалар даражасида қарорлар қабул қила олиши, назарий таҳлил ва ижодий ёндашув маҳоратига эга бўлиши лозим;

Учинчидан, ишни замонавий услубларда ташкил этишда янги ахборотлар ва матбуотдан хабардор бўлиш, иш жараёнига янгича ғоя ва қарашларни олиб кириши, энг муҳими, уларга ҳамкасбларини ишонтира олиши муҳим аҳамият касб этади;

Тўртинчидан, замонавий кадр ўз устида мукамал ишлай оладиган, малакали, қолаверса, мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда замон руҳияти, қолаверса, ислоҳот жараёнлари билан қадамба-қадам юрадиган бўлиши шарт. Уларнинг малакаси қанчалик юқори бўлса, қўйилган вазифалар осон ва муваффақиятли бажарилади;

Бешинчидан, кадрларни тайёрлашда талабалар билан мутахассисларнинг ахборот алмашинувини жадаллаштириш, инновацион ғояларни ўқув жараёнларига татбиқ этиш;

Олтинчидан, талабалар, олимлар ва саноат мутахассислари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, талабаларни ишбилармонлик фаолиятига йўналтириш лозим.

Мамлакатимизда барча соҳаларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг узлуксиз ва узвийлигини таъминлаш, жаҳон андозалари даражасидаги иқтисодий, ижтимоий билимларга ҳамда юксак маънавий фазилатларга эга малакали кадрларни тайёрлашга эътибор берилмоқда. Демак, миллий тараққиётимизнинг навбатдаги мантиқий босқичи – давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш изчил давом этаётган бир шароитда Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида ҳам дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Миллий тикланиш” газетаси. 2017йил 22 декабр. 52(484).

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА ПРЕЗЕНТАЦИИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ

**Эшчанова Г.Э., Канглиев Ш.Т., Хабибуллаев Р.А.
Ташкентский химико-технологический институт**

Сегодня в системе высшего образования одной из наиболее распространённых форм донесения учебного материала можно назвать мультимедийные презентации.

Однако, анализ учебных презентаций показывает, что большинство презентаций, используемых преподавателями на занятиях, направлены на иллюстрацию слов педагога при объяснении нового материала. К сожалению, во многих из этих презентаций нет слайдов с вопросами, заданиями, почему-то преподаватели часто забывают о промежуточных и итоговых выводах, редко встречаются сравнения различных точек зрения [1]. Важно помнить, что основной целью презентации является представление информации в удобной для восприятия форме. Для достижения этой цели используются - текст, изображение, звук, видео, анимация и интерактивности. Использование мультимедийных презентаций в процессе обучения меняет характер традиционного учебного занятия, делает его более живым и интересным. Презентации можно классифицировать по назначению (учебные, научно-исследовательские, портфолио). Учебные презентации могут применяться во время изложения нового материала и при самостоятельном освоении учебного материала обучающимися. Научно-исследовательские презентации используются в научных конференциях, чтобы заявить о научных достижениях. Портфолио - это обычно авторские презентации, содержащие перечень достижений автора. На слайдах таких презентаций обычно представлены различные грамоты, свидетельства о публикации и прочие.

По форме изложения различают 2 вида презентаций: первое – линейные презентации, второе - интерактивные презентации. В линейных презентациях слайды последовательно сменяют друг друга: от титульного до последнего. При этом можно легко выстроить логику повествования. Основным недостатком таких презентаций является заданность, невозможность изменить последовательность подачи материала. В интерактивных презентациях обычно преследуется цель самостоятельного освоения конкретного учебного материала студентом. При этом, после титульного слайда идёт оглавление, элементы которого являются гиперссылками на определённые подразделы темы; в такой презентации обычно присутствуют задания для самостоятельного выполнения (обычно используются тесты), а правильные или неправильные ответы сопровождаются обратной связью.

По формату презентации могут быть в формате программы Microsoft PowerPoint, в формате PDF и в формате Flash. Презентации, выполненные и сохранённые в формате программы Microsoft PowerPoint, такие презентации могут содержать все элементы мультимедийной презентации. В презентациях формата PDF эффекты анимации не воспроизводятся. Часто этот формат используется для защиты информации презентации от копирования. Создание Flash презентаций является наиболее сложным процессом, но зато результат – красочная презентация, которая может быть выполнена с использованием сложных анимационных эффектов. Может быть как линейной, так и нелинейной.

Для того, чтобы презентация была максимально эффективной, при её создании необходимо пройти несколько важных этапов: формулировка цели; сбор и систематизация материала; разработка концепции презентации; создание дизайна презентации; наполнение презентации заголовками и дополнительными графическими элементами; оптимизация текстов и графики; вёрстка слайдов; тестирование.

Для удобства создания презентации предлагается некоторые структурные элементы – модули презентации – они помогут правильно выстроить логику повествования. Эти модули могут присутствовать в презентации в виде отдельных слайдов или их группы, последовательность их использования определяется учителем, в одной презентации не обязательно должны присутствовать все модули. К ним можно отнести – титульный слайд;

слайд с оглавлением; организационный модуль; план; вопрос-ответ; повествование. Далее мы рассмотрим элементы слайдов, которые способствует к развитию мышления студентов. К ним относятся - термин, сравнение, задание, тест, справка, промежуточный вывод, разделитель, итоговый вывод. Модуль "термин" может использоваться для акцентирования внимания на ключевом термине изучаемой темы. На слайде можно сначала показать термин, спросить у аудитории, как она его понимает, после этого показать определение термина на экране. В модуле "сравнение" последовательно демонстрируются сравниваемые предметы, явления, точки зрения. При этом важно подчеркнуть различия, в виде таблицы или схемы. Модуль "задание" позволяет провести проверку знаний учащихся. Оно может содержать: текст, изображение, карту, ребус, кроссворд и др. Модуль "тест" может использоваться во время демонстрации линейной презентации – в этом случае вопрос и варианты ответов показаны на слайде. При нажатии на клавишу выделяется правильный ответ. Важно учитывать: 1 слайд = 1 вопрос. Можно также применять в таких случаях нелинейные презентации, которыми управляют студенты. При этом правильные и неправильные ответы реализуются с помощью гиперссылок. Модуль "справка" необходим для получения дополнительной уточняющей информации по изучаемой теме. Он может располагаться после итогового слайда. После окончания доклада задаются вопросы, ответами на которые может служить информация из дополнительных слайдов. Модуль "промежуточный вывод" используется при демонстрации продолжительной по времени презентации, в ходе которой рассматривается несколько вопросов. Промежуточные выводы позволяют обобщить данные и «привести» обучаемых к итоговому выводу. Модуль "итоговый вывод" позволяет суммировать промежуточные выводы по теме из которых формулируется единый вывод по всей теме. Модуль "список источников" необходим, особенно тогда, когда необходимо указать гиперссылки. Модуль "домашнее задание" также является очень важным модулем учебной презентации. При изучении объёмной темы можно использовать несколько модулей с домашними заданиями по ходу изложения материала. В модуле "итогового слайда" обычно приводится фраза «Спасибо за внимание», а в некоторых случаях можно дать контактную информацию, домашнее задание или вопросы для самоконтроля.

Необходимо отметить, использование структурных модулей позволяет сделать презентации более содержательными, а учебный материал – доступным.

Учитывая вышеизложенные, нами в проведении мероприятий по "Школе 1-курса" в академических группах 23,24,25-18р были проведены семинар-тренинги, на котором студенты подготовили презентации по своей специальности. При этом они применяли метод "SWOT" для раскрытия сущности понятий и процессов. Сбор материалов был осуществлен по схеме "кластера" с применением мозгового штурма.

Важно отметить, что при этом у студентов формируется множество полезных учебных навыков - планирование материала, устное изложение, выступление перед аудиторией, представления результатов работы группы, групповое принятие решений, обсуждение материала, оформление презентации, эффективное использование времени и др. Таким образом, проведенные нами педагогические исследования показывают, что формирование навыков презентации материала, способствует техническому мышлению студентов, формированию устойчивых профессиональных навыков.

Литература

1. <http://www.griban.ru/blog/59-primenenie-uchebnyh-prezentacij-v-obrazovatelnom-processe-vidy-jetapy-i-struktura-prezentacij.html>
2. Грибан О.Н. Применение учебных презентаций в образовательном процессе: виды, этапы и структура презентаций //Воспитание и обучение истории в школе и вузе: исторический опыт, современное состояние и перспективы развития. Ежегодник. XX всероссийские историко-педагогические чтения: сб. науч. ст. / УрГПУ, Екатеринбург, 2016, Ч.3 - 212 с.
3. <https://mycourses.nile-elt.com/course/view.php?id=942>